

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТА МАХСУС ВА ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 930.26(67/68.621.7/9)

**ТУРГАНОВ БАХЫТ ҚУРБАНБАЕВИЧ**

**ХОРАЗМНИНГ ЎРТА АСРЛАРДАГИ МЕТАЛЛСОЗЛИК  
ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ**

(VIII – XIV асрлар археологик материаллар асосида)

Ихтисослик: 07.00.06 – археология

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган

**ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

Илмий раҳбар, тарих фанлари доктори:  
**КДЫРНИЯЗОВ МУХАММЕД- ШАРИП**

**САМАРҚАНД- 2009**

**МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b>	3-9
<b>I-Боб. Металлсозлик ҳунармандчилигининг ёзма, этнографик ва археологик манбаларда ўрганилиши</b>	10-45
1.1. Металлсозлик ҳунармандчилигининг ёзма манбалар ва этнографик материалларда ўрганилиш тарихи	10-29
1.2. Хоразм металлсозлик ҳунармандчилигининг археологик тадқиқотларда ўрганилиши	29-45
<b>II-Боб. Металл буюмлар таснифи</b>	46-115
2.1. Темирчилик ҳунармандчилиги буюмлари	46-72
2.2. Ҳарбий қурол – аслаҳолар	72-88
2.3. Мисгарлик маҳсулотлари	88-115
<b>III-Боб. Хоразмнинг иқтисодий ва маданий ҳаётни ўрганишда металл буюмларнинг ўрни ва аҳамияти</b>	116-141
<b>Хулоса</b>	142-145
<b>Фойдаланган адабиётлар</b>	146-169
<b>Шартли қисқартмалар</b>	170

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Қадимдан жамиятда иқтисодий ривожланиш хунармандчилик соҳаларидаги ишлаб чиқариш муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Республикамиз тарих ва археология фанларидаги доимий долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Хоразм ўрта асрларда Марказий Осиёдаги хунармандчилик соҳалари кучли тараққий қилган воҳалардан бири бўлса ҳам, жамиятдаги урбаниция ва цивилизациявий ривожланиш жараёнларни аниқловчи, иқтисодий ва маданий ҳаётни акс эттирувчи металлсозлик хунармандчилиги бугунги кунга қадар амалий жиҳатдан махсус тадқиқ қилинмасдан келмоқда.

Мустақиллик йилларида хунармандчиликнинг йўқолиб кетиш арафасида турган соҳаларини қайта тиклаш бўйича давлатимиз томонидан турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 31 март «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони катта аҳамиятга эга бўлди<sup>1</sup>.

Воҳаланки, Хоразм воҳаси археологик тадқиқотларида қайд этилган кўплаб металл буюмлар туркуми меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмларининг хилма-хил шакллари, металлга ишлов бериш техникаси тўғрисида маълумотлар беради. Шунингдек мисгарлик буюмларидаги ҳар хил безак ва тасвирларда халқимизнинг анаънавий амалий санъати, дунёвий тасаввурлари ва маънавияти тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд.

Бундан ташқари, ёдгорликларда аниқланган устахона ва маҳаллалар Куюк қалъа, Ҳайвон қалъа, Тўк қалъа, Замахшар, Шахрлик, Шемаха қалъа,

---

<sup>1</sup> Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов фармони // Ўзбекистон овози. –Тошкент, 1997 йил 1 апрель.

Жанпикқалъа, Миздакхон, Кўҳна-Урганч ва бошқа Хоразмнинг ўрта аср шаҳарларида металлсозлик маҳсулотлари кўплаб ишлаб чиқарилганлигидан далолат беради. Металлсозлик соҳалари тараққиёти учун зарур бўлган темир рудасини қайта ишлаш Катта Қирққиз қалъа, Шайхижалил тоғи атрофида, Султон Санжар яқинида; мис рудасини эритиш ишлари эса Султонувайс тоғ тизмаларидаги Оқ тоғ, Аччиқ тоғ, Занги бобо худудларида йўлга қўйилган.

Тадқиқот долзарблиги шундаки, кейинги 60 йил давомида археологик тадқиқотларда, шунингдек муаллиф томонидан VIII-XIV асрларга оид тўпланган металл буюмлар туркуми шакл ва фойдаланишига кўра таснифлаш орқали махсус тадқиқот объекти сифатида системалаштирилиб бугунга қадар ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг хронологик доираси** Хоразмнинг араб халифалиги хукмронлиги давридан то Буюк Темур давлати таркибига киритилгунга қадар давр (VIII-XIV асрлар)ни ўз ичига олади. Бу даврлар воҳа тарихида сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда катта ўзгаришлар руй берган давр сифатида изоҳланади. Хоразм воҳасида ислом мафкурасининг тарқалиши, унинг буюк давлатлар таркибига киритилиши, шунингдек марказлашган давлатнинг таркиб топиши, Шарқ ва Ғарб билан товар айирбошлашда тўғридан-тўғри иштирок этиши, йирик иқтисодий маконга айланиши, Шимолий-Шарқий Европа ва кўчманчи халқларга диний мафкуралар ва маданий янгиликларни тарқатувчи йирик марказлардан бири сифатида кўзга ташланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликлари С.П.Толстов, А.В.Гудкова, Е.Е.Неразик, Н.Н.Вактурская, О.А.Вишневская, Ю.А.Рапопорт, Г.А.Федоров-Давыдов, В.Н.Ягодин, М.М.Мамбеттуллаев, М-Ш.Қдырниязов ва бошқаларнинг археологик тадқиқотларида етарли даражада ёритилган<sup>1</sup>. Аммо, мазкур илмий ишларда

<sup>1</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. Рис. 73-74, 83; Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.-Л., 1962 – С. 288. Рис. 183,185; Гудкова А.В. Ток-кала. -Ташкент, 1964. – С. 44,54-57. Рис. 12, 13; Неразик Е.Е. Раскопки в Беркут-калинском оазисе в 1953-1956 гг. // Материалы Хорезмской экспедиции

металлсозликга оид маълумотлар ҳисобот шаклида берилган холос. Шунингдек, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб тўпланган археологик материаллар ҳозиргача махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Фақат, баъзи металл буюмлар Ю.П.Маньлов, Н.Н.Вактурская, Ғ.Хожаниязовларнинг илмий мақолаларида ёритилади<sup>1</sup>. Шунингдек, Султонувайс тоғ тизмаларидаги қадимги руда конлари геологлар ва археологлардан С.В.Лопатин, К.У.Ўразов, Ю.П.Маньлов, С.А.Дудаковлар томонидан қисман тадқиқ қилинган<sup>2</sup>.

Диссертацияда тадқиқот объектига оид археологик материалларни тўла системалаштириш, уларни антик давр топилмалари ва этнографик материаллар билан қиёсий таҳлил қилиш, ёзма манбалардаги металлсозликга оид маълумотларни ўрганиш ва аҳамиятини кўрсатиш орқали мавзунини олдинги тадқиқотчиларга нисбатан чуқурроқ ёритишга ҳаракат қилинди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация материаллари: Қорақалпоқ давлат университети тарих ва археология кафедрасининг “Қорақалпоғистоннинг қадимдан то XVIII асрга қадар тарихи” ва ГНТП. 4.31. «Хоразмда урбанизацион жараёнлар XII-XIV асрлар» мавзуларига тааллуқли.

---

(МХЭ). –М., 1959. –вып. 1. – С.113. Рис. 13; Неразик Е.Е. Раскопки Якка-Парсана // МХЭ. – М., 1963. –вып. 7. –С. 29, 31. Рис. 13, 14; Неразик Е.Е., Рапопорт Ю.А. Куяк кала в 1956 г. // МХЭ. – М., 1959. –вып. 1. – С. 133, 138. Рис. 9; Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского периода. – М., 1966. – С. 95, 101-103, 150. Рис. 48, 52-53, 67; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). – М., 1976. – С. 105, 110, 135, 138. Рис. 59-66, 97; Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городе Шемаха-кала Туркменской ССР // Труды Хоразмской археолого-этнографической экспедиции (ТХАЭЭ). –М., 1952. Т. I. –С. 174. Рис. 5; Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма // МХЭ. –М., 1963. –вып. 7. – С. 47, 50. Рис. 3; Вишневецкая О.А. Раскопки караван-сараяв Ак-Яйла и Талайхан Ата // ТХАЭЭ. –М., 1958. Т. II. – С. 460. Рис. 13; Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта // Археология Приаралья (АП). –Ташкент, 1991. –вып. 5. – С. 149-162; Кдырниязов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. – Нукус, 1989. – С. 93-98.

<sup>1</sup> Маньлов Ю.П. Железные орудия труда VIII в. с городища Ток-кала // Вестник КК ФАН РУз. –Нукус, 1962. –№ 3. – С. 80-83; Вактурская Н.Н. Медные сосуды из средневекового замка Кават-кала // МХЭ. –М., 1960. –вып. 4. – С.193-197; Хожаниязов Г. Вильчатый наконечник стрелы из Миздахкана // История и материальная культура Каракалпакстана. –Нукус, 2006. – С. 68-72.

<sup>2</sup> Лопатин С.В. Горные клады // Советская Каракалпакия. –Нукус, 1965, 24 января; Оразов Қ. Қарақалпақстанның қазылма байлықлары. –Нөкис, 1969. –Б.5, 64-67, 1-расм.; Маньлов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Ташкент, 1972. – С. 16-17; Дудаков С.А. Памятники горного дела Султануиздага // Актуальные проблемы истории Каракалпакстана: Тез. докл. Респ. науч. конф. – Нукус, 1991. – С. 23-25.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Хоразмнинг VIII-XIV асрлардаги иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритувчи металлсозлик ҳунармандчилиги, меҳнат қуроллари ва хўжалик буюмларини археологик, ёзма ва этнографик материаллар билан бир бутун ҳолда ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** сифатида қуйидагиларни ойдинлаштиришни талаб қилади:

- Воҳадаги темир ва мис рудаларини қайта ишловчи марказларни аниқлаш ва маҳаллий хом-ашёнинг металлсозлик ривожланишидаги аҳамиятини кўрсатиш.

- Хоразмнинг VIII-XIV асрлар ёдгорликларидаги металлсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи устахоналар ва маҳаллаларини аниқлаш.

- Меҳнат қуроллари, қурол-аслаҳалар, уй-рўзғор буюмларини шакли ва фойдаланишига кўра умумий тасниф қилиш ва уларни тавсифлаш.

- Хоразм аҳолиси томонидан рўзғор ва хўжаликда қўлланилган мис ва бронза буюмларни тасниф ва тавсиф қилиш.

- Металл буюмларни хронологик даврлаштириш ва уларнинг ривожланиш динамикасини кўрсатиш.

- Хоразм металлсозлик маҳсулотларининг иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини ёритиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Хоразмнинг VIII-XIV асрлардаги металлургия ва металлсозлик ҳунармандчилиги, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳалла ва устахоналар, металл буюмларни тадқиқ қилиш.

Тадқиқот предмети сифатида XX асрнинг 50-йилларидан олиб борилган катта кўламдаги археологик тадқиқотларда тўпланган ва ҳозирги пайтда Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейи ва И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси саънат музейи фондларида сақланаётган металл буюмлар туркуми, шунингдек Миздакхон (1998-2008 й.), Пулжой (2004-2005 й.) ёдгорликларидаги тадқиқотларда диссертант томонидан топилган янги материаллар ташкил этади. Бундан ташқари, Хоразм

археологик экспедицияси материаллари, ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Тарих, археология ва этнография институти материаллари ва Қорақалпоқ давлат университети археологлари (1985-2008 й) илмий ҳисоботларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг методологик асоси** тарих фанидаги объективлик ва тарихийликдан иборат. Археологик материалларни таҳлил этишда ва умумлаштиришда қиёсий-таҳлилий, қиёсий-типологик ва ретроспектив-тарихийлик усулларида фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. Хоразм археологик материаллари таҳлили шаҳар ва қишлоқ марказларида VIII асрдан металлсозлик ҳунармандчилиги ривожланишини кўрсатади.

2. Металлсозлик ҳунармандчилиги ривожланишида маҳаллий хом-ашёлар муҳим аҳамият касб этган.

3. Ривожланган ўрта асрларда (IX-XII асрлар) темирчилик ва мисгарлик маҳсулотларидан меҳнат қуроли, рўзғор ва хўжалик буюмларининг кенг қўламда қўлланилиши, уларнинг такомиллашуви ва хилма-хил шаклларининг ишлаб чиқарилиши кузатилади.

4. Темирчилик маҳсулотлари қуйидаги ихтисослашган гуруҳларда ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади: деҳқончилик ва дурадгорлик қуроли, рўзғор ва хўжалик буюмлари, от-улов анжомлари ва қурол-аслаҳалар.

5. Археологик ёдгорликлардаги маданий қатламлар асосида металл топилмаларни таснифлаш ва ривожланиш динамикасини кўрсатиш.

**Илмий янгилиги.** Тадқиқотда Хоразм воҳаси ўрта аср ёдгорликларидан тўпланган археологик материаллар асосида металлсозлик ҳунармандчилиги илк бора умумлаштирилиб ўрганилди. Хоразм археологик материалларини қўшни минтақалардаги топилмалар ва этнографик манбаларга қиёслаш орқали ўрта асрлар металлсозлик ҳунармандчилиги соҳалари ва устахоналарининг умумий манзараси ёритилди. Меҳнат қуроли, рўзғор ва

хўжалик буюмлари, қурол-аслаҳаларнинг эволюцион ривожланиши таҳлил этилди. Илгари фойдаланилган соҳаси номаълум бўлган металл топилмаларнинг вазифалари ва уларнинг маҳаллий ўзгачаликлари аниқланди. Қорақалпоғистон Республикаси музейлари фондларида сақланаётган металл буюмларни шакли ва вазифаларига кўра таснифлаш, илгари ўрганилмаган кўпгина археологик материалларни муомилага киритиш натижасида илк бор илмий хулосалар чиқарилди.

**Натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот иши Хоразм археологиясида ҳанузгача ўрганилмаган металлсозлик ҳунармандчилиги тарихининг назарий ва амалий муоммаларини ечишга хизмат қилади. Диссертациянинг асосий материаллари, хулосалар ва иллюстратив материаллардан кўп жилдлик «Ўзбекистон тарихи», «Хоразм тарихи», «Қорақалпоғистон тарихи», «Ўрта Осиё археологияси»нинг ҳунармандчилик ва моддий маданиятимизга оид бўлимларини ёзишда, Олий таълим талабалари учун археология ва этнографиядан махсус курслар ўқитишда, шунингдек Ўзбекистон ва кўшни давлатлар музейлар фондларидаги металлсозлик маҳсулотларини таснифлашда, Республика ва халқаро кўрғазмалар ташкил этишда ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот ишидаги илмий муоммалар ва уларнинг ечимлари металлсозлик ҳунармандчилиги тарихи ва анаъналарини миллий маданиятимизнинг бир қисми сифатида ўрганишга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Диссертация материаллари асосида Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик ва И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейлари фондларида ҳозиргача фойдаланиш соҳалари номаълум металл буюмлар аниқланди ва реконструкция қилиш учун тавсиялар берилди. Археологик материаллар ва уларнинг кўшни минтақалардаги ўхшаш турлари ҳисобидан музейлар экспозицияларини янада бойитиш таклиф этилди.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий жиҳатлари ва хулосалари археология, этнография ва тарих фанлари муаммоларига бағишланган Республика ва халқаро анжуман, симпозиум ва семинарларда муҳокама этилган. Республика миқёсидаги анжуманларда: «Ўзбекистон республикаси жаҳон ҳамжамияти тизимида» Тошкент, 2004 й.; «Хоразм Маъмун академиясига 1000 йил» Нукус, 2006 й.; «Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий анжумани ва танлови». Тошкент, 2007 й.; «Қорақалпоғистон тарихининг замонавий муомалари» Нукус.2007 йил; Халқаро анжуманда: «Орол бўйи маданиятлар чарроҳасида», «Қадимги Тошқирмон воҳаси археологияси» иккинчи дала семинари ва Марказий Осиёда машҳур тадқиқотчи С.П.Толстовнинг 100-йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро симпозиум. Нукус-Бўстон-Беруний, 2007 йил илмий чиқишларида ахборот берилди.

Диссертация ЎЗР ФА Археология институти «Турон» ва «Мовароуннаҳр» бўлимлари кўшма мажлисида, Институт илмий кенгашида, шунингдек Археология институти хузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда муҳокамага куйилди ва ҳимояга тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларнинг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича илмий журналлар ва илмий анжуман тўпламларида 12 та илмий мақола ва тезислар эълон қилинди.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва шартли қисқартмалардан иборат, ҳажми 170 бет. Иловада 81 бетлик харита, расмлар альбоми ва жадваллар берилган.

## **I-БОБ. ХОРАЗМНИНГ ЎРТА АСРЛАРДАГИ МЕТАЛЛСОЗЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ ЁЗМА, ЭТНОГРАФИК ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАРДА ТАДҚИҚ ҚИЛИНИШИ**

### **1.1. Металлсозлик хунармандчилигининг ёзма манбалар ва этнографик материалларда ўрганилиши**

Хоразм металлсозлик хунармандчилиги жумладан, металл буюмлари, хом-ашё манбалари махсус асарларда ёритилмаган бўлса ҳам, қадимги юнон ва рим тарихчилари, ўрта аср араб-форси саёхлари, XVIII-XIX асрлар рус элчилари ва XX аср тарихчи, шарқшунос, этнограф олимларнинг илмий тадқиқотларида қисқача маълумотлар берилган. Мазкур маълумотларни системалаштириш ва таҳлил қилиш соҳага доир тарихий манбаларни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Жумладан, юнон тарихчиси Геродот (мил.ав.V- аср) массагет қавмлари тўғрисида «Уларнинг барча буюмлари, асбоб-анжомлари олтиндан ва мисдан ишланган. Найзалари, камон пайконлари, ҳарбий болталари мисдан, бош кийимлари, камарлари олтин билан безатилган. Отларнинг устидаги баргустувони ҳам мисдан тўқилган. Улар темир ва кумушдан умуман фойдаланмайди. Сабаби уларнинг юртида бу металллар йўқ, олтин ва мис эса, жуда кўп» деб маълумотлар беради<sup>1</sup>. Шунингдек, юнон тарихчи ва географи Страбон (мил.ав I-аср охири) «уларда кумуш умуман йўқ, темир озчилик, мис ва олтин сероб» деб ёзади<sup>2</sup>.

Ушбу маълумотлар Хоразмда рангли металл буюмларни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган бўлса ҳам, ўша даврда темир қуроллар халқ хўжалигида ҳали кам ишлатилганлигидан далолат беради.

---

<sup>1</sup> Древние авторы о Средней Азии. –Ташкент, 1940. - С. 21; Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. –Ташкент: АН УзССР, 1953. - С. 10.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Мил. ав. II асрда Ўрта Осиёга келган Хитой элчиси Чжан-Цянь қадимги фарғоналиклар чўян эритишни билмас эдилар, уларга хитойликлар ўргатган деб ёзади<sup>1</sup>. Демак, Ўрта Осиё халқлари темир ва чўян эритиш ва қўйишни хитойликлардан ўрганганми ёки бу илгаридан уларга маълум саънатми, йўқми бундан қатъий назар, ҳар ҳолда улар мил. ав. II асрда темир рудасини казиб олиш, уни эритиб темир ва чўян тайёрлаш ва улардан ҳар хил буюмлар ясашни билганлигини Чжан-Цян маълумотлари яққол кўрсатади.

X-XIV асрлар араб- форс муаллифларидан Ибн Руста (X аср) “Китоб ал-алок ан-нафиса” (“Қимматли баҳолар”), Ал-Истаҳри (X аср) “Китоб масолик ва-л-ул мамолик” (“Мамлакатларга бориладиган йўллар ҳақида китоб”), Ал-Мақдисий (X аср) “Аҳсан-ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма), муаллифи номаълум “Худуд ал-алам” ва бошқа асарларда Хоразм воҳасида илм-фан, маданият, шаҳарлари, суғориш каналлари, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ишлари, иқтисодий ҳаёт тараққий қилганлиги тўғрисида маълумотлар берилган<sup>2</sup>.

Манбаларда таъкидланишича, Хоразмда X асрдан ҳунармандчилик соҳалари, савдо-сотик ишлари ва иқтисодий ҳаёт тараққий қила бошлаган.

Саёх Ал-Мақдисий (X аср) маълумотларида Хоразмдан ташқи савдога чиқариладиган кўпгина маҳсулотлар руйхатида «...кулф, энг кучли одамлар тортиши мумкин бўлган камонлар., кемалар ишлаб чиқарилганлиги ва жиҳозланганлиги» таъкидланади<sup>3</sup>. У шунингдек «Айхан шаҳри мудофаси тўғрисидаги маълумотида дарвоза юқорисига тош отадиган ҳарбий машина жойлашганлигини, Нузвар, Замахшар шаҳарларида темир дарвозалар ва осма кўприклар мавжудлигини» қайд қилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Бичурин И. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. –СПб., 1851. Т. III. –С.61-62.

<sup>2</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении (МИТТ). -М.-Л., 1939. Т.I. –519 с.

<sup>3</sup> МИТТ. –М.-Л., 1939. Т. I – С. 202.

<sup>4</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении (МИТТ). -М.-Л., 1939. Т. I. -С. 187-188.

Бундай ҳарбий машиналар, дарвоза ва осма кўприклар қурилишида металл қисмлар кенг ишлатилганлиги тарихий манбаларда маълум.

Ануштакинлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1097-1231 йй.) Хоразмда марказлашган давлатнинг вужудга келиши, шаҳарсозлик, деҳқончилик маданияти ва ташқи савдонинг ривожланишига замин яратди. Жумладан, хунармандчилик соҳалари юқори поғонага кўтарилган ва хунармандчиликда кўплаб ихтисослашган соҳалар шаклланган.

Ўша давр муаллифлардан ал-Кураши (XIII аср боши) Хоразм шаҳарларида тахминан 50 га яқин ихтисослашган хунармандчилик соҳалари мавжудлигини, Закарийа ал-Казвини (XIII аср) эса, «Гурганч (Кўҳна-Урганч-Б.Т.Қ) аҳолиси моҳир хунармандлар, айниқса, темирчилик, дурадгорлик ва бошқа соҳалар ўша даврда кенг ривожланган» деб кўрсатади<sup>1</sup>.

Бундан ташқари қуролсоз-темирчилар томонидан Хоразмда қурол-аслаҳалар ва ҳарбий машиналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Муҳаммад ан-Насафий (XIII аср боши) «Хоразм давлати қўшинида қилич, шамшир, камон ва ўқ учлари, найза каби оддий қуроллардан ташқари, манджаниқ (катапульта), даббабат (қамал машинаси), тир-чарх (самострел), тошбаха (черепахи), матарис (кўчма минора), салалим (қамал нарвони) ва бошқа ҳарбий машиналардан фойдаланганлиги таъкидланади<sup>2</sup>.

Белиницкий А.М, Маршак Б.И таъкидлашларича, ҳарбий машиналар қурилишида металл қисмлардан ҳам кенг фойдаланилган<sup>3</sup>.

Ҳаттоки XVI асрда ҳам Хоразмда камон ва ўқ учлари, қилич, найза ва бошқа қурол-аслаҳалар қадимги анъанавий услубда тайёрланганлигини

<sup>1</sup> Ал-Казвини Закарийа. Асар ал-билад ва ахбар алибад. –Бейрут, 1960. -С. 520; Буниятов З.М. Государство Хоразмшахов – Ануштегинидов. -М.: Наука, 1986. -С. 102. 228.

<sup>2</sup> Ан-Насафи Мухаммад. Жизнеописание султана Джала ад-Дина Манкбурны / Пер. с араб. З.М.Буниятова. – Баку, 1973. С. 156, 231; Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов... -С. 91, 227.

<sup>3</sup> Белиницкий А.М, Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии // Культура Востока. Древность и раннее средневековье. –Л., 1978. -С.215-221.

Москва-Лондон компанияси агенти Антонио Женкинсон (1558 йил) маълумотларида алоҳида қайд қилинади<sup>1</sup>.

Хоразмлик олим Аз-Замахшарийнинг (1075-1144 йиллар) «Муқаддимат ул-адаб» асарида: билазук, болту (болта), бичқи (арра), жиба (безак тури), калит, олтун, олтунчи (заргар), олтунчи дам, олтин суйи, поки, пўлод, пўлод қилич, пўлод қайчи, синдон (сандон), силкинчак (бозванд), симоб, темур, темур сунги, темур танур, тегирмонтешар темур, узагу, узук, ўчок, ўғур, қошсиз узук, чироғ, эгак (эгов), қайчи, қилич, қилич боғи, қилич қини, қозон, қармоқ, кумғон, қулф, қулфчи, кула (мис), қулачи (мисгар), қўнғироқ ва бошқа металлсозликга оид терминлар учрайди<sup>2</sup>. Мазкур маълумотлар ўша даврда Хоразмда металл буюмлар турларининг ниҳоятда кўплигини ва металлсозликда баъзи соҳалар ихтисослашганлигини кўрсатади.

Ҳаттоки, Хоразмда мўғиллар истилосига қадар (XIII аср боши) қулф, олтин ва кумуш суви юритилган эгар-жабдук, жуган-сувлиқ каби металл буюмлар ташқи савдога чиқарилган ва юқори баҳоланган<sup>3</sup>.

Мўғиллар истилосидан кейинги даврда ҳам Хоразмда металлсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, халқ хўжалигида кенг ишлатиш ва уларнинг баъзиларини ташқи савдога чиқариш давом этган. Бу ҳақида Ан-Нувейри, Ибн-Абда-Захрлар Хоразмда қулф, олтин ва кумуш суви юритилган эгар-жабдук, жуган-сувлиқ каби маҳсулотларни Шарқ давлатларига ташқи савдога чиқарилганлиги ҳақида маълумот беради<sup>4</sup>.

Шунингдек, юқори табақа вакиллари уйларини безатишда ва меҳмон кутишда қимматбаҳо металл идишлардан фойдаланилган. Урганч қозиси Абу Ҳафс Умар меҳмонхонаси ҳақида саёх Ибн Баттута (1333йил) «Бу гўзал ва кенг хона бўлиб,.... қатор тоқчаларнинг ҳар бирига олтин суви юритилган

<sup>1</sup> Дженкинсон А. Путешествие в Средней Азии в 1558-1560 гг. // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. -М., 1937. -С. 178.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1958. Жилд. II-III. -Б.93.

<sup>3</sup> Якубовский А.Ю. Феодалное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой // Материалы по истории Узбекской, Таджикской, Туркменской ССР. -М-Л., 1932. -С. 3.

<sup>4</sup> Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. –СПб., 1884. -С. 60, 100,152.

кумуш идишлар қўйилган. Одатда мамлакат фуқоралари ўз уйларини ана шундай тарзда безатадилар» деб ёзади<sup>1</sup>. Шунингдек, у Хоразм амирининг меҳмондорчилиги ҳақида: «.....яна бошқа патнисларни ҳам олиб келишди. Уларда мевалар, анор доналари, узум ва ажойиб қовунлар бор эди. Тозаланган анор доналари ичига тилла қошиқчалар солинган олтин ва кумуш идишларда тортилди» деб маълумот беради.

Таъкидлаш жоизки, ўрта асрларда қурол-аслаҳалар, рангли ва қимматбаҳо металллар қўшни давлатлардан ҳам қисман олиб келинган. Бу ҳақида ал-Мақдисий (X аср) Хоразмга Волга бўйи Булғорияси маҳсулотлари қаторида «мис, камон ўқлари, ханжар, қилич ва совутлар» келтирилганлигини ёзади<sup>2</sup>. Шунингдек, Истаҳри (X аср) «...Уларнинг ўлкасида (Хоразм-Б.Т.) ҳеч қандай олтин, кумуш ёки қимматбаҳо тош конлари йўқ. Уларнинг асосий бойлиги турклар билан бўладиган савдодан ва чорва молларини кўпайтиришдан топади» деб маълумот беради<sup>3</sup>.

Ўрта аср манбаларида Хоразмда руда конлари ва уларни қайта ишловчи маконлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар учрамаса ҳам, XVIII-XIX асрлар рус саёҳ ва элчилари асарларида бу ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Россиянинг Шарқни эгаллаш сиёсати туфайли Ўзбек хонликларининг географик ва геосиёсий жойлашуви, ер ости бойликлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш мақсадида кўплаб экспедициялар, элчилик сафарлари уюштирилган. 1713 йили Астраханга борган Хива элчиси Хожа Нафас рус маъмурларига Амударё қумлари олтинга бойлигини, соҳилда истиқомат қилувчи аҳоли кўп миқдорда олтин ювиб олаётганлигини билдиради<sup>4</sup>. Россия элчиси Флорио Беневений (1721-1725 йиллар) хатида «Хива хонлиги худудидаги Шайхижалил тоғида кумуш ва бошқа рудаларнинг кўплиги, хон уни олиш учун одамлар юборганлиги, улар бир

<sup>1</sup> Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Тошкент, 1993. –Б.59-60.

<sup>2</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении (МИТТ). -М.-Л., 1939. – Т. I. -С. 202.

<sup>3</sup> МИТТ... -С. 180.

<sup>4</sup> Руссов С.П. Путешествие из Оренбурга в Хиву Самарского купца Рукавкина в 1753 г. -СПб, 1840. -С.18-19.

бўлак тошни хонга етказиб, ундан чиққан кумуш ярмидан кўпини ташкил этганлиги ҳақида» маълумот берилади<sup>1</sup>. Д. Гладышев ва И Муравинлар томонидан 1741-1742 йилларда тузилган «Ландкартада» Шайхихалил тоғидаги олтин ва кумуш руда конлари кўрсатилган<sup>2</sup>. Г.И.Данилевский (1842 йил) Муҳаммад Рахимхон даврида Шайхихалил тоғида мис рудасини қайта ишлаш йўлга қўйилган дея маълумот беради<sup>3</sup>. Унинг ҳамроҳи Ф.Базинер эса, Шайхихалил тоғида «мис, мрамор, темир, ҳаттоки олтин борлигини, тоғ ён бағридаги катта худудда темир рудаси ва уларнинг кумлари учрашини таъкидлайди<sup>4</sup>. Шунингдек, самаралик савдогар Д. Рукавкин (1753)<sup>5</sup>, Бухоро амирининг ҳарбий асири Ф. Ефремов (1774-1782)<sup>6</sup>, Митрополит Хрисанф (1790)<sup>7</sup>, майор Бланкеннагель (XVIII аср охири)<sup>8</sup>, В. В. Григорьев (1803 й.)<sup>9</sup>, Н. Муравьев (1819-1820)<sup>10</sup> ва бошқа манбаларда Хива хонлигидаги Шайхихалил тоғида олтин, кумуш, мис рудалари мавжудлиги ва уларни қайта ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар берган.

Саёҳатчи ва шарқшунос олим Ҳ. Вамбери (1863 йил) маълумотларига кўра: «Хива хонлигининг Окс (Амударё) дарёси чап соҳилидаги Овейс-карайне (Султонувайс-Т.Б.Қ) тоғида қимматбаҳо металл рудалар бор. Бу ерда Аллакулихон даврида тажрибали битта ҳинд раҳбарлигида уч йил давомида тоғда кумуш рудасини қайта ишлаш йўлга қўйилган ва катта миқдорда

<sup>1</sup> Попов А.Н. Сношения России с Хивою и Бухарою при Петре Великом // Записки русского географического общества (Записки РГО). –СПб., 1853. Кн. IX. –С. 378- 379.

<sup>2</sup> Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 гг. Гладышевым и Муравиным. –СПб, 1851.

<sup>3</sup> Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки РГО. –СПб., 1851. Кн. V. –С. 70.

<sup>4</sup> Савельев П.С. Путешествие г.Базинера через Киргизскую степь в Хиву // Географические известия. –СПб., 1849. –№ 4. –С.170, 207-208.

<sup>5</sup> Руссов С.П. Путешествие из Оренбурга в Хиву. Самарского купца Рукавкина в 1753 г. –СПб., 1840. –С.32-33.

<sup>6</sup> Мушкетов И.В. Туркистан. –СПб, 1886. Т.I. –С. 73.

<sup>7</sup> Записки Хрисанфа митрополита Новопатрасского о странах Средний Азии, посетенных им в 1790 г. –М., 1861. –С. 5.

<sup>8</sup> Путевые заметки майора Бланкеннагеля о Хиве в 1793-1794 гг. // Вестник Российского географического общества (Вестник РГО). –СПб, 1858. –Ч.22. –№ 3. –С. 98.

<sup>9</sup> Григорьев В.В. Описание Хивинского ханства и дороги труда из Сарайчиков крепости // Записки РГО. –СПб., 1861. Кн 2. –С. 126.

<sup>10</sup> Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. Николая Муравьева. –М., 1828. Ч. 1-2. –С. 19, 20, 90.

металл етиштирилган. Хон вафотидан кейин эса ҳинд қочган ёки ўлдирилган. Шундан сўнг бу ерда қончилик ишлари тақиқланган»<sup>1</sup>.

Юқоридаги маълумотларнинг баъзилари бир-бирини такрорлайди, айрим муаллифлар эса қончилик ишларининг йўлга қўйилганлигига шубҳа билан қарайди.

Хоразмда металлсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қай даражада эканлигини аниқлашда ўрта асрларга хос хом-ашё манбаларини археологик ва геологик материаллар билан қиёсан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Воҳадаги Тозабөгёп маданияти (мил. ав. II минг йиллик) Кўкча 15, 15А, 16 маконлари ва Кўкча-3 қабристонлигидаги бронза буюмларнинг спектроаналитик таҳлиллари 70 % буюмлар маҳаллий манбалар, яъни Жанубий Қизилқумнинг Букан-Томди-Ауминзатаў тоғ тизмаларидаги қадимги руда қонларидан қазиб олинганлигини тасдиқлайди<sup>2</sup>. Маълумки, тозабөгёпликлар ташқаридан келтирилган хом ашёдан ҳам қисман фойдаланган.

XX асрнинг 30-40 йилларидаёқ геологлардан Г.Н.Виханский, А.Ф.Соседко Қизилқум даштидаги Тамди-таў тоғларида қадимги руда қонлари изларини аниқлаган эди<sup>3</sup>. Ушбу маълумотлар сўнгги йилларда Н.В.Дарвин ва Е.Б.Пругер раҳбарлигида Жанубий Қизилқум худудида Томдитоғ, Гумингзатоғ, Букантоғ тизмаларидаги геолого-археологик тадқиқотларда қадимги қонлар ва қончилар маконларининг излари мавжудлиги бой материаллар асосида яна бир бор тасдиқланди<sup>4</sup>. Қонлар

<sup>1</sup> Вамбери А. Очерки Средней Азии. -М., 1868. -С. 123-124, 126.

<sup>2</sup> Рузанов В.Д. История древней металлургии и горного дела Узбекистана в эпоху бронзы и раннего железа.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – М., 1982. -С.12-20; Рузанов В.Д. Результаты спектроаналитических исследований металла памятников Тазабагыябской культуры // История материальной культуры Узбекистана (ИМКУ). - Самарканд, 1996. -вып. 27. -С.200-204.

<sup>3</sup> Виханский Г.Н. Полезные ископаемые Кара-Калпакии // Социалистическая наука и техника. –Ташкент, 1938. -.№1. -С. 31; Соседко А.Ф. Основные результаты Кызыл-Кумской геохимической экспедиции Академии наук СССР 1931 г. // Труды совета по изучению производительных сил АН СССР, Серия Каракалпакская. -Л., 1933. Т.I. -С 38.

<sup>4</sup> Пругер Е.Б. Обследование объектов древнего горного и металлургического промыслов в Кызылкумах // Археологические открытия (АО) - 1975 г. -М., 1976. Пругер Е.Б. Горный промысел Южного Согда-Кеша. –

бронза давридан темир асригача, баъзи жойлар ўрта асрларда ҳам металл рудаси манбаи сифатида фойдаланилганлигини кўрсатади. Жанубий Қизилқум худудидан тахминан 100 минг м<sup>3</sup> ҳажмдаги майдондан руда эритиш излари топилган.

Академик Ю.Ф.Буряков табирича, Жанубий Қизилқум тоғ тизмаларидаги конлар бронза даврида, ҳаттоки баъзи маконлар эса ўрта асрларда ҳам Хоразм ва Сўғднинг асосий металл рудаси манбаларидан бири бўлган<sup>1</sup>. Бундан ташқари Султонувайс тоғ тизмаларидаги қадимги конлардан ҳам металл рудаси манбаи сифатида фойдаланишган. Бу ерда С.В.Лопатин раҳбарлигидаги археологлар билан ҳамкорликда геологик қидирув ишларида қадимги олтин, мис, темир рудаси конлари аниқланган<sup>2</sup>. Булардан, Шайхихали тоғи ён бағирларида, Абумуслим қалъа атрофи ва Ақтов макони яқинидаги 31-кондаги кварц бўлакчаларининг металлометрик таҳлили тоғ жинслари таркибида юқори даражада олтин доначалари мавжудлигини кўрсатади<sup>3</sup>. Шайхихалил тоғида III-IV ва XVIII асрда, Ақтов макони 31-конда X-XIV асрларда олтин рудаси казиб олинган бўлиши эҳтимол.

Ушбу геологик қидирув ишлари натижалари Султонувайс тоғида олтин, мис, темир рудалари захиралари мавжудлигини тасдиқлайди<sup>4</sup>. Тоғининг шимолидаги Тебинбулоқ кони, Хўжакўл, Қўрғошин қалъа, Кўкча, Шилпиқ ва ғарбий - шарқий қисмларида темир руда захиралари жойлашган. Тебинбулоқ кони эса Ўзбекистондаги йирик магматик конлардан бири ҳисобланади.

---

Ташкент, 1986. Сверчков Л.М. История изучения древних выработок Узбекистана // История материальной культуры Узбекистана (ИМКУ). –Ташкент, 2006. -вып. 35. -С.113-129.

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Горнометаллургическая база Кызылкумов в формирований государственности Хорезма и Согда // Материалы международного симпозиума «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры». -Нукус-Бустон, 2000. -С.29-31.

<sup>2</sup> Лопатин С. Горные клады // Советская Каракалпакия. –Нукус, 1965 г. 24 января; Лопатин С.В., Пругер Е.Б., Ермилов Л.Г Карта размещения древних выработок на территории Узбекистана. Т.1. Объяснительная записка. 1964. Рукопись фонда Реализационно-тематической экспедиции Госгеолкома Узбекистана. -№68.

<sup>3</sup> Маньолов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1972. -С. 17.

<sup>4</sup> Оразов Қ. Қарақалпақстанның қазылма байлықлары. –Нөкис, 1969. –Б.65-75; Дәўлетова Қ. География сабағы хэм улке таныў. -Нөкис: Билим, 1992. -Б. 101-103; Ўзбекистон георгафик атласи. –Тошкент, 2001. -Б. 8-9.

Шунингдек, титан, никель, маргенец, рутил каби полиметалл рудалари Ақимбетсой, Қизилсой, Қазғансой, Тебинбулоқ худудларида мавжуд.

Юқоридаги маълумотларга асосан шуни таъкидлаш мумкинки, ўрта асрларда Хоразм металлсозлик ҳунармандчилигида Қизилқум ва Султонувайс тоғ тизмаларидаги қадимги конлардан хом-ашё манбаи сифатида кенг фойдаланишган.

IX-X асрларда Марказий Осиёда бой ер ости захиралари асосида тоғ-кон ишлари кенг кўламда йўлга қўйилган. Бу ҳақида ал-Истахрий, Гардизий, Ибн Ҳавкал, Ёкут Ҳамавий ва бошқалар Шош, Фарғона, Уструшона, Хўжанд, Нурота, Зарафшон тоғларида темир, мис, кўрғошин, олтин, кумуш рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилганлигини ва Мовароуннаҳрда X-XIV асрларда кончилик ишлари тараққий қилганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Жумладан, Ибн Ҳавкал маълумотларига кўра Уструшонанинг иккита жойда – Минк ва Марсманда катта миқдорда темир рудаси қазиб олинган ва бир қисми ташқи савдога чиқарилган. Бу ерда тайёрланган кўплаб металл буюмлар Хуросон бозорларида сотилган, ҳаттоки Бағдодга қадар етиб борган.

Албатта, Хоразм металлсозлик ҳунармандчилиги тараққиётида кўшни минтақаларда мавжуд тайёр хом-ашёдан маълум даражада фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта аср ёзма манбаларида рудага ишлов бериш ва эритиш жараёнлари тўғрисидаги баъзи маълумотлар келтирилган.

Абу Райхон Беруний «Минералогия» асарида шундай ёзади: «Баъзан олтин тош билан қотишган ҳолда учрайди; бундай кезларда у майдаланишни тақоза этадики, тегирмон тошлари айни муддао ҳисобланади. Олтин рудалари талқондек майдаланса, тоғ жинсларини сув билан ювиш ёрдамида олтин ажратиб олинади. Шунда ҳам олтин симоб ёрдамида бир жойда

---

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Туркестон в эпоху монгольского нашествия. –М.: Наука, 1963. -С. 298.

йиғилади, сўнг бир парча терига шундай жамланадики, симоб унинг таркибидан чиқиб сиртига жойлашади, кейинчалик оловда тобланган пайтида олтин симобдан ажратилади»<sup>1</sup>.

Муаллиф ал-Хамадоний (X аср) ёзишича, рудани эритиш жараёнлари куйидагича амалга оширилган: «Рудани эритиш учун ўчоқлар қулай жойларга жумладан, тепаликларга, кўпчилик ҳолларда сой ёки канал бўйларига қурилган. Ўчоқлар цилиндрсимон бўлиб, ярми ер остида бўлган. Ўчоқларнинг ер остидаги қисми ҳам, ер устидаги қисми ҳам пишиқ гиштлардан қилиниб, босқонлар учун махсус жойлар қолдирилган. Ўчоқ бир қават писта кўмир, бир қават руда солиниб тўлдирилади. Шундан сўнг кўмирга ўт қуйиб, босқон ёрдамида ҳаво дамланган. Руда эритиш ишлари бир неча кун давом этган...»<sup>2</sup>.

Металл буюмларни тайёрлашнинг ўзига хос сир-саноити бўлиб, махсус билим ва моҳирликни талаб қилган. Натижада ўрганилаётган даврда қилич, зирҳ-совутлар, ўқ-ейлар, қалқон, қулф, қайчи каби металлсозлик маҳсулотлари ихтисослашган хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Бу тўғрисида X-XII асрлар ёзма манбаларида қулф, олтин ва кумуш суви юритилган эгар-жабдук, жуган-сувлик каби буюмлар ташқи савдога чиқариши ва қулфчи, қулачи (мисгар), олтунчи (заргар) каби ихтисослашган касблар фаолият кўрсатиши таъкидланади.

Албатта, Хоразмда деҳқончилик, дурадгорлик, қурилиш, тикувчилик, ҳарбий ишлар ва бошқа тармоқлар кенг ривожланишида ихтисослашган металлсоз хунармандлар томонидан таккомиллашган меҳнат қуролларининг ишлаб чиқарилиши ҳам муҳим омиллардан бири бўлган.

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Минералогия. –Тошкент, 1968. - Б.219.

<sup>2</sup> Буряков Ю.Ф. Тошкент воҳасининг қадимий қарвон йўллари. –Тошкент: Фан, 1978. –Б. 63; Dunlop. D.M. Sources of gold and Silver in islam according to al-Hamdani, Studia Islamica, 1958,- p. 46-48.

Демак, ўрта асрларда Хоразмда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва маиший заруриятлар металлсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ихтисослашувга олиб келган.

Тадқиқот ишини ёритишда Қозоғистон, Россия ва бошқа давлатлардаги археологларнинг металлургия ва металлсозликга оид илмий асарлар ўрганилди ва методик қўлланма сифатида фойдаланилди. Жумладан, Россияда XX аср 50-йилларидан Б.А.Колчин ва бошқа тадқиқотчилар томонидан темирчилик маҳсулотларини тайёрлаш технологияси, металлга ишлов бериш жараёнлари, топилмаларни тасниф ва тавсифлаш усулида ўрганила бошланган<sup>1</sup>.

Шунингдек, Л.Л.Савченкова Волга бўйи Булғорияси<sup>2</sup>, С.С.Черников Шарқий Қозоғистон<sup>3</sup>, Я.И.Сунчугашев Тува<sup>4</sup>, И.А.Гзелишвили Грузия<sup>5</sup> худудларидаги металлургия ва металлсозлик тарихини ўрганишган.

Г.А.Федоров-Давыдов, В.А.Иванов, В.А.Кригер ишларида Шарқий Европа (X-XIV асрлар) ва Жанубий Урал худуди (XII-XIV аср) кўчманчилари кўрғонларидаги металл буюмлар таснифланган ва даврлаштирилган<sup>6</sup>. Ушбу худудлардаги металлсозлик маҳсулотларини таҳлил қилиш Хоразм маданий алоқаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Хоразмга қўшни минтақалардаги ўрта асрлар металлсозлик хунармандчилиги Ю.Ф.Буряков қадимги Шош, Б.А.Литвинский ғарбий Фарғона, В.И.Распопова Панжакент, О.А.Папахристу, А.А.Анорбаев Ахсикент, Г.И.Богомоллов Қанғ ва Шош, Т.В.Савельева илмий

<sup>1</sup> Колчин Б.А. Черная металлургия и металлообработка в Древней Руси // Материалы и исследования по археологии СССР. -М., 1953. -вып. 32. -258с.

<sup>2</sup> Савченкова Л.Л.Черный металл Болгара.Типология // Город Булгар. Ремесло металлургов, кузнецов, литейщиков. -Казань,1996. -С.16-54.

<sup>3</sup> Черников С.С. Древняя металлургия и горное дело Западного Алтая. -Алма-ата, 1949. -112 с.; Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы. -М-Л., 1960. -272 с.

<sup>4</sup> Сунчугашев Я.И. Горное дело и выплавка металлов в древней Туве. -М., 1969. -140 с.

<sup>5</sup> Гзелишвили И.А. Железоплавильное производство в древней Грузии. -Тбилиси, 1964. -123 с.

<sup>6</sup> Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. -М.: изд. МГУ, 1966. -С. 11-120; Иванов В.А, Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII-XIV вв.). - М.: Наука, 1988. – 92 с.

изланишларида маҳаллалар, устахоналар, ўчоқлар қурилиши, маҳсулот тайёрлаш жараёнлари, қора металл тайёрлашда тегеллар аҳамияти ўрганилган ва металл топилмалар таснифлаш асосида таҳлил этилган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари ўрта асрлар металлургияси ва рудани қайта ишловчи маконлар П.П.Иванов, М.М.Массон, Б.А.Литвинский, М.А.Бубнова, Ю.Ф.Буряковлар томонидан ҳам ўрганилган<sup>2</sup>. Афсуски, мазкур тадқиқотларда Хоразм металлсозлик хунармандчилиги ёки хом-ашё манбалари тўғрисида деярли маълумотлар учрамайди. М.Е.Массон, ёзма манбаларга таянган ҳолда Хоразм металлсозлик хунармандчилигини Волга бўйидан олиб келинадиган хом ашёга асосланган бўлиши мумкин дея таъкидлайди<sup>3</sup>.

Ҳозиргача мавжуд археологик материаллар ушбу маълумотларга аниқлик киритишни тоқоза қилади.

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Из прошлого Чаткало-Кураминского промышленного района. (К истории горного дела и металлургии средневекового Илака): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -Ташкент, 1966, -16 с.; Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. – М., 1974. -140с.; Литвинский Б.А. Среднеазиатские наконечники стрел // Советская Археология. –Москва, 1965. -№ 2. -С.75-91; Литвинский Б.А. Хронология и классификация Среднеазиатских зеркал // (МКТ). -Душанбе. 1971. -вып.2. -С. 34-67; Литвинский Б.А. Украшения из могильников западной Ферганы. -М., 1973. –211. с илл; Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников западной Ферганы. -М., 1978. -216 с.; Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. -Л., 1980. -137 с.; Распопова В.И. Металлические изделия из Пенджикента (находки 1971-1998 гг.). -СПб.: Формика, 1999. - 60 с. с илл. 43 рис; Папахристу О.А.Черная металлургия Северной Ферганы (По материалам археологического исследования городища Ахсикет. IX-начала XIII вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -М., 1985. -21 с.; Анарбаев А.А. Ахсикент в древности и средневековье (Итоги и перспективы исследования) // Советская археология. –Москва, 1988. -№1. -С.171-187; Анарбаев А.А., Ререн Т., Максудов Ф.А. Археологические исследования на городище Ахсикент // Археологические исследования в Узбекистане 2003 год. (АИУ). –Ташкент, 2004. -С.29-43; Богомолов Г.И., Гендельман П.И. Бытовые металлические предметы с городища Канка // История материальной культуры Узбекистана (ИМКУ). -Ташкент, 1991. -вып. 25. – С. 137-149; Богомолов Г.И. Материалы к военной археологии Чача. (По раскопкам храмового комплекса Канки) // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды Международной научной конференции. -Ташкент, 2009. – С. 66-75; Савальева Т.В., Зияков М.Н., Воякин Д.А. Кузнечное ремесло Северо-Восточного Семиречья. –Алматы, 1998.

<sup>2</sup> Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии.- Л- М., 1932. -80 с; Массон М.Е. К истории чёрной металлургии Узбекистана. –Ташкент, 1947. -С. 63; Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент, 1953. -74 с.: Литвинский Б.А. Древнейшие страницы истории горного дела Таджикистана и других республик Средней Азии. –Сталинабад, 1954. -48 с. с илл; Литвинский Б.А. К истории добычи олова в Узбекистане// Труды Среднеазиатского госуниверситета. –Ташкент, 1950. -вып. XI. –С.51-68 с илл; Бубнова М.А. Горно-металлургическая область Шельджи в IX-XII в.в. н.э. (Долина р. Талас): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -Л., 1963. – 19 с.; Буряков Ю.Ф. Из прошлого Чаткало-Кураминского промышленного района: (К истории горного дела и металлургии средневекового Илака): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -Ташкент, 1966. -16 с.

<sup>3</sup> Массон М.Е. К истории чёрной металлургии Узбекистана. -Ташкент.: Госиздат УзССР, 1947. –С.29.

О.А.Папахристу таъкидлашича, Ўрта Осиёда темирчилик ҳунармандчилиги рудани эритишдан тортиб то тайёр маҳсулот ҳолига келгунга қадар жараёнларни ўз ичига олувчи битта тизимдан иборат бўлган<sup>1</sup>. Шунингдек, М.Е. Массон, Б. А. Литвинский асарларида рудани қазиб олиш, қайта ишлаш жараёнлари ва тоғ-кон саноатида ишлатиладиган меҳнат қуроллари ҳақидаги батафсил маълумотлар берилган<sup>2</sup>. Жумладан, тоғ-кон саноатида метин чўккич, теша (железные клевки), зоғи пул (топор с кривым лезвием), болға, кетмонча, ёғоч курак каби меҳнат қуроллари ва чироқлар қўлланилган. Асосан, конларга яқин, ёнилғи захираси мавжуд ва табиий қулай тепаликлар, сойлар атрофида рудадан металлни ажратиш ишлари амалга оширилган ва ундан бирламчи хом ашё дашқоллар ундирилган. Бундай ярим тайёр маҳсулотлар шаҳарлардаги темирчилик устахоналарида қайта ишланган.

Ўрта асрлар металлсозлик ҳунармандчилиги, руда эритиш ишлари ва металл буюмлари аҳамиятини ёритишда ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан ташқари этнографик материаллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки XIX-XX асрлар бошлари ўрта асрларнинг узвий давоми сифатида ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари жумладан, металлсозликдаги ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослашган соҳалар, меҳнат қуроллари, ишлов бериш технологияси, анъанавий маҳсулот турлари тўғрисида этнографик материаллар бой тарихий маълумотлар беради.

Биз буни XIX-XX асрлар бошларидаги металлургия ва металлсозликга оид манбалар асосида ёритилган этнографик асарларни таҳлил қилиш жараёнида яққол кўришимиз мумкин.

<sup>1</sup> Папахристу О.А. Специализация в железоделательном и железообрабатывающем производстве Средней Азии // Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг босқичлари. –Самарқанд, 1995. –Б. 85-87.

<sup>2</sup> Массон М.Е. К истории горного дело на территории Узбекистана. -Ташкент. 1953. -С. 25, 38; Литвинский Б.А. Древнейшие страницы истории горного дела Таджикистана и других республик Средней Азии. – Сталинабад, 1954. -С.16.

М.С.Андреев асарларида XX аср боши Ванч воҳасидаги руда эритиш жараёнлари, темирчилик ўчоқлари қурилиши, ижтимоий муносабатлар ёритилса, Н.Н.Ершов асарларида темирчилик ҳунармандчилигидаги меҳнат тақсимоти, металлга ишлов бериш жараёнлари, асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари тўғрисида бой маълумотлар берилди<sup>1</sup>.

XVI аср Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги ҳунармандчилик соҳалари жумладан, металлсозликга оид маълумотлар Р.Г.Мукминова томонидан ёзма манбалар ва архив ҳужжатларига асосланиб таҳлил этилган<sup>2</sup>. Бу маълумотларда чўянчи (чўян қуйувчи), сухангар (омбир ва паргор ясовчи), белфуруш, қуролсоз, ўроқчи, михчегаран (мих ясовчи), сузангаран (игна ясовчи), пичоқчи, тақачи, чилангар, рихтагар (бронза буюмларни қуйувчи ва қопловчи), мисгар, заргар каби касблар ихтисослашган соҳа сифатида кўрсатилган. Ўша давр металлсоз ҳунармандларнинг бозорлардаги дўконлари устахона вазифасини ҳам бажарган.

Бухоро шаҳри ҳунармандларининг XIX-XX асрлар бошидаги металлга ишлов бериш жараёнлари, чугун қуйиш, қолип тайёрлаш, рангли ва қимматбаҳо металлларни эритиш, асбоб-ускуналари ва касоба уюшмалар ҳақида О.А.Сухарева асарларида маълумотлар берилди<sup>3</sup>.

Хоразм металлсозлик ҳунармандчилигини ўрганишга оид дастлабки маълумотлар 1838-йили «Горный журнал» саҳифаларида чоп этилган<sup>4</sup>.

Хива шаҳри XIX аср охири XX аср бошида Хоразмнинг чўян қуйиш, темирчилик, мисгарлик ҳунармандчилиги маркази сифатида эътироф этилади. Ўша даврда Хивада олтита, Урганчда битта, Боғотда иккита чўян

<sup>1</sup> Андреев М.С. Выработка железа в долине Ванча (верховья Амударья). –Ташкент, 1926. -17 с.; Андреев М.С. Таджики долины Хуф. –Душанбе, 1958. -вып. II. -С. 180-197. 345-348; Ершов Н. Н. Домашние промыслы и ремесла // Таджики Каратегина и Дарваза. –Душанбе, 1966. -вып 1. –С. 195-290.

<sup>2</sup> Мукминова Р. Г. Очерки по истории ремесла а Самарканде и Бухаре в XVI веке. –Ташкент, 1976. -С 104-126.

<sup>3</sup> Сухарева О. А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX-начала XX века. –Ташкент, 1962. -194 с.; Сухарева О.А. К вопросу о литье металлов в средней Азии // Занятия и быт народов Средней Азии. -Л.: Наука, 1971. -вып. III. - С. 147-167.

<sup>4</sup> Выписка из описания Хивинского ханства // Горный журнал. – СПб., 1838. -Ч. IV. Кн. XI.

куйиш устахоналари бўлган<sup>1</sup>. Шунингдек, XX аср 20 йилларида Хивада 86 та темирчи хунармандлар фаолият кўрсатган.

Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ходимларидан М.В.Сазанова, К.Л.Задыхина, Т.А.Жданко ва Х.Е.Есбергеновларнинг асарларида воҳа халқлари хунармандчилиги, жумладан металлсозлик маҳсулотлари ҳақида қисқа илмий фикр-мулоҳазалари берилган<sup>2</sup>. Этнограф А.О.Утемисов тадқиқотларида XIX-XX аср бошидаги қорақалпоқ халқининг темирчилик, чўян куйиш устахоналари, меҳнат қуроллари ва улар билан боғлиқ маросимлар урф-одатлар ҳақидаги маълумотлар келтирилади<sup>3</sup>.

XIX аср охири XX аср бошидаги Хоразмнинг металлсозлик хунармандчилигига оид этнографик материаллар И.М.Жаббаров томонидан ўрганилган<sup>4</sup>. Ўша даврда воҳада чўян кўйиш соҳасида асосан меҳнат қуроллари ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқарилган<sup>5</sup>. Чўян эритиш ишлари очиқ ҳовлига қурилган ёндўконда (ўчоқ) амалга оширилган. Ёндўконнинг бир томони 2,5метр баландликда, ½ метр қалинликда, гувала кесак ва лой билан деворга туташтириб, чор атрофи 1,5метрдан, тиккаси 1метр қилиб қурилади. Устахонада уста, 4-5 та шогирд ва ёлланма ишчилар ишлашган. Ёнилғи сифатида саксовулдан тайёрланган писта кўмирдан фойдаланилган. Босма дам ёрдамида ўчоқга узлуксиз турда кучли ҳаво босими пуркалади ва

<sup>1</sup> Архив хивинских ханов, Рукописный фонд библиотеки им. Салтыкова-Щедрина в г. Ленинграде. -Тетр. -№ 70, -лл.5-17; Хива шаҳридаги ўлкашунослик-тарихий музейи фонди. А.Балтабаевнинг қўлёзма материаллари.

<sup>2</sup> Сазанова В.М. К этнографии узбеков Южного Хорезма // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции (Труды ХАЭЭ). –М.: Наука, 1952. Т. I. - С. 247-318; Задыхина К.Л. Узбеки дельты Амударьи // Труды ХАЭЭ. –М.: Наука, 1952. Т. I. -С. 542-566; Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса // Труды ХАЭЭ. –М.: Наука, 1952. Т. I. - С. 542-566; Есбергенов Х.Е. Этнография Каракалпаков XIX начало XX века. –Ташкент: Фан, 1980. - С. 144-200.

<sup>3</sup> Утемисов А.О. О кузнечном ремесла каракалпаков в XIX начале XX вв // Вестник ККФАНРУ. –Нукус, 1988. -№ 2. -С. 71-75; Утемисов А.О. Қарақалпақлардың өнер-кәсіптери. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1991. – Б.12-41.

<sup>4</sup> Джаббаров И.М. К вопросу о технике чугунолитейного производство Хорезма // ИМКУ. - Ташкент. 1959. -вып. 1. - С. 208-215; Джаббаров И.М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (XIX начало XX в.) // ИМКУ. –Ташкент: Фан, 1960. -вып. 2. - С. 272-285; Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. (историко-этнографический очерк) // Занятия и быт народов Средней Азии. Среднеазиатский сборник. - Л., 1971. -вып. III. - С. 72- 90.

<sup>5</sup> Джаббаров И.М. К вопросу о технике чугунолитейного производство Хорезма // ИМКУ. –Ташкент, 1959. - С. 208-215.

иссиқлик ҳарорати 1100<sup>0</sup> даражага етказилган. Шунингдек, муаллиф усталарининг дастгоҳлари чарх, тўқмоқ, қошиқча, адилхон, дасткапча ва қолип тайёрлаш услублари тўғрисида батафсил маълумотлар беради.

И.М.Жабборовнинг бошқа асарида темирчилик устахоналар ва ўчоқлари, ихтисослашган соҳалари, ҳунармандчилик қуроллари ва буюмларга ишлов беришнинг техник жараёнлари тўғрисида шарҳлар келтирилган<sup>1</sup>. Ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари сингари барча ишлаб чиқариш ишлари дўконда ташкил этилган. Барча меҳнат жараёнлари уста, халфа ва шогирдлар орасида тақсимланган. Темирчининг иш жараёни (техник жиҳатдан) металлни қиздириб, уриб, ишлов беришга асосланган, унинг дўкон-ўчоқ (қисмлари кулдон, оташдон, шохнайза, булул, куллоб), супа, ўра (ёки пачал), чўпкунда; иш қуроллари: сандон, бозғон, болға, омбир, эгов, чарх, дам кабилардан иборат (14-расм). Дўкондаги 1метр баландликда пишиқ ғиштдан таёрланган темирчилик ўчоғи деворидаги махсус тешикчаларга булул (бурун) орқали босма дамдан кучли ҳаво босими пуркалган. Темирчилар ўчоғида иккита босма дам ўрнатиларди. Дамгар уларнинг ўртасида ўтириб, иккала қўли билан иккаласининг сардамини юқори кўтариб, пастга тушириб дам берган. Бу эса ўчоқда ҳарорат кўтарилишига олиб келган. Устахона марказида дарахт тўнкаси устига хар хил ўлчамдаги сандон ўрнатилади. Уста сандондан темирга дастлабки ишлов беришдан то буюм шаклига келтиришга қадар фойдаланади<sup>2</sup>. Темирчилик ўчоғи яқинидаги қозонга сув тўлдирилиб, унда ўроқ, пичоқ, бел, болта ва бошқа буюмлар сувга босиб олиниб, мустаҳкам бўлиши учун тоблаб ясалган. Ихтисослашган темирчилик соҳаларидаги (тунукасоз, анжомсоз, тақачи, пичоқчи каби) меҳнат қуроллари баъзи ўзгачаликларга эга бўлган.

<sup>1</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. –Л.: Наука, 1971. - С. 72-90.

<sup>2</sup> Шу жойда. –С. 83-84.

Хоразм темирчилари босқон (катта болға)дан ташқари барча меҳнат курулларини ўзлари ясаган. Босқон энг катта болға бўлиб, пўлаттан ясалган, оғирлиги 4-6кг, ёғоч дастасининг узунлиги 1 метрча бўлган. Иш жараёнида қизиган темирни сандонда босқон билан ўриб ишлов берилган. Иш жараёнида темирчилар қуйидаги болға турларини ишлатишган: 1) метин-болға-кетмон қирғоғидан елка чиқаришда фойдаланилган; 2) дасхойис-болға-темирчи, тақачи, пичоқсозликда кенг қўлланилган; 3) дусара болға-кетмон зўғатасининг четини қайтаришда; 4) барчинойхойис болға-қўш пичоқ ясашда ишлатилган.

Хивада маълум бир буюмни ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўндан ортиқ одам ишловчи устахоналар ҳам бўлган. Бундай устахоналардаги меҳнат тақсимооти мануфактура шаклини эслатади.

XX аср бошига оид Хоразм манбаларида темирчилик маҳсулотлари ихтисослашган соҳаларда ишлаб чиқарилиши таъкидланади<sup>1</sup>. Бир гуруҳ темирчилар бел, капча, кетмон, ўроқ; иккинчи гуруҳ- теша, болта, ранда, арра, қачов каби дурадгорлик асбоблари; учинчи гуруҳ-тақа сувлик, арава мих, шунингдек, ҳар хил михлар ва бошқа буюмлар таёрлаган. Ўша даврларда Хива шаҳри пичоқсозлик, қулфсозлик, Хонқа ўроқ, Тошҳовуз тақа, бел, болта, мих каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманлар ҳисобланган. XIX асрнинг 2- ярмида Хивада 22 та қулфгар фаолият кўрсатгани таъкидланади<sup>2</sup>.

Аслида, ушбу соҳалардаги барча ҳунармандлар Хоразмда битта атама билан дамирчи (ўзбекча темирчи, Хоразм шевасида дамирчи) деб аталган.

Хоразмда металлсозликнинг кенг тарқалган соҳаларидан яна бири мисгарлик ҳисобланади. Асосан, Хива шаҳри мисгарлик маркази сифатида шуҳрат қозонган. Маълумотларга кўра XIX асрда Хивада 38 та, XX аср 20-

<sup>1</sup> Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. –М., 1940. –С. 139; Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. .... –С.82.

<sup>2</sup> Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. .... –С. 139.

йилларида 91 та мисгар фаолият кўрсатишган<sup>1</sup>. Воҳадаги иккинчи мисгарлик марказ Хонқа шаҳри ҳисобланган.

Мисгарлик касбининг бошқа металлсозлик соҳаларидан фарқи шундаки, мисга тоб берилмай совуқ ҳолида ишланади. Фақатгина мисгарлар идиш қисмларини бир-бирига улашдагина уларни қиздирадилар. Шу мақсадда мисгарлар дўконида ҳам ўчоқ ва дам бўлган. Меҳнат куруллари қуйидагилар: кичик ўчоқ, дам, кичик сандон, ҳар хил қайчилар, болғалар (хоисчорси, нимчорси болға, чамбар болға, терув болға, капчин болға, юмолоқ болға), омбур, пўлат қалам, ёғоч болға, ҳар хил қолиплар ва эговларидан (чоррах эгов, серах эгов, нимгирд эгов, сайқал, нўла эгов) иборат (15-расм)<sup>2</sup>. Мисгарликда ишлатиладиган ҳар бир болғанинг ўзига хос вазифаси мавжуд: 1) Хойис ёки хойисчорси болға-мисни юпқалашда; 2) Хойис бағал, капчин ёки чамбар болға-мисни ёйиб йиғишда; 3) Нимчорси болға-мисда қолган изларни кетказишда; 4) Юмолоқ болға-мис идишларининг ич томонига ишлов беришда; 5) Терув болға-мис идишларнинг юзини териш учун ишлатилган (15, 6-расм). Хом-ашё сифатида тахталанган мис, жез, калай, рух, кўрғошин, кислота, нашатирдан фойдаланган.

Бронзадан кўйма буюмлар ишлаб чиқарувчи хунармандлар этнографик манбаларда рихтагар деб аталади. Рихтагарлик касби мисгарлик ва дегризлик касблари билан бир узвий боғлиқ бўлиб, ички меҳнат тақсимооти натижасида ажралиб чиққан<sup>3</sup>. Шунингдек, мисгарлар ишлай олмайдиган мис буюм қисмларини ва мисни улаш учун кавшар ишлаб чиқаришган.

И.Жабборов тадқиқот ишида хунармандчилик ширкатлари ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги тарихий-этнографик маълумотлар берилган<sup>4</sup>. Ўрта

<sup>1</sup> Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. –М., 1940. –С. 128; Хива шаҳридаги ўлкашунослик-тарихий музейи фонди. А. Балтабаевнинг кўлёзма материали; Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. .... –С. 86.

<sup>2</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX- начале XX вв. .... –С. 86-89; Сергеев Б. Чеканка по меди. –Ташкент, 1960. –С. 8-10.

<sup>3</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1959. Жилд II-III. –Б.34-35.

<sup>4</sup> Джаббаров И. Городское ремесло узбеков Хорезма в конце XIX и начале XX вв.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -М., 1954. -С.11-13.

Осиёда хунармандчилик ширкатлари қачондан ташкил топганлиги тўғрисида аниқ фикр айтиш мушкул, аммо баъзи маълумотлар XIV аср охири XV аср бошларига тўғри келади (Ҳофиз-Абру, Шарафаддин Али Яздий «Зафарнома» ва Кастилия элчиси Клавихо Гонзелос).

Сўнгги ўрта асрларда Хоразмда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари каби хунармандлар ширкатларга бирлашган. Ширкатлар Ғарб давлатларидаги каби ўз гербига, ширкатлик жамғармасига, ҳарбий уюшмасига эга бўлмаса ҳам, хунармандлар анъана ва урф-одатлар тамойилларига асосланган ҳолда ўз рисоласига (устаи) мувофиқ бир-бирига ўртоқлик ёрдам кўрсатишган. Хоразмда битта касбдаги хунармандлар ўзларини «улфагар» деб аташган. Араб-форсча «улфат» (ўртоқ, ўртоқлик), «кар» (касб, ихтисисослик) сўзларидан ташкил топган бўлиб, «касблик, ўртоқлик» деган маънони англатади. Бу Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги хунармандлар ва майда савдогарлар бирлашмасига нисбатан ишлатиладиган «касаба» атамаси билан бир хил маънони англатади.

XX аср бошида Хоразмда 32 та ширкат рўйхатга олинган. Ҳар бир ширкат (улфагар) ўзлари сайлаган оқсоқоли-қаландар (Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларида ушбу атама учрамайди), уста, уста ёрдамчиси-халфа ва шогирдлардан иборат бўлган. Халфа ва шогирд ширкатнинг тўлиқ аъзоси саналмаган. Устахонадаги меҳнат куруллари ва хом-ашё устага тегишли бўлиб, улар ўзлари орасидан раҳбар-қаландар сайлашган. Қаландар нафақат ташкилий масалалар билан шуғулланган, балки ширкатдаги қозилик ишларига ҳам раҳбарлик қилган. Ҳар хил маросимларни ташкил қилиш ишлари билан қаландар ёрдамчиси «пайкал» шуғулланган. Пайкал ҳам қаландар каби ширкатнинг умумий йиғилишида ширкат аъзолари томонидан тайинланган. Қаландар хулқ-атворининг тўғри келмаслиги ёки ширкат аъзолари талабларига жавоб бераолмаган ҳолларда қайта сайланган. Ширкатларда баъзан қаландарлик лавозими отадан ўфилга мерос ўтган (масалан, темирчилик ширкатларида). Хоразм пойтахти Хива шаҳридаги

қаландарлар хон томонидан тайинланган, шу тўғайли улар бошқа шаҳарлардаги қаландарларнинг йўлбошчиси саналган. Ширкатлардаги ишлаб чиқариш фаолиятида асосий ўринни уста ва шогирд эгаллашган, хунармандлар рисоласида на қаландар, на халфанинг аниқ вазифалари кўрсатилмаган. 10-15 йил давомида шогирд уста томонидан ўргатилган ва юмшалган. Шогирдга тантанали маросимда фотиҳа берилгандан кейин, мустақил ишлашга рухсат берилган. Баъзан кўпчилик шогирдлар меҳнат қуролига эга бўлмаганликдан, устози ёки бошқа хунармандга ёрдамчи сифатида иш ҳақи ҳисобига хизмат қилишган.

Демак, этнографик материаллар металлсозлик хунармандчилиги соҳаларига оид археологик топилмаларни жонлантирувчи ва батафсил ёритишга ёрдам берувчи асосий тарихий манбалардан бири ҳисобланади.

## **1.2. Хоразм металлсозлик хунармандчилигининг археологик тадқиқотларда ўрганилиши**

Археологик тадқиқотлар Хоразм воҳасида бронза давридан (мил.ав. II минг йиллик) металлсозлик хунармандчилиги шакллана бошлаганлигини кўрсатади. Ўша даврга оид «Тозабўғёп маданияти» ёдгорликларида олиб борилган тадқиқотларда кўплаб бронза тақинчоқ, билакузук, сирға, ойна, мунчоқ, меҳнат қуроли – болта, ханжар, бир тиғли пичоқлар, ўроқлар, ҳарбий қуролидан – найза, камон ўқи учлари топилган<sup>1</sup>. Шунингдек, Кўкча 15 А, Жонбос 21 маконларида гил қозонлар, тош қолиплар, Қават III маконидан бронзадан қўйма усулда қурол-аслаҳалар ясайдиган устахона аниқланган. Ёдгорлик тадқиқотчиси М.А.Итина таъкидлашича, металл буюмларнинг аксарияти маҳаллий хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган. Лекин, тозабўғёпликлар ҳаётида бронза металлургияси кенг

<sup>1</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья (II начало I тыс. до н.э.). –М.: Наука, 1977. –С. 127-135. Рис.68; Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. –М., 1962. –С. 47-73.

кўламда ривожланишидан қаттиқ назар, тошдан ясалган меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқара олмаган эди.

Воҳанинг сўнги бронза даврига оид Амиробод маданияти ёдгорликларида ҳам бронзадан тайёрланган хўжалик ва рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари ва пайконлар ясаيدиган тош қолиплар топилган. Бу давр ёдгорликларида ирригация излари учраши, амирободликлар ҳаётида чорвачилик билан бирга деҳқончилик ҳам хўжаликда муҳим соҳаларидан бирига айланганлигидан гувоҳлик беради. Бунда албатта, металлдан ясалган меҳнат қуролларида фойдаланиш катта аҳамият касб этган. Якка-Парсон- II маконидаги (мил.ав II минг йиллик охири I минг йиллик боши) «Қуювчилар уйи» топилмалари воҳада металлсозлик ҳунармандчилиги шаклланганлигидан далолат беради. Қуювчилар уйидан 4 та тош қолип ва деворида металл қолдиқлари сақланган идишлар қайд қилинган. Шунингдек, мазкур ёдгорликдан (мил.ав. IX-VIII асрлар) камон ўқининг тош қолипи, шу даврга оид Бургут-қалъа воҳасидан сувлиқ қолиплари топилган<sup>1</sup>.

Археологик тадқиқотларда Хоразмда мил. ав. I минг йиллик ўрталаридан металлсозлик маҳсулотлари кўпайиши ва соҳаларга ажралиши кузатилади. Воҳанинг Кўзаликир (мил. ав VI-V аср), Дингильжа (мил. ав VI-V аср) ёдгорликларидан темирчилик, мисгарлик, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш излари, шаклини йўқотган темирдан меҳнат қуроллари, мисгарлик буюмлари топилган<sup>2</sup>. Бироз кейинги даврга оид Қалаликир-2 (мил. ав IV-I асрлар) ёдгорлигида бронзадан буюмлар қуйиш устахонаси, ўчоқ, сопол тигелдан ташқари, сопол бурун, металл буюмлар ва кенг худудда сочилиб ётган дашқол, шлак қолдиқлари қайд қилинган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Сабурова М.А, Ягодин В.Н. Литейная форма из Хорезма // Советская Археология. –Москва, 1964. - № 1. -С.304-306.

<sup>2</sup> Толстов С.П. По древним дельстам Окса и Яксарта. -М., 1962. - С. 99; Воробьева М.Г. Дингильдже. Усадьба середины I тысячелетия до н.э. в Древнем Хорезме. - М., 1973. -С.14. Рис. 1, 3, 8, 9; 45, 2, 4-7.

<sup>3</sup> Болелов С. Б. Ранний этап становления ремесленного производства в низовьях Амударьи // «Приаралье на перекрестке культур» и второго полевого семинара «Археология древнего Ташкырманского оазиса», посвященные 100-летию со дня рождения выдающегося исследователя Центральной Азии С.П.Толстова. Тез. докл. межд симп. 2-4 октября 2007. –Нукус-Бустан-Беруни, 2007. –С. 26-27.

Жанубий Хоразмнинг Нурум воҳасидаги антик даврга оид 15- кўрғонда (I аср) яшаш хоналаридан ташқари, кулолчилик, темирчилик ва бошқа ишлаб чиқариш ўчоқлари аниқланган<sup>1</sup>. Темирчилик ўчоғи квадратсимон (75x80 см) шаклда хом ғиштдан қурилган ва ташқи қисми лой билан мустаҳкамланган, пастки қисмидаги иккита жойида ғиштлар оралиғи очиқ қолдирилган. Ёдгорлик тадқиқотчиси С.Б.Болелов, миниатюра асарлари ва Хоразмнинг этнографик материалларидаги темирчилик ўчоқларининг тузилишини ўрганиш асосида Нурум воҳасидаги ўчоқ шакли ва тузилишини XIX-XX асрлар бошидаги темирчилик ўчоқларига ўхшаш бўлганлигини таъкидлайди.

Мил. ав. I минг йиллик ўрталаридан кўплаб касб-хунарларнинг пайдо бўлиши билан жамиятда ижтимоий меҳнат тақсимоти юз беради, шаҳарларда хунармандчиликнинг аҳамияти ортиб боради шунингдек, турли хил металлларга ишлов бериш жараёнида меҳнат тақсимоти янада ривожланиб металлсозликнинг алоҳида-алоҳида тармоқлари, чунончи мисгарлик, заргарлик, темирчилик, қуролсозлик каби касблар пайдо бўлади.

Биз буни, антик даврдаги Қўйқирилган қалъа, Тупроқ қалъа ёдгорликларидан қайд қилинган сопол бурун, қуйма қолиплар, темир меҳнат қуроллари, мисгарлик, заргарлик буюмлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин<sup>2</sup>. Бундан ташқари, воҳада мил. ав. IV-II асрлардан қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришнинг аҳамияти кучайиб, қуролсозлик соҳаси ихтисослашиб борган. Бу ҳақида шу даврга оид Қўйқирилган қалъа, Тупроқ қалъа, Қумбузтепа ёдгорликлардан топилган сопол идишлардаги найза билан қуролланган зирҳли суворийлар тасвирлари маълумот беради<sup>3</sup>. Шунингдек,

<sup>1</sup> Volelov S.B. The Excavations of Settlement at Nurum Oasis (the Northern Turkmenistan) // Проблемы истории, филологии, культуры. – Москва-Магнитогорск, 2005. – вып. XV. – С. 101.-рис. 4:II.

<sup>2</sup> Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. -М.: Наука, 1985. - С. 327; Кой-крылган кала памятник культуры древнего Хорезма IV в до. н.э. – IV в н.э. // Труды ХАЭЭ. Т.V - М.: Наука, 1967. - С. 147-161; Топрак-кала. Дворец // Труды ХАЭЭ. Т.XIV - М.: Наука, 1984. - С.216-227.

<sup>3</sup> Кой-крылган-кала - памятник культуры древнего Хорезма. IV в.до н.э-IV в.н.э. - С.203. Рис.75,3; Мамбетуллаев М.М. Рельефное изображение всадника на керамической фляге из Хумбузтепе // Советская Археология (СА). –М., 1977. -№3. -С.30; Мамбетуллаев М.М. Хумбуз тепе-керамический центр Южного Хорезма // Археология Приаралья (АП). –Ташкент: Фан, 1984. -вып.II. -С.21-39.

Тупроқ қалъанинг III-IV асрларга оид қатламларида мураккаб камон ишлаб чиқарувчи қуролсозлик устахонасидан, тўртта камон, ўқдон, камон ва найза учлари, металл совут пластиналари каби қурол-аслаҳалар топилган<sup>1</sup>.

Демак, қадимги ва антик даврдаги Кўзалиқир, Ичан-қалъа (Хива), Катта Айбуйир-қалъа, Қойқирилган-қалъа, Тупроқ қалъа ёдгорликларида металлсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва металл буюмлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим аҳамият касб этган.

Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликларидан топилган темирчилик, мисгарлик устахона ва маҳаллалари, рудани қайта ишловчи марказлар ва кўплаб металл буюмлар соҳанинг тараққий қилганлигидан далолат беради. Ёдгорликлардаги шлак, дашқол ва устахоналардаги бошқа топилмалар асосида металлга ишлов бериш билан боғлиқ жараёнларни бир нечта гуруҳларга ажратилди.

*Темир рудасини қайта ишловчи марказлари.* Археологик тадқиқотлар Бургут қалъа воҳасидаги Катта Қирққиз қалъада VII-VIII асрларда темир рудасини эритиш ишлари йўлга қўйилганлигини кўрсатади<sup>2</sup> (4-расм). Ёдгорликдан топилган руда эритувчи устахона 12 x 13метр хажмдаги тўртта хонадан иборат, 1-2-хоналардаги ўчоқлар босма дам билан ҳаракатга келтирилган. Ўчоқлар тўғрибурчак тарзда хом ғиштдан қурилган, сақланган баландлиги 0,4метр, эни 0,9метр (5-расм). Устахонадаги шлак қолдиқларининг металлографик таҳлили темир оксиди таркибида магнитит ва гематит минераллари кўплигини кўрсатади. Бу эса рудадан маъданни ажратишда катта иссиқликни талаб қилган ва ўчоқларда руда 1200-1300° градус иссиқликда эритилган. Афсуски, устахонадаги ўчоқлар тузилиши тўла аниқланмаган. Бунга ўхшаш яхши сақланган темирчилик ўчоқлари Панжакент ёдгорлигидаги металлсозлик маҳалларида учрайди<sup>3</sup>. Шунингдек, Катта Қирқиз қалъа девори бўйлаб дашқол, шлак қолдиқлари ва темир

<sup>1</sup> Топрак кала. Дворец // Труды ХАЭЭ. Т. XIV - М.: Наука, 1984. -С.216-222. Рис.89.

<sup>2</sup> Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского периода. –М.: Наука, 1966. - С. 101-103. Рис.52-53.

<sup>3</sup> Распопова В. И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. –М., 1980. –Табл.36.

кукунлари кенг хуудда сочилиб ётганлиги аниқланган<sup>1</sup> (6-расм). Воҳа суғориш тизимини тадқиқ қилган археологик Б.А.Андрианов таъкидлашича, Катта Қирққиз қалъадан шимолга томон темирчилик излари узоқга чўзилган деб кўрсатади<sup>2</sup>. Хом-ашё манбаи сифатида Султонувайс тоғ тизмалари ва Кичик Қирққиз қалъа кўрғони атрофидаги чўкинди тоғ жинслари билан боғлиқ лимонитли рудадан фойдаланишган.

Демак, VII-VIII асрларда Катта Қирққиз қалъада рудага бирламчи ишлов берилиб, ғалвирак темир бўлаги шаклидаги ярим тайёр хом-ашё олинган. У атрофдаги шаҳарларнинг темирчилик устахоналарини хом ашё билан таъминловчи марказлардан бири ҳисобланган.

Султонувайс тоғ тизмасида жойлашган Абумуслим қалъа яқинидаги Шайхижалил бобо мозори атрофларида ўрта асрларда мунтазам равишда темир рудасини эритиш ишлари амалга оширилган. Бу ерда оловда куйдирилган ер қатламларида 0,4-0,6 метргача чуқурликда 12 минг куб метр хуудда темир кукунлари, бўлакчалари, қават-қават шлак ва дашқол колдиқлари сочилиб ётганлиги аниқланган<sup>3</sup>. Мазкур хуудда узоқ муддат рудадан бирламчи хом-ашё дашқол ажратиб (ғалвирак темир бўлаги) олинган. Рудани эритиш ишлари ярми ерга кўмилган махсус ўчоқларда амалга оширилган. Ўчоқлар босқонлар ёрдамида ҳаракатга келтирилган ва унда тахминан 900-1350<sup>0</sup> иссиқликда темир рудаси эритилган бўлиши эҳтимол. Хом-ашё манбаи сифатида Амударёдан ажралиб чиқувчи сой атрофида қазиб олишга қулайли лимонитли рудадан фойдаланилган. Яқин атрофда темир рудаси захираси мавжудлигини геологик қидирув ишлари натижалари ҳам тўла тасдиқлайди<sup>4</sup>. Рудага дастлабки ишлов бериш конларга

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского периода. .... -Рис.51.

<sup>2</sup> Андрианов Б.В. Полевой дневник /Архив Хорезмской экспедиции АН СССР. 1955. -№ 80.

<sup>3</sup> Оразов Қ. Қарақалпақстанның қазылма байлықлары. –Нөкис, 1969. –Б. 5-6. расм 1; Лопатин С. Горные клады // Советская Каракалпакия. –Нукус, 1965. 24 января; Дудаков С.А. Памятники горного дела Султануиздага // Актуальные проблемы истории Каракалпастана.: Тез. докл. НТК. –Нукус, 1991. -С. 23-25.

<sup>4</sup> Оразов Қ. Қарақалпақстанның қазылма байлықлары. .... –Б.65-75; Дәўлетова Қ. География сабағы хәм улке таныў. -Нөкис: Билим, 1992. -Б. 101-103.

яқин ва табиий қулайликларга эга тепаликлар ва сойлар атрофида ташкил этилган. Сув захираси сифатида яқин атрофда жойлашган Хўжакўлдан, ёқилғи хом-ашёси учун Шайхихалил тоғи атрофидаги Бадай тўқайдан, Қизилқум даштидаги саксовуллардан фойдаланган<sup>1</sup>. Этнографик манбаларда руда эритиш ва темирчилик ишларида саксовулдан тайёрланган писта кўмирдан кенг фойдаланиши таъкидланади<sup>2</sup>. Шунингдек, Шайхихалил тоғи ёнбағирида кончилар макони Абумуслим қалъа ёдгорлиги жойлашган (7-расм)<sup>3</sup>. Шаҳарча тарҳи тўғри бурчак шаклда, ҳажми 125 х 95 метрга тенг. Деворлар баландлиги 5,8м, эни 1,8метрни ташкил этади. Девор устида ўк отиш шинаклари ва буржларда минорлар қурилган. Қўрғонда турар жойлар сақланилмаган, балки иморатлар ёғоч ва қамишдан қурилиб, лой билан сувоқланган бўлиши эҳтимол. Қалъада асосан кончи қуллар истиқомат қилишган бўлиши мумкин. Чунки, мудофа деворлари, миноралар кончиларни назорат ва мудофа мақсадларида қурилганлигини кўрсатади. Абумуслим қалъада археологик материаллардан фақат VII-VIII ва XIII-XIV асрларга оид сопол парчалари учрайди, холос.

Хоразм археологик экспедицияси Қорақум бўлими томонидан 1973-1974 йилларда ўтказилган археологик-геоморфологик тадқиқотлар яқунлари металлсозликга оид янада бой маълумотлар беради. Тадқиқотлар Султон Санжар ёдгорлигига яқин жойда мил. ав. VI-V асрлардан то X-XII асрларга қадар руда эритиш ишларининг амалга оширилганлигини кўрсатади<sup>4</sup>.

Демак, Катта Қирққиз қалъа, Шайхихалил тоғи атрофи ва Султон Санжар яқинидаги руда эритиш марказларида ғалвирак темир бўлаги шаклидаги ярим тайёр хом-ашё ишлаб чиқарилган ва буларга шаҳарларидаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон географик атласи. –Тошкент, 2001. –Б.18.

<sup>2</sup> Отемисов А. Қарақалпақлардың өнер-кәсиплери. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1991. -Б. 21-22.

<sup>3</sup> Материалы к своду памятников истории и культуры Каракалпакской АССР. –Нукус: Каракалпакстан, 1985. -вып. 1. -С. 26. -рис. 1,1.

<sup>4</sup> Армарчук Е.А. Производственные печи на средневековом городище Садвар в Южном Хорезме // Проблемы истории, филологии, культуры. – Москва-Магнитогорск, 2005. – вып. XV. -С.89.

темирчилик устахоналарида яна қайта ишлов берилиб, таркибидаги шлак қолдиқлари сиқиб чиқарилган ва маҳсулот тайёрлашга тайёр темир олинган.

*Мис рудасини қайта ишловчи марказлар.* Султонувайс тоғ тизмаларидаги Оқтоғ худуди атрофларидан 38 та қадимги мис конлари, иккита кончилар турар жойлари, руда эритадиган ўчоқ қолдиқлари топилган<sup>1</sup>. Конлар яқинидаги топилмалар рудани қазиб олиш ишларида гранит болталардан фойдаланганлигидан гувоҳлик беради. Атрофдаги катта худудда сочилиб ётибган мис шлак қолдиқлари аниқланган. Конлардаги қудуқларнинг унчалик чуқур эмаслиги, руданинг ер юзасига яқин жойлашганлигини кўрсатади. Конлардан мис икки даврда: мил.ав. IV-II асрлар ва X-XIV асрларда қазиб олинган.

Султонувайс тоғи тизмаларидаги мис конлари ва рудани қайта ишловчи иккинчи йирик марказ Аччиқ тоғ тепалиги атрофи ҳисобланади<sup>2</sup>. Бу жойда 1,5-2 метр чуқурликда ва ҳар хил ҳажмдаги йигирмадан ортиқ мис конлари мавжудлиги аниқланган. Атрофидан X-XI асрларга оид оддий, сур рангли, сирсиз ҳамда XII-XIII асрлар бошига хос ялтироқ, қора, сирсиз сопол идиш бўлакчалари топилган. Бу эса конлардан X-XIII асрлар бошида фойдаланилганлигидан далолат беради.

Шайхижалил худудидаги мис кони ҳажми катталиги ва чуқурлиги билан юқоридаги конлардан фарқ қилади<sup>3</sup>. Бу кондан XII-XIV асрларда фойдаланилган.

Мис конлари ва рудани қайта ишлаш марказларидан яна бири Жанпикқалъанинг шимолий-шарқида, 6-7 км узокликдаги Занги бобо макони атрофида жойлашган. Бу ердаги 0,5 кв км худуддаги конларнинг тузилиши ҳар хил, ўлчамлари 2-3 x 5-7 метрдан ўнлаб метргача чўзилган, мавжуд

<sup>1</sup> Маньлов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Ташкент, 1972. -С. 16.

<sup>2</sup> Дудаков С.А. Памятники горного дела Султануиздага // Актуальные проблемы истории Каракалпакстана. – Нукус: Каракалпакстан, 1991. -С. 23-25.

<sup>3</sup> Маньлов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья. ... -С. 16.

чукурлиги 0,2-0,3 метрдан 1,5 метрга тенг. Конлар атрофида шлак қолдиқларидан ташқари, Хоразмшоҳлар даврига (XI-XIII асрлар) оид сопол буюм бўлакчалари сақланиб қолган<sup>1</sup>. Ушбу кончилар маконидан 0,5-1 км жануби-ғарбида иккинчи кончилар макони жойлашган. Бу ерда кварцга ёпишган кўплаб кўкимтир мис қолдиқлари учрайди. Ю.П.Маньолов таъкидлашича, бу кварцга минерализациялашган руда ёки эритилган руда қолдиқлари бўлиши мумкин. Конда асосан мис рудаси, кам миқдорда темир рудаси қазиб олинган ва қайта ишланган. Кончилар маконида Хоразмшоҳлар даврига хос қора ангобли сопол буюмлардан фарқ қиладиган қизил ангобли сопол бўлакчалари ҳам учрайди. Шунингдек, конлар атрофида турар жойлар, бузилган ўчоқ қолдиқлари ва кўплаб шлак парчалари топилган.

Юқоридаги конлар ёқилғи, сув заҳиралари мавжуд табиий қулай атрофларга яқин жойлашган. Бундан ташқари, мутахассислар руда эритишда фойдаланадиган «флюс» деб номловчи кремень, извест-оксид моддалар Кўк дарё сойи яқинидаги «Сбитняков эритмаси» маконидан топилган<sup>2</sup>. Бу эса мис рудасини эритиш ишларини осонлаштиришга яқиндан ёрдам берган.

Демак, Султонувайс тизмаларидаги Оқтоғ (мил.ав. IV-II асрлар ва X-XIV асрлар), Аччиқ тоғ тепалиги (X-XIII асрлар боши), Шайхихалий тоғи (XII-XIV асрлар), Занги бобо (антик давр ва XI-XIII асрлар боши) маконларидаги конлар атрофи мис рудасини қайта ишловчи марказлар ҳисобланган (3-расм).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи даврларда мис рудаси яқин атрофдаги шахарларда ҳам қайта ишланган. Антик даврда Занги-бобо макони конларидаги руда Жанпикқалъа ва Гавур қалъа аҳолиси, ўрта асрларда фақат Жанпикқалъа аҳолиси томонидан қайта ишланган.

<sup>1</sup> Дудаков С.А. Памятники горного дела Султануиздага // Актуальные проблемы истории Каракалпакстана. – Нукус: Каракалпакстан, 1991. -С. 23-25.

<sup>2</sup> Дудаков С.А. Памятники горного дела Султануиздага .... -С. 24.

*Металлсозлик устахоналари ва маҳаллалари.* Хоразмнинг Куюк қалъа, Ҳайвон қалъа, Тўк қалъа ёдгорликларнинг VII-VIII асрларга хос қатламларидан ярим тайёр хом-ашёни қайта ишловчи ва маҳсулот тайёрловчи темирчилик ва мисгарлик устахона топилган.

Куюк-қалъа ёдгорлигининг 7-қазиш жойидаги шаҳар кўрғонининг жанубий девори яқинида темир эритиш устахонаси жойлашган<sup>1</sup>. Хона юқорисидаги кум бархонларида темир дашқол, шлак қолдиқлари учрайди. Устахона ҳажми 8x4,2 метр бўлиб, уч даврга оид қатламдан иборат, ўчоқлар биринчи ва учинчи даврга хос бўлиб, хронологик жиҳатдан VIII асрга тааллуқли. Ўчоқ ҳажми 1,5x1,0 метрга тенг, атрофида ёғоч кўмир ва кул қолдиқлари қатламлари сақланган. Шунингдек, ўчоқ яқинидаги 0,30x0,35 метр ҳажмдаги махсус чуқурчаларга темир қотишма ва дашқоллар тўлтирилган. Устахонада ўчоқ босма дам ёрдамида ҳаракатга келтирилганлигини кўрсатади.

Ҳайвон қалъанинг VIII асрга оид қатламларидан ҳам кўплаб темир дашқол, шлак бўлакчаларининг топилиши, худудда темир эритиш ишлари ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини кўрсатади<sup>2</sup>. Ёдгорликда топилган темир дашқоллар атрофида ҳайвон суяклари асосан, эчки шохлари кўплаб учрайди. Мутахасис В.И.Распопова фикрича, темирни (дашқолни) ўтда эритиш жараёнида шохлардан кенг фойдаланилган<sup>3</sup>. Чунки, шохлар темир бўлакларига тўлиқ ёки қисман ёпишиб, унинг оловда эришини тезлаштиришга ёрдам берган.

Тўк қалъа (VII-VIII асрлар) ёдгорлиги «Шарқий ҳовли»сининг «Шарқ чорбоғи» худудидан алоҳида-алоҳида ажратилган кўп хонали иморатлар

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Рапопорт Ю.А. Куюк-кала в 1956 г. //МХЭ. - М.: Наука, 1959. -вып.1. -С. 133: Ягодин В.Н. Кердерское поселение Куюк-кала // Археология Приаралья. –Ташкент: Фан, 1984. -вып.2. -С. 58.

<sup>2</sup> Ягодин В.Н. Городище Хайванкала-раннесредневековый Кердер // Археологические исследования в Каракалпакии. –Ташкент, 1981. -С.96. Рис.9.

<sup>3</sup> Распопова В. И. Металлообрабатывающее ремесло раннесредневекового Согда.: Автореф. дис. .. канд. ист. наук. –Ленинград, 1971. -С.8.

ўрни аниқланган<sup>1</sup>. Иморатлар яшаш ва хунармандчилик хоналарига ажралади. Яшаш хоналарида очик чорбоғ, ўчоқ, тандир, «П» шаклидаги супалар сақланган. «Шарқ чорбоғи» жанубидаги иккита ўчоқ, унга алоқадор чуқурчалар, сочилиб ётган шлак қолдиқлари бу жойда мис эритиш ишларининг амалга оширилганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари Тўк қалъадан кетмон (3 дона), болта-теша (2 дона), теша, ўроқ (2 дона), пичоқ (4 дона), камон ўқи учлари (9 дона), бронза коса (3 дона), узук, сирға, камарлар тўплами каби кўплаб металл буюмлар топилган<sup>2</sup>. Металл буюмлар VII-VIII асрлар ва IX-XI асрларга тааллуқли. Шаҳар аҳолиси кулолчилик, металсозлик, тош ва суякга ишлов бериш каби хунармандчилик соҳалари билан шуғулланган.

Археологик тадқиқотларда Жанубий Хоразмнинг Садвар шаҳарчасидан металлсозликга оид 5 та ўчоқ қурилиши аниқланган. Ўчоқлар айлана, ноксимок шаклларда ва ҳажми ҳар хил (дм-80, дм-50, дм-90), ташки қисми пишиқ ғишт, тошлар билан мустаҳкамланган (10-12-расм). Қизиқарли томони шундаки, бу ерда дашқол, шлак, меҳнат қуроллари каби металлсозлик излари учрамаса ҳам, Армарчук Е.А. Хоразмнинг бошқа ёдгорликлари ва кўшни минтақалардаги ишлаб чиқариш ўчоқларини қиёсий ўрганиш асосида ўчоқларнинг металлсозликга тауллуқли эканлигини исботлайди<sup>3</sup>. Шунингдек, мазкур ёдгорликда 1954 йили тадқиқот ишлари олиб борган М.Е.Массон ушбу маҳалланинг юқорги қатламларида майда темир дашқолларнинг кўплаб сочилиб ётганлигини таъкидлайди. Бу маълумотни 1966 йили ёдгорликда кузатиш ишларини юритган Ю.А. Рапопорт ҳам тўла тасдиқлайди. Садвар шаҳарчаси цитаделига (сарой) яқин

<sup>1</sup> Гудкова А.В. Ток-кала. –Ташкент: Фан, 1964. –С. 44.

<sup>2</sup> Манылов Ю.П. Железные орудия труда VIII в. с городища Ток кала // Вестник ККФАН Узб.ССР. -Нукус, 1962. -№ 3. -С. 80-83.

<sup>3</sup> Армарчук Е.А. Производственные печи на средневековом городище Садвар в Южном Хорезме // Проблемы истории, филологии, культуры. – Москва-Магнитогорск, 2005. – вып. XV. – С. 81-90.

маҳалладаги ушбу ўчоқлар темир қўйиш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ўчоқлар хрологияси IX-XI асрлар билан белгиланган.

Жанубий Хоразм ёдгорликлардан бири Жигарбанд шаҳарчасидан IX-XIII асрлар бошларига оид кўплаб меҳнат қуроллари, ҳарбий қурол-аслаҳалар, рўзғор ва хўжалик буюмлари топилган<sup>1</sup>. Мазкур металл буюмларининг ясалиши, безатилиши, ўхшаш турларининг қиёсий таҳлили маҳаллий металлсозлар томонидан ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Хоразмда Ануштакин Хоразмшоҳлар ҳукмдорлиги даврида (XI-XIII асрлар боши) ҳунармандчилик соҳалари ривожланиши янги поғонага кўтарилган. Бу даврдаги йирик феодал қароргоҳи Қават қалъа атрофида кўплаб ҳунармандлар ва деҳқонларнинг уй-жойлари мавжуд бўлган. Қават қалъадан темирчилик ёки мисгарлик ўчоқлари аниқланмаган бўлса ҳам, кўплаб мис, бронза буюмлар, чироқ ва чироқ қисмлари, суворийнинг ов манзараси тасвирланган тўқа (накладка), олтин суви юритилган қошиқ, мис кўза, безак буюмлари намуналари топилган<sup>2</sup>. Қават қалъа атрофидаги 5, 9, 41, 43 уйларда олиб борилган тадқиқотларда 41-уйдан 675 дона, 43-уйдан 693 дона, 5-уйдан 45 дона, 9-уйдан 111 дона кулолчилик, металсозлик, шишасозлик, сангторошлик ҳунармандчилиги маҳсулотлари топилган<sup>3</sup>. Фақатгина, 9-уйдаги металл буюмлар 25 донани ташкил этади. Археологик топилмалар XI-XIII асрлар бошларига оид ҳисобланади. Шунингдек, ёдгорликдан талькохлориддан тайёрланган тигель, ярим тайёр мис, бронза буюмлар, пластина, сим бўлакчалари ва шлак қолдиқлари топилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қават-қалада ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, қаторида мисгарлик ҳунармандчилиги ҳам тараққий қилган.

<sup>1</sup> Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. –М., 2001. –С.83-92. –рис.34-37,41,45.

<sup>2</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Кп. 44061. инв. 119; Кп. 9998/1. инв. 214;. Кп. 9998/23. инв. 221; Кп. 3772/33 инв.260; Кп. 3772/5 инв.24; Кп. 3772/34 инв.263; Кп. 3772/37 инв.265; ҚДУМ.Кп.7760/5. инв.63; Кп 7760/5 инв.63.

<sup>3</sup> Кп 3768/1-675; Кп 3771/1-693; Кп 9905/1-45; Кп 9998/1-111; Маньолов Ю.П. Археологические материалы в фондах государственного музея искусств Каракалпакской АССР // Вестник ККФАНРУ. – Нукус, 1982. –№2. –С. 53-57.

Хоразмшоҳлар ва Олтин Ўрда даври ёдгорликларидан бири Замахшар шаҳарчаси ҳисобланади. Ёдгорлик тарҳи трапеция шаклида, ҳудуди 18 гектарга тенг. М.В.Воеводский тадқиқотларида шаҳарнинг XI-XIII асрлар боши ва XIII-XIV асрларга оид қатламлардан темирчилик, шишасозлик, кулолчилик, сангторошлик ҳунармандчилиги излари аниқланган<sup>1</sup>. Ёдгорликнинг X-XI асрлар қатламларидан кўплаб заргарлик буюмлари, қуш ҳайкалчалари (3 дона) қайд қилинган<sup>2</sup>.

Н.М.Вактурская, А.Г.Тургенев-Амитиров, Г.А.Федоров-Давыдов, С.А.Трудновская, Р.Л.Садоковлар тадқиқотларида Кўҳна-Урганч шаҳри ҳудудидан Хоразмшоҳлар (X-XIII аср боши), Олтин Ўрда (XIII-XIV аср), Темурийлар (XV-аср), сўнги ўрта асрларга (XVI-XVII аср) оид маданий қатламлардан савдо-сотик, ҳунармандчилик маҳаллалари ва бошқа қурилиш излари ўрганилган<sup>3</sup>. Ёдгорликдан рўзғор ва хўжалик буюмлари, қурол-аслаҳа ва тигельлар топилган<sup>4</sup> (13, 1, 2-расм). Шаҳар ташқарисидаги Хоразм-боғ мажмуасининг XIII-XIV асрлар қатламларидан темирчилик ва бошқа ҳунармандчилик устахоналари, хўжалик хоналари аниқланган<sup>5</sup>. Мажмуадаги траншея Хива хонларидан бирининг фармониға муофиқ қаздирилган ва бу ердан 40 ботмон оғирликдаги темирчилик сандони топилган<sup>6</sup>. Шунингдек, шаҳарнинг «Карвон-сарой дарвозаси» маҳалласида кўчанинг иккала томонида очиқ айвонлар жойлашган. Ушбу кўчанинг 5-хонасидаги учта ўчоқ атрофида мис, темир бўлақлари, шлак ва кўмир қолдиқлари аниқланган. Эҳтимол, бу ер темирчилик устахонаси бўлгандир. Бу кўча ҳунармандлар маҳалласи бўлиб, бошқа кўплаб ҳунармандчилик маҳсулотлари топилган.

<sup>1</sup> Вактурская Н.Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (IX-XVII вв.) // ТХАЭЭ. -Т.IV. -М.: Наука, 1959. -С.264.

<sup>2</sup> Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. - М.: изд. МГУ, 1948.- рис. 91,5.

<sup>3</sup> Вактурская Н.Н. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. // ТХАЭЭ. Т.II. -М.: Наука, 1958. -С.467-499; Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала XV-XVII вв. на городище Таш-кала // ТХАЭЭ. Т.II. -М.: Наука, 1958. -С.505-528.

<sup>4</sup> Вактурская Н.Н. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. ... -С. 478.

<sup>5</sup> Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АНССР в 1949-1953 гг. //ТХАЭЭ. Т. II. -М., 1958. -С. 231.

<sup>6</sup> Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в.-М., 1940. -С. 55, прилож. 1.

Демак, юқоридаги маълумотлар XIII-XIV асрларда Кўхна – Урганч шаҳрида темирчилик устахоналари маҳаллардан ташқари, шаҳар ташқарисидаги ҳукмдорлар кўрғонларида ҳам жойлашганлигини кўрсатади.

Металлсозлик нафақат Хоразмнинг йирик шаҳарларида, балки қишлоқларида ҳам фаолият кўрсатган. Буни XIII-XIV асрлар Ақча-Гелин маконидаги темир шлаклари қолдиқлари тўла тасдиқлайди<sup>1</sup>. Айниқса темирчилик маҳсулотлари қишлоқ одамлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Биз буни, қишлоқ жойларидан қайд этилган меҳнат қуроллари, рўзғор ва хўжалик буюмлари, қурол-аслаҳалар ва бошқа кўплаб топилмалар мисолида кўришимиз мумкин<sup>2</sup>.

Миздахкан XII-XIV асрларда Хоразмнинг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири сифатида шаҳарда кўплаб ҳунармандчилик, жумладан металлсозлик соҳалари маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Шаҳардаги ҳунармандчилик маҳаллаларидан кўплаб пичоқ, қайчи, қулф, мих, болта, теша, камон ўқлари, кўнғироқ, мунчоқ, товоқ, коса, ойналар, сирға, узук ва бошқада металл буюмлари топилган<sup>3</sup>. Бундан ташқари, Миздаххоннинг XIII-XIV асрлар маҳаллаларидан кўйидаги темирчилик ва мисгарлик, ярим тайёр хом-ашёни қайта ишловчи устахоналар аниқланган<sup>4</sup>.

1. Жануби-ғарбий маҳалланинг 1-хонасидаги ўчоқ тошдан цилиндрсимон тарзда қурилган, ташқи томони пишиқ ғишт билан қопланган ва пастки қисми ер остида жойлашган. Ўчоқ полидаги тош тегирмон диаметри – 1,1 м, ўчоқ баландлиги тахминан 1,20 метр бўлган, 0,60 м. қисми сақланган, тош деворлари қалинлиги – 0,35м тенг. Шимолий бурчагининг

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). -М., 1976. -С.130.

<sup>2</sup> Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме .... - С 130; Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях левобережного Хорезма // МХЭ. -М.: Наука, 1963. -вып.7. -С. 54-68.

<sup>3</sup> Қдырнийзов М.-Ш., Турганов Б. Железные изделия из средневекового Миздахкана // Вестник ККОАНРУз. –Нукус, 2007. -№4. -С. 82-85; Қдырнийзов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. – Нукус: Каракалпакстан, 1989. -рис. 13, 14, 15, 16, 17.

<sup>4</sup> Қдырнийзов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. ... – С. 32; Қдырнийзов М.-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв.: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Самарканд, 2005. – С.25.

пастки қисмидан ҳаво дамловчи маҳсус жой қолдирилган. Шунингдек, шу атрофдан 89 дона «кулчалар» шаклидаги дашқоллар йиғиб олинган.

2. Мазкур темирчилик устахонасининг шарқий қисми №7 хона бурчагидаги полга темир дашқоллар тўлдирилган хум (1,40x0,5 м.) кўмилган. Хумдан дашқолларни совутишда фойдаланилган бўлиши мумкин.

3. Шарқий маҳалла I 11-хонанинг ғарбий бурчагидаги лойдан цилиндрсимон тарзда қурилган темирчилик ўчоғи баландлиги 1,20 м, диаметри 1 метр. Ўчоқ яқинидан ярим тайёр темир буюмлари, дошқоллар топилган. Устахона «Г» тарзли бўлиб, узунлиги 6,50 м, марказий қисми энига 2,30, жанубий қисми 3 м га тенг. Шарқий девор бўйидаги суфадан 32 та танга, 6 та каури бағачанок, мис симлар, пичок, оғирлик тошлари ва болға, омбур каби темирчилик қуроллари топилган. Этнографик материалларда ҳам темирчилик ўчоқлари яқинида супалар қурилганлиги таъкидланади<sup>1</sup>. Супаларга ўчоқга кириш (тоблаш) навбатида турган буюмлар ва темирчилик асбоблари қўйилган.

4. Жануби-ғарбий маҳалланинг «Ғарб» ва «Шарқ» ҳовлиларидан темирчилик ва мис эритиш ўчоқлари қолдиқлари ва металлни совутиш ёки тоблаш мақсадида фойдаланувчи хумлар ва тигель топилган. №2 «Шарқ» хунармандчилик ҳовлисидаги мис эритиш ўчоғининг деворлари кўк рангда ва пол қатламида қалин кул қатлами, мис бўлакчалари, шлак қолдиқлари сочилиб ётибди. Устахонада мис ёки бронзадан қуйма буюмлар тайёрланган.

Демак, Жануби-ғарбий маҳалладаги №1, №7 хоналарида тошқоллар (ярим тайёр хом-ашё) қайта ишланиб таркибидаги шлак қолдиқлари тоблаш йўли билан сиқиб чиқарилган ва тоблаб маҳсулот тайёрлашга тайёр темир олинган. Бошқа устахоналарда темирчилик ва мисгарлик маҳсулотлари тайёрланган. Ёдгорликдаги ўчоқлар тузилиши Хоразм этнографик

<sup>1</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларнинг касб-хунар лексикаси. -Тошкент, 1959. Жилд II-III. -Б.349.

материаллари ва XV аср миниатюраларидаги темирчилик ўчоқларига ўхшашлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ёдгорликдаги кўплаб шлак, тошқол ва ишлаб чиқариш чиқитлари шундан далолат берадики, Миздакхон ўрта асрларда шимоли-ғарбий Хоразмнинг металлсозлик марказларидан бири бўлган.

XII-XIV асрлардаги Жампикқалъа ёдгорликнинг шимоли-ғарб қисмидаги 2-сон ва 7-сонли қазув жойларидан бир-биридан кўчалар орқали ажралувчи яшаш хоналари ва ҳунармандчилик мажмуаси ўрганилган<sup>2</sup>. Шимолий қисмидаги 7-қазув жойидаги ҳунармандчилик маҳалласи 900кв.метр худудни ташкил этади. Маҳалладаги 23 та хонанинг ҳар бирида сопол ва металл шлаклари топилган. Бу ердаги хоналардан мисгарлик, заргарлик, темирчилик, кулолчилик, шишасозлик ҳунармандчилиги устахоналари аниқланган (9-расм). Ҳунармандчилик маҳалласи 15-хонанинг шимолий девори бўйлаб диаметри 25 см дан 60 см оралиғидаги бешта ўчоқ жойлашган, хона ҳажми 4,75 х 3,45 метрга тенг. Хонада темирчилик ишлари йўлга қўйилганлигидан далолат берувчи кўплаб темир ва қисман мис шлаклари топилган. Маҳаллада мис ва бронзадан қўйма буюмлар тайёрлаш ишлари 11, 13, 27-хоналарда амалга оширилган. Мажмуадаги 11-хонада ўчоқ, катта хум ва хона деворларида яшил шлак излари сақланган. Хонанинг жануби-ғарбий бурчагида диаметри 98 см, баландлиги 1,58 см. хум кўмилган. Бундан ташқари, хонадан мис ва бронзадан ишланган ярим тайёр буюмлар, симлар, пластиналар ва бошқа кўплаб топилмалар қайд қилинган. Афтидан, хона мисгарлик ёки заргарлик устахонаси бўлган. Шунингдек, ёдгорликдан турли хил ҳунармандчилик маҳсулотлари, талькохлорид тошидан таёрланган

<sup>1</sup> Белиницкий А.М., Бентович И. Б., Болшаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. -Л., 1972. -С.72. - рис. 41; Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. ... - С.83.

<sup>2</sup> Алиакбарова А. Ремесленный комплекс Джампык-калы // Вестник ККФАНРУз. -Нукус, -С 89-93; Доспанов О. Жампык қала – орта эфирлер естелиги. -Нөкис, 1992. -Б.71.

ковш-«тигел» топилган<sup>1</sup>. Юқоридаги материаллар таҳлили, Жанпик қалъа аҳолисининг бир қисми XII-XIV асрларда темирчиликга нисбатан кўпроқ мисгарлик ва заргарлик соҳалари билан шуғулланганлигини кўрсатади.

Археологлар О.Т.Доспанов, С.А.Дудаковлар таъкидлашларича, ўрта асрларда Султонувайс тоғидан қазиб олинган мис рудасининг бир қисми Жанпикқалъа аҳолиси томонидан қайта ишланган<sup>2</sup>.

Хоразмнинг XII-XIV асрларга оид Шахрлик ёдгорлигининг шаркида мисгарлик, жанубий-шарқий қисмида темирчилик маҳалласи аниқланган<sup>3</sup>. Ёдгорликдан 3 та темирчилик, 2 та мисгарлик устахонаси топилган (13-расм).

Хунармандчилик соҳалари ривожланган шаҳарлардан яна бири XIII-XIV асрлардаги Шемаха қалъа ҳисобланади. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида темирчилар маҳалласи жойлашган, бу ерда катта ҳудудда аниқланган дашқол, шлак қолдиқлари темирчилик ишлари тараққиётидан маълумот беради<sup>4</sup>. XII-XIV асрлардаги Шахрлик, Жанпикқалъа, Миздакхан, Кўхна Урганч ёдгорликларидан металл тигельлар топилган<sup>5</sup>. (13, 1, 2, 3-расм). XI-XIII асрлар бошидаги Қазонтаў макони, Қаватқалъа ва XIII-XIV асрлар Жанпикқалъа ёдгорликларидан талькохлорид тошидан таёрланган «тигеллар» ҳам топилган<sup>6</sup>. Диаметри 15 см, деворлари текис, дастаси (5см) унчалик узун эмас (13,4-расм). Тоғ-кон ишлари мутахасислари таъкидлашича, талькохлорид тоши юқори даражадаги иссиқликга чидамли ва бундай тигельдан металл эритишда фойдаланиш мумкин.

<sup>1</sup> Манылов Ю.П, Кдырнийзов М-Ш. Городище Джампик-кала // Археология Приаралья (АП). –Ташкент, 1984. -вып. II. –С. 77. –Рис. 3,20.

<sup>2</sup> Доспанов О.Т. Жампықкала – орта эсирлер естелиги. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. –Б. 68-71; Дудаков С.А. Памятники горного дела Султан-уиздага. ... -С. 24.

<sup>3</sup> Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма // МХЭ. -М.: Наука, 1963. -вып. 7. -С.47. -рис. 3.

<sup>4</sup> Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городе Шемаха кала Туркменской ССР // ТХАЭЭ. -М.: Наука, 1952. -Т.1. -С. 174.

<sup>5</sup> Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма // МХЭ. -М., 1963. -вып. 7. -С. 51. -Рис. 6,3; Алиакбарова А. Ремесленный комплекс Джампык-калы // Вестник ККФАНРУ. –Нукус, 1988. -№ 4. -С. 89-93; Кдырнийзов М-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв.: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. –Самарканд, 2005. -С. 25; Кдырнийзов МШ. Ремесло Хорезма в XIII-XIV вв. // Археологические исследования в Каракалпакии. –Ташкент, 1981. -С.126.

<sup>6</sup> Манылов Ю.П, Кдырнийзов М-Ш. Городище Джампик-кала .... –С.77. –Рис. 3, 20.

**Биринчи боб бўйича яқунлар.** Воҳа металлсозлик ҳунармандчилигида хом-ашё манбаларидан темир рудаси Катта Қирққиз қалъа (VII-VIII аср), Шайхижалил тоғи (VII-VIII ва XIII-XIV аср), Султон Санжар атрофларида; Султонувайс тоғ тизмаларидаги Ақтоғ (мил.ав. IV-II аср ва X-XIV аср), Аччиқ тоғ тепалиги (X-XIII аср боши), Шайхижалил тоғи (XII-XIV аср), Занги бобо (XI-XIII аср боши) худудлари ва Жанубий Қизилқумдаги конлари эса мис рудасини қайта ишловчи марказлар ҳисобланган. Бундан ташқари, қисман Ўрта Осиёнинг тоғли минтақалари, баъзида эса Волга бўйи худудларидан келтириладиган ярим тайёр хом-ашёдан фойдаланилган.

Воҳа ёдгорликлардаги устахоналарда темирчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари, маҳсулот учун тайёр хом-ашё олиш ишлари амалга оширилган. Бу жараёнда ғалвирак темир бўлақларига яна қайта махсус ишлов берилиб, таркибидаги шлак қолдиқлари сиқиб чиқарилган ва маҳсулот учун тайёр темир ажратиб олинган<sup>1</sup>. XII-XIV асрларга оид Шахрлик, Шемаха қалъа ёдгорликларидан металлсозлик маҳаллалари аниқланган.

Хоразмнинг ўрта аср мисгарлари маҳсулот тайёрлашда қўйма ва сўкма усуллардан кенг фойдаланган. XII-XIV асрларга оид Қават қалъа, Кўҳна-Урганч, Шахрлик, Жанпикқалъа, Миздакхон ва бошқа ёдгорликлардан топилган тигеллар қўйма усулда буюмлар ишлаб чиқаришнинг такомиллашганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу тигеллар талькохлорид ва бронзадан ясалган.

Мазкур археологик материаллари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, VIII-XIV асрларда темирга ишлов бериш қўйидаги ихтисослашган бўғинларда амалга оширилган: руда эритиш, маҳсулот учун тайёр хом-ашё тайёрлаш ва ундан хилма хил буюмлар ишлаб чиқарилган.

---

<sup>1</sup> Колчин Б.А., Кругер О.Ю. Физическое моделирование сыродутного процесса производства железа // Материалы и исследования археологии СССР (МИА). –М., 1965. -№ 129. - С. 209, 215.

## II - БОБ. МЕТАЛЛ БУЮМЛАР ТАСНИФИ

### 2.1. Темирчилик хунармандчилиги буюмлари

Хоразмнинг VIII-XIV асрлар археологик материалларига оид темирчилик, қуролсозлик, мисгарлик буюмларини тасниф ва тавсиф қилиш, ихтисослашган соҳаларни аниқлаш, маҳсулот турларининг ички ва ташқи бозорлардаги мавқеини, этнографик материалларга қиёслаш асосида анаънавий маҳсулот турларини ўрганиш мавзунинг аҳамиятли вазифалардан ҳисобланади. Тадқиқотда XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб археологик тадқиқотларда тўпланган ва ҳозирги пайтда Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейи ва Қорақалпоғистон Республикаси саънат музейи фондларида сақланаётган, шунингдек муаллиф томонидан Миздакхон (1998-2008 й.), Пулжой (2004-2005 й.) ёдгорликларидаги тадқиқотларда топилган 43 хилдаги 335 та металл буюмлар туркуми вазифасига кўра гуруҳларга ажратилди ва тасниф қилинди. Булардан 222 таси темирчилик, 113 таси мисгарлик маҳсулотлари ҳисобланади. Металл буюмларни таснифлаш фойдаланиши, шаклларидаги ўзгачаликлари, безатилиши ва технологик тайёрлаш усулларига кўра амалга оширилди.

Темирчилик маҳсулотлари: 1) деҳқончилик қуроллари, 2) дурадгорлик асбоблари, 3) уй-рўзғор буюмлари, 4) от-улов анжомлари каби гуруҳларга ажратилди (иловада 1-5-жадвал). Мисгарлик маҳсулотлари ҳам фойдаланишига кўра уй-рўзғор, ошхона, кундалик ҳаётда махсус аҳамиятга эга ва пардоз-андоз буюмларидан иборат.

*Деҳқончилик қуроллари.* Хоразм воҳаси Марказий Осиёнинг қадимги ўтроқ ва деҳқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Воҳадаги суғорма деҳқончилик тараққиёти мўл-кўл дон, полиз, боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришга имкон берган. Бунда меҳнат самарадорлигини оширишда омотиши, бел, кетмон, ўроқ, боғбон пичоқлари каби деҳқончиликда

қуроолларининг хилма-хил шаклларидаан такомиллашуви муҳим аҳамиятга эга бўлган.

*Беллар* қадимдан асосий деҳқончилик қурооларидаан бири сифатида қазув, ерга ишлов бериш, сув иншоотларини тозалаш, суғориш, қурилиш ишларида фойдаланилган. Хоразмнинг VIII-XIV асрларга оид ёдгорликларидан топилган беллар тўртта шаклга ажралади.

*I шакл.* Тўғри тўртбурчак тарзли беллар (18, 1,2-расм). Дастанни бекитиш учун марказий қисмига исқанжа (хумбира) ясалган. Бел тиғи 16 см, сақланган баландлиги 12 см га тенг. Ушбу бел шакли VII-VIII асрлар бошидаги Якка-Парсон ёдгорлигидан топилган<sup>1</sup>. Хоразмдан ташқарида, бунга ўхшаш бел шакли VIII аср Панжикент ёдгорлигида учрайди<sup>2</sup>.

Демак, VII-VIII асрларда Хоразмда деҳқончилик ишларида тўғри тўртбурчак шаклидаги беллардан фойдаланилган.

*II шакл.* Трапеция шаклидаги бел (18, 2-расм). Баландлиги 20 см, юқори қисми энига 12 см, дами (тиғи) 7 см, хумбираси 10 см (дастанни учун бекитиш ясалган қисми) га тенг. Бундай бел Тўк-қалъа ёдгорлигининг IX-XI асрларга оид қатламларидан топилган<sup>3</sup>. Ўхшаш трапеция шаклидаги бел XVI асрга хос миниатюрада тасвирланишича Ўрта Осиёда сўнгги ўрта асрларда ҳам фойдаланганлигидан далолат беради (19-расм)<sup>4</sup>.

*III шакл.* Бел тиғи айланасимон ва дастасини бекитиш учун ўртасидан иккита тешикча тешилган. Биринчи тешикча дастанинг хумбира қисми учун мўлжалланган, иккинчи тешикча орқали ёғоч даста михлар ёрдамида яна кўшимча мустаҳкамланган (18,3-расм). Бундай бел Жигарбант ёдгорлигининг XI аср бошига оид қатламларидан қайд қилинган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Раскопки Якка- Парсана // МХЭ. -М.: Наука, 1963. -вып.7. -С. 29. -Рис. 13,11-13.

<sup>2</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. -Л., 1980. -С. 61.-рис. 39, 3-4.

<sup>3</sup> ҚДЎМ. Кп. 8631. инв. 330.; Гудкова А.В. Ток-кала. -Ташкент: Фан, 1964. -С. 54. -Рис. 12,13.

<sup>4</sup> Пугаченкова Г, Галеркина О. Миниатюры Средней Азии. В избранных образцах -М.: Искусство, 1979. -Рис.11. Человек, пилящий под собой сук. Саади. «Бустан». Метрополитен-музей. Нью-Йорк. 1522-1523 гг. Бухара. -М., 1979.

<sup>5</sup> Вишнева Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. -М., 2001. -С.89. -Рис.37, 7.

Ушбу бел шакли жихатдан XV-XVI асрларга оид Пойкент ёдгорлигидаги белга бир қанча ўхшаш<sup>1</sup>. Лекин, Пойкент ёдгорлигидаги бел тиғи тўғри вертикал ҳолатда ва битта кулоқли қилиб ясалган.

Жигарбант ёдгорлигидаги белга шакллан ўхшаш турлари Хоразм этнографик материалларида учрайди<sup>2</sup>. Этнографик материаллардаги Хоразм бел қисмлари ўз атамаларига эга: а) бел-тиғи ва юзаси, б) даста, в) хуррик ёки афанақ-юқори қисми, г) кулоқ-ён томонлари юқорисида жойлашган, д) хумбира-даста учун махсус тешиқ (16, 2-расм).

*IV шакл.* Бел шакли квадратсимон, юқори иккала чеккасида кулоқча ёки яйча ўрнатишга мўлжалланган иккита тешиқча симметрик ҳолатда жойлашган (18, 4-расм). Бундай беллар XIII-XIV асрларга оид Акча-Гелин макони ва Талайхон-Ота карвон саройидан топилган<sup>3</sup>. Хоразм этнографик материалларида белнинг бу тури «капча» деб номланади. Воҳа халқи бугунги кунда ҳам капчалардан қурилишда лойдан девор тиклашда кенг фойдаланилади (16,3-расм)<sup>4</sup>. Капча қуйидаги қисмлардан иборат: а) Капча-тиғи ва юзаси, б) даста, в) хуррик ёки афанақ-юқори қисми, г) яйча-ён томонлари юқори қисми айланасимон тарзда темир сим билан бир-бирига туташтирилади<sup>5</sup>.

Демак, Хоразнинг VII-VIII асрлар бошидаги тўғри тўрт бурчак тарзли беллари (I-шакл) IX-XI асрларда трапециясимон бел (II-шакл, Тўк-қалъа) шаклига ўзгарган ҳолда сўнгги ўрта асрларда ҳам фойдаланилган. X-XI асрларда (III-шакл) Хоразм этнографик материалларидаги каби айланасимон

<sup>1</sup> Раскопки в Пайкенде в 2004 году // Материалы Бухарской археологической экспедиций. Санкт-Петербург, 2005. -вып. VI. -Рис.28.

<sup>2</sup> Джаббаров И.М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (конец XIX-начало XX вв.) // История материальной культуры Узбекистана (ИМКУ). –Ташкент: Фан, 1960. -вып. 2. -С.284. Рис.4,4.

<sup>3</sup> Вишнева О.А. Раскопки караван-сараяв Ак Яйла и Талайхан Ата // Труды ХАЭЭ. -М.: Наука, 1958. Т. II. -С. 460; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме. (I-XIV вв.). - М.: Наука, 1976.- С.134-135.-рис.82,2.

<sup>4</sup> Сазонова В.М. К этнографии узбеков южного Хорезма // Труды ХАЭЭ. –М.: Наука, 1952. Т. I. -258 с. - Рис.2.6-7; Этнография каракалпаков. XIX-начало XX века. (Материалы и исследования). –Ташкент: Фан, 1980. -153 с; Жаббаров И. Ўзбек халқи этнографияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. -101 б.

<sup>5</sup> Джаббаров И.М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (конец XIX-начало XX вв.) // ИМКУ. –Ташкент: Фан, 1960. -вып. 2. -С.284. –Рис.4,4,5,6.

тиғли, икки тепки қулоқли беллар шаклланган. XIII-XIV асрларда эса этнографик материалларида «капча» деб номланувчи қурилишда (пахса қуришда) қўлланиладиган белнинг янги тури (IV-шакл) пайдо бўлган.

*Кетмон.* Марказий Осиёда худудида қадимдан деҳқончилик, боғдорчилик, қурилиш ишларида кетмонлардан кенг турда фойдаланилган<sup>1</sup>. Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликларидан топилган кетмонлар шакли ва вазифасига кўра учта шаклга ажралади.

*I шакл.* Тўғри бурчак тарзли, елка қисми гардишли, дами (тиғи) бир оз айланасимон кетмонлар. Хоразмнинг Тўк – қалъа (VIII аср), Бургут қалъа воҳаси 92-сонли қўрғон (VIII аср), Ажигелди ва Қўшбулоқ карвон-саройлари (XIII-XIV асрлар) ёдгорликларидан топилган<sup>2</sup>. Тўк-қалъадаги биринчи кетмон ўлчами 17,5 x 11 см (20,3 -расм); иккинчиси 22 x 13,5см (20,2-расм) га тенг. Ажигелди ва Қўшбулоқ карвон-саройларидан кетмоннинг зўғато қисми топилган. У қовур шаклида бўлиб, баландлиги 5,1 см, эни 4,5-5 см.

Уларга ўхшаш кетмонлар Панжакент (VIII аср), Ахсикент (X аср), Талғар (XI-XII асрлар), Ўтрор (XIII-XIV асрлар), Янги Сарой (XIII-XIV асрлар) ёдгорликларида учрайди<sup>3</sup>. Миниатюра асарларидаги тасвирлар (XVI аср) сўнги ўрта асрларда ҳам бундай шаклдаги кетмонлардан деҳқончиликда кенг фойдаланганлигидан далолат беради<sup>4</sup>.

*II шакл.* Кетмоннинг юқори томони тўғри тўртбурчаксимон бўлиб, мағизи (дамнинг юқорги томони) дамига томон (кесадиган тиғ қисми)

<sup>1</sup> Жаббаров И. Ўзбек халқи этнографияси. ... -Б.101.

<sup>2</sup> Қароқалпоғ давлат ўлкашунослик музейи (ҚДЎМ). Шифр. Тўк қалъа, кп. 8636. Инв. 336/337; Неразик Е.Е. Раскопки в Беркуткалинском оазисе в 1953-1956 гг. // МХЭ. -М., 1959. -вып.1. -С.113; Маньлов Ю.П. Археологические исследования караван-сараев Центрального Устюрта // АП. Ташкент: Фан,1982. -вып.1. -С.116. -Рис. 8,7,11,38.

<sup>3</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. -Л., 1980. С.61,62; Анарбаев А.А. Военная казарма средневекового Ахсикента // ИМКУ. -Тошкент: Фан, 2002. -вып.33. -С.207-208. -Рис.3; Акишев К.А., Баипаков К.М., Ерзакоич Л.Б. Отрар в XIV-XV вв. -Алма-Ата: Наука,1987. -72 с. -Рис.27,2; Баипаков К.М. Средневековая городская культура Южного Казахстана и Семиречья. -Алма-Ата, 1986. -171с. -Рис.74,3; Федоров-Давыдов Г.А., Вайнер И.С., Мухамадиев А.Г. Археологические исследования Царевского городища (Новый Сарай) в 1959-1966 гг. // Поволжье в средние века. -М., 1970. -166 с. табл. 7,4; Федоров-Давыдов Г.А., Вайнер И.С., Гусева Т.В. Исследование трех усадеб в восточном пригороде Нового Сарая (Царевского городища) // Города Поволжья в средние века. -М.: Наука, 1974. -116 с. табл. III, 13.

<sup>4</sup> Пугаченкова Г, Галеркина О. Миниатюры Средней Азии. -М.: Искусство, 1979. -рис.24. Встреча Фархада с каменотесами в горах Армений. 1521-1522 гг. Шахрухия (Ташкент).

трапеция шаклда кенгайган (20,4-расм). Унинг баландлиги 25,5 см, елка қисми эни 10 см, дами 19 см га тўғри келади. Бундай кетмон Тўк қалъа ёдгорлигидаги VIII аср бошига оид хумдан топилган<sup>1</sup>. Унга ўхшаш кетмонлар Ақ Бешим (IX-X асрлар) ёдгорлигида учрайди<sup>2</sup>.

*III шакл.* Трапеция шаклидаги кичик кетмон. Муҳра қисмида даста учун иккита мих ковширланган. Ушбу кетмон баландлиги 22,5 см, елка қисми эни 12,5 см, дам қисми 3,5 см га тенг. Миздакхоннинг «Жанубий-Шарқий маҳалласи»даги XIII-XIV асрларга оид б-хонадаги иситиш мосламаси (ўчоғ-каан) устидан топилган (20,5-расм)<sup>3</sup>. Миздакхон маҳаллаларидаги бошқа шаклдаги кичик кетмоннинг сақланган қисми 12 x 6,3 см<sup>4</sup>. Бундай кетмонлар экинларини чопиқ қилишда ишлатилган.

Этнографик материалларда кетмонлар ишлатилиши ва шаклига кўра: мардона кетмон (кетмень для мужчин), зайфона кетмон (кетмень для женщин), бачкана кетмон (кетмень для детей) каби турларга ажратилади. Шунингдек, ҳар бир қисми ўз номларига эга; дам-кесадиған тиг қисми; авраички қайралган томони; бет-кетмоннинг ташқи қисми; мағиз-дам юзининг юқорги томони; зўғота-даста учун ажратилган махсуси жойи ва ҳоказо<sup>5</sup>.

Хоразм ёдгорликларидан топилган кетмонлар шакли ва фойдаланишига кўра этнографик материалларга ўхшаш ҳисобланади (16,4-расм).

Демак, кетмонлар, беллар каби асрлар давомида трансформацион ўзгаришга учрамаган. Бу жараён меҳнат қуролларининг аввалдан рационал (мақсадга мувофиқли, мос равишда) ўйлаб топилганлиги туфайли ўрта асрлардан кейинги давргача фойдаланиб келишга асос бўлган.

*Ўроқлар* қишлоқ хўжалигида турли бошоқли экинлар, беда, пичан ва ўтларни ўришда, экинларни бегона ўтлардан тозалашда ишлатилган.

<sup>1</sup> Қороқалпоғ давлат ўлкашунослик музейи (ҚДЎМ). Тўк-қалъа. Кп. 8636. инв 335.

<sup>2</sup> Қызласов Л.Р. Исследования на городище Ак Бешим 1953-1954 гг. // Труды КАЭЭ. -М., 1959. Т.2. - Рис.48,3.

<sup>3</sup> Қороқалпоғ давлат университети музейи. Шифр. Миздакхон-2004. ЮП, п.6.

<sup>4</sup> Қороқалпоғ давлат ўлкашунослик музейи (ҚДЎМ). Миздакхон-92. ЮЗК. Кп. 8952/6, инв. 426.

<sup>5</sup> Темиргалиев Г.З. Каталог коллекций слесарно-кузнечных изделий. –Ташкент: Фан, 1974. -С.13-14.

Хоразмда дастлабки темир ўроқлар Кўзалиқир (мил. ав VI-Vаср) ва Дингильжа (мил. ав.VI-V аср) ёдгорликларидан топилган<sup>1</sup>. Ушбу ўроқлар уч қисмдан- тиғ, буйин ва дастадан иборат.

Ўрта асрларга оид темир ўроқлар Хоразмнинг Тўк-қалъа (VIII аср), Бургут қалъа воҳаси 28, 30, 92-сонли қўрғонлар (VIII аср), Якка-Парсон (VIII аср), Дарёлик-кўл макони (XI-XIII аср боши), Гулдурсин қалъа (XI-XIII аср боши), Шемаха қалъа (XIII-XIV аср), Пулжой (XIII-XIV аср), Миздакхон (XIII-XIV аср) ва бошқа кўплаб ёдгорликларидан топилган (Иловада 9-10 жадвал)<sup>2</sup>. Мазкур ўроқлар ҳажми ҳар хил бўлиб, ўртача узунлиги 12-25 см, тиғи 2,3-3,2 см, дастаси 1,7-2,5 см га тенг (21,22-расм).

Уларга ўхшаш шакллари Панжакент (VII-VIII аср), Мунчоқ тепа (VI-VII аср), Ўтрор, Олтин Ўрда (XIII-XIV аср) ёдгорликларида учрайди<sup>3</sup>.

XII-XIV асрларда темирчилар томонидан ўроқларнинг такомиллаштирилиши натижасида тиғи олдингиларига нисбатан бир қанча айланасимон шакллари ишлаб чиқарилган. XII-XIII асрлар бошидаги чап соҳил қишлоқ маконлари, XIII-XIV асрлар Миздакхон ёдгорлигикларидан топилган ўроқлар бундан далолат беради (22, 1, 4, 5-расм). Масалан, чап соҳил қишлоқ маконидаги (717 архе-топографик нуқта) ўроқ тиғи бир қанча айланасимон шаклда бўлиб, узунлиги 15,5 см, тиғи 2,3 см, дастасини бекитишга мўлжалланган учта мих сақланган<sup>4</sup> (22,1-расм).

<sup>1</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. -М., 1962, -99 с; Воробьева М.Г. Дингильдже. Усадьба середины I тысячелетия до н.э. в Древнем Хорезме. -М., 1973. Рис. I. 3, 8, 9; 45, 2, 4-7.

<sup>2</sup> Қороқалпоғ давлат ўлкашунослик музейи (ҚДЎМ). Тўк-қалъа. Кп. 8632-8633, инв 331-332; ҚРСМ. Гулдурсун. Кп. 42863, инв 1529; ҚДЎМ. Миздакхан. Кп. 6945, инв 6/10-11, инв 6/14, 6/19; Кп. 6945/1-17. инв.6/17; Кп. 8951/17. инв.389; Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма. -М.: Наука, 1966. – 94 с. –рис. 48,17,20; Неразик Е.Е. Раскопки Якка-Парсана. ... –С. 29. –Рис.13,8; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме. ... –С. 110,112. –Рис. 64; Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на Шемаха кала. ... -181 с. –рис. 5,4.

<sup>3</sup> Распопова В.И. Металлические изделия средневекового Согда.... -58 с. -Рис.38; Акишев К.А, Баипаков К.М., Ерзакович Л.Б. Отрар в XIII-XIVвв. -Алма-Ата: Наука, 1987. –193 с; Федоров-Давыдов Г.А, Вайнер И.С, Гусева Т.В. Исследование трех усадеб в восточном пригороде Нового Сарая. -М., 1974. -116 с. -Табл. III, 1.

<sup>4</sup> Қороқалпоғистон Республикаси саънат музейи (ҚРСМ). Кп. 40078/15, инв 774; Кп. 40078/45. инв 804.

Бундай ўроқлар меҳнат жараёнида самарадорликни оширишга ёрдам берган. Бу эса қадимдан шаклланган деҳқончилик қуролининг маҳаллий шароитларга мослашганлигини ва қўл меҳнати жараёнида ўзгаришга учраганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, XII-XIV асрларда тиғи бир қанча тўғри тарзли ўроқлардан ҳам фойдаланиш давом этган. Воҳадаги ўрта аср ўроқлари ҳажми, тузилишидаги баъзи ўхшашликларга кўра этнографик материаллардаги ўроқларга ўхшаш бўлганлигини кўрсатади. Ўзбек халқи этнографик материалларида ўроқларнинг шакли ва ишлатилиши бўйича бир-биридан ажралиб турувчи турлари мавжуд: ўнгақай ўроқ, чапақай ўроқ, беда ўроқ, шоли ўроқ, бачкана, бола ўроқ, қамиш ўроқ, барг ўроқ ва бошқа<sup>1</sup>.

Шунингдек, Хоразм этнографик материалларида ҳам ўроқлар ўзига хос кўйидаги турларга ажралади: гашкирт-экинларни бегона ўтлардан тозалашда ишлатилган; мангад - асосан кузги ҳосилни (жўҳори, буғдой, шоли) ўришда; ўроқ- қамиш, беда ўришда фойдаланилган (16, 5, 6, 7- расм)<sup>2</sup>.

Демак, ўрта асрларда Хоразм ўроқлари таккомиллаштирган ва фойдаланишига кўра бир-биридан этнографик материаллардаги каби ажралган бўлиши мумкин.

*Махсус «боғбон пичоқлари»* тиғи унчалик узун эмас, ўроқ шаклидаги меҳнат қуроли. Хоразмда боғбон пичоқлари африғийлар даври қишлоқ маконлари, Тўк-қалъа (VIII аср), Жанпик қалъа (XIII-XIV аср), Миздакхон маҳаллалари (XIII-XIV аср), қишлоқ жойлари (XII-XIV асрлар) ёдгорликларидан кўплаб топилган<sup>3</sup>. Миздакхон маҳаллаларидаги «боғбон пичоқлари» ўртача узунлиги 8-12 см, тиғи 1-2,5 см, орқа томони қалинлиги 0,3-1 см, дастаси 1,2-2,7 см га тенг (23,4-9-расм; иловада 2- жадвал).

<sup>1</sup> Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий (конец XIX-начало XX вв.). Составитель Г.З.Темиргалиева. –Ташкент: Фан, 1974. С.26-27.

<sup>2</sup> Джаббаров И. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (конец XIX-начало XX вв.). ... -С. 287.-рис. 5,3,4,5.

<sup>3</sup> Қароқалпоғ давлат ўлкашунослик музейи (ҚДЎМ). Тўк-қалъа. Кп. 8630, инв 329; Миздакхан. Кп. 6945/1-20, инв 6/4. 6/14. 6/17: Кп. 8951/5. инв. 377; Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма ... –рис. 48,19; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... -С. 111. –рис. 64, 2-4, 8-10.

Уларнинг ўхшаш шакллари Панжакент (VII-VIII асрлар) археологик топилмаларида ва Ўрта Осиё халқлари этнографик материалларида кўплаб учрайди<sup>1</sup>. Бундай боғбон пичоқлар боғдорчиликда ток, ўрик, гилос каби дарахтлар шохини қирқишда ишлатилган. Шунингдек, боғбон пичоқлари этнографик материалларда тут дарахти новдаларини кесишда фойдаланиладиган «барг ўроқ»ларига ҳам ўхшаш ҳисобланади<sup>2</sup>.

XIX аср охиридан бошлаб боғбон пичоқлари ўрнига боғ қайчиларни фойдаланиш урф бўла бошлаган. Боғқайчини кустарлар ҳам фабрика қайчисига ўхшатиб қўлда ясаганлар.

Ўрта асрларда «боғбон пичоқлари»дан боғдорчиликдан ташқари, этикчилик, терига ишлов бериш, ёғоч ўймакорлиги каби соҳаларда фойдаланилганлигини кўрсатади. Ёдгорликлардаги боғбон пичоқлари умумий шакли ўхшаш бўлса ҳам, тиғларидаги баъзи ўзгачаликлари билан бир-биридан ажралиб туради. Уларнинг тиғлари ейсимон, тўғри бурчак шаклида эгри ва уч қисмига келиб айлана тарзда эгилган турлари мавжуд (23-расм). Жумладан, этнографик материалларда тиғи тўғри бурчак тарзда эгилган, калта пичоқ «газан» деб номланади. Этикчиликда теридан оёқ кийим (этик, маҳси, ковуш) бичиш, терини кесишда ишлатилади<sup>3</sup>. Шунингдек, ўрта асрларда ёғоч идиш-товоқлар ясашда ва бошқада мақсадларда боғбон пичоқларига ўхшаш меҳнат қуролларидан фойдаланилган.

Шу боис, биз боғбон пичоқлари Хоразмда боғдорчилик ва хунармандчилик соҳалари ривожланган шаҳар ва қишлоқлардаги темирчилик устахоналарида кўплаб ишлаб чиқарилган деган хулосага келамиз.

*Дурадгорлик асбобларининг* кўпгина тур ва шакллари VIII-XIV асрлар Хоразм ёдгорликларида учрайди.

<sup>1</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. ... -С. 64. -Рис. 41. -табл 11; Широкова З.А. Этнографические коллекции Института истории, археологии и этнографии Тадж.ССР. - Душанбе, 1956. -вып.1. -С.12. табл.5, (48с).;

<sup>2</sup> Темиргалиев Г.З. Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий. ... -С.26.

<sup>3</sup> Темиргалиев Г.З. Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий. ... -С.10. -рис.13.

*Болта* темирдан ясалган, дастали асбоб, тиғи дастасига параллель бўлади. Этнографик материалларда болталар фойдаланишига кўра тўртта тоифага бўлинади<sup>1</sup>. Катта болта (оғирлиги 3 кг), ўртача (2,5 кг), кичик болта (1 кг) ва ой болта.

Ёзма манбаларда болта номлари Махмуд Қошғарий «Девону Луғат-ит турк» асарида (XI аср) «baIdu», «Тафсирда» ( XII аср) «baIta», «Муқаддимат ул-адаб», «Қиссасул-анбиё» (XIII-XIV аср), «Бобурнома»да (XV-XVI аср) «baItu» тарзида берилган<sup>2</sup>.

Б.А.Литвинский таъкидлашича, Ўрта Осиёда мил. ав. I минг йиллик ўрталаридан зўғотали темир болталар ишлаб чиқарилган<sup>3</sup>. Ўрта асрларда болталарни тайёрлаш бир қанча такомиллашган, баъзи болталар тиғи пўлатдан ясалган<sup>4</sup>. Б.А. Колчин металлографик таҳлил қилиш йўли билан пўлат болталарга технологик ишлов беришнинг икки усулини ўрганган. Биринчи, усулда болта тиғига пўлат тоблаш йўли билан бириктирилган. Иккинчи усулда болта тиғи тўлиқ пўлатдан ясалган. Бунда темирга пўлатни уйғунлаштирган ҳолда сифати орттирилган ва тиғи ўткирлаштирилган<sup>5</sup>. Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликларидаги болталар 4 та шаклга ажралади.

*1 шакл.* Болтатеша-бир томони болтага, иккинчи томони тешага ўхшатиб ясалган. Болта томони теша томонига нисбатан мукаммал. Марказий қисми думбоқ бўлиб, даста учун зўғота ясалган (24,1,2-расм). Улар VIII аср бошидаги Тўк қалъа ёдгорлигидан топилган<sup>6</sup>. Биринчи болтатеша баландлиги 28 см (24,1-расм), иккинчиси 32 см, тиғи 11-12 см (24,2-расм). Бундай болтатешаларнинг анъанавий шакллари Ўзбекистон халқлари тарихи музейи

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Тошкент, 2004. Т.2. –Б.142.

<sup>2</sup> Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. -Тошкент. 1953. -Б.52; Иброҳимов С.Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1959. -237 б.

<sup>3</sup> Литвинский Б. А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. –М., 1978. -С. 29.

<sup>4</sup> Папахристу О.А, Терехова Н.Н, Тихонин М.Р. Клад железных предметов из Шахджувара (Узбекистан) //ИМКУ. -Самарканд, 1998. -вып. 29. -С. 148-149.

<sup>5</sup> Колчин Б.А. Черная металлургия и металлообработка в Древней Руси // Материалы и исследования по археологии СССР (МИА). -М.: Наука, 1953. -вып.32. -С.104-105.

<sup>6</sup> ҚДЎМ. .Тўк қалъа, кп. 8635, инв. 334/335; Гудкова А.В. Ток кала. –Ташкент, 1964. -С.53-55. -Рис.12,1-2.

этнография фондида 3790-сонли рақам билан сақланмоқда (24,3-расм)<sup>1</sup>. Ҳажми: баландлиги 32, тиғи 8,5 см га тенг. Хоразм этнографик материалларида болта-тешалар универсал хусусиятга эга дурадгорлик қуроли ҳисобланган<sup>2</sup>. Бу ҳақида халқ дostonларида ҳам маълумотлар берилган: мўллалар ўқийди зери забарди. Усталар чопади *теша-табарди* ( Фозил бахши, Олпомиш ).

*II шакл.* Дурадгорлик болталар трапеция тарзли, тиғи бир оз кенг, даста учун махсус тешик зўғота ясалган (24,4-расм). XII-XIII асрлар боши Дарёлик-кўл макони ва 707-сонли архео-топографик нуқталардан топилган<sup>3</sup>. Баландлиги 12 см, тиғи энига 7 см га тенг. Ҳозирги замон дурадгорлик болталарига ўхшаш.

*III шакл.* Ёрғу болталар тиғи қалин понасимон (24,5,6-расм). XII-XIII аср боши Дарёлик кўл макони ва XIII-XIV асрлар Миздакхон, Жанпикқалъа ёдгорликларидан аниқланган<sup>4</sup>. Махсус адабиётларда «топор-колун» (ёрғу болта) деб номланади. Фойдаланиш хизмати ўтинни айириш, пона қоқиш каби кўпол ишларида қўлланилган. Уларга ўхшаш болталар (II-III шакл) Панжикент (VIII аср), Қорабулоқ (IX-XII аср), Ўтрор (XIII-XV аср) ва Олтин Ўрда шаҳарларидан қайд қилинган (24,7,8-расм)<sup>5</sup>.

*IV шакл.* Икки тиғли темир дастали болта (24,9-расм). Гулдурсин қалъа ёдгорлигининг XII-XIII асрлардаги қатламларидан топилган<sup>6</sup>. Болта баландлиги 8,8 см, тиғи энига 4 см, зўғота қалинлиги 2,5 см, тиғлари

<sup>1</sup> Темиргалиев Г.З. Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий ....-С.19. Рис.22.

<sup>2</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков южного Хоразма в конце XIX- начале XX в. // Занятия и быт народов Средней Азии / Среднеазиатский этнографический сборник. - Л.: Наука, 1971. Т.III. -С. 82,93; Этнография каракалпаков. XIX-начало XX века. (Материалы и исследования). –Ташкент: Фан, 1980. -155 с.

<sup>3</sup> Қарақалпоғистон Республикаси саънат музейи (ҚРСМ). Кп. 40076/11. инв. 701; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме. ... -С.110. рис.82,1.

<sup>4</sup> Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме. ... -С. 110, рис. 82,1-3; Кдырнязов М-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв. Рукопись дис. ... докт. ист. наук. / Приложение – Альбом. – Самарканд, 2005. –рис112.

<sup>5</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. ... - рис.36,19; Брыкина Г.А. Карабулак. -М.: Наука,1974. -С.87. -Рис.58,4; Акишев К.А, Баипаков К.М, Ерзакович Л.Б.Отрар в XIII-XV веках. -С.72. -Рис.27,3; Федоров-Давдов Г.А., Вайнер И.С, Мухамадиев А.Г. Археологические исследования Царевского городища. ... -С.166. табл.V,8.

<sup>6</sup> ҚРСМ. кп. 42866. инв. 1526.

калинлиги 0,5 см, дастаси узунлиги 37 см, диаметри 2,5 см га тенг. Хўжалик ва ҳарбий ишларда фойдаланилган. Ўхшаш болталар Россиянинг кичик Анникова қишлоғидан топилган кумуш лагандаги (VI-VII аср) суворийларнинг қасрни ишғол қилиш манзарасида тасвирланган (45,2-расм).

Демак, воҳа ёдгорликларидаги болта-теша (I шакл) ва болталар (II-III шакл) кўшни худудлар ёдгорликларида ва этнографик материалларда учрайди. Болталар трансформацион ўзгаришларга учрамасдан анъанавий турлари сақланган. Воҳада ўрта асрларда болталарнинг бир нечта шакллари пайдо бўлган ва фойдаланиш мақсадлари бўйича бир-биридан фарқланади.

*Теша* – бир қўл билан ушлаб хода, шох, новда кабиларни кесадиган ёки ёғочни чопиб ундан буюм ясайдиган асбоб.

Хоразмда дастлабки бронза тешалар Тозабоғёп маданияти (мил.ав. II минг йиллик II ярми) Кўкча-Жанбос маконидан топилган<sup>1</sup>. Теша тўғри тўртбурчак тарзли тиғи бир оз эгилган тарзда ясалган. Демак, воҳа халқлари бронза давридан бошлаб металл тешалардан фойдаланиб келган, ўрта аср ёдгорликларидаги тешалар ўзгачаликлари асосида 2 та шаклга ажралади.

*I шакл.* Қошиқ теша тиғи биров айланасимон, зўғотаси вертикал томонга қаратилган бўлиб, унга «Г» шаклда даста ўрнатилган (25,1,2,3-расм). У шакллан этнографик материаллардаги қошиқ тешаларга ўхшаш (25,6-расм). Бундай тешалар VIII аср боши Тўк-қалъа, XIII-XIV асрлар Кўшбулоқ карвон саройлари, Жанпикқалъа ёдгорликларидан аниқланган<sup>2</sup>. Жанпик-қалъадаги теша баландлиги 14 см, тиғи 9,5 см, зўғотаси диаметри 5х4 см.га тенг. (25,3-расм). Уларга ўхшаш тешалар Жанубий Қозоғистоннинг Жуантепа (VI-VIII

<sup>1</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья.... –С. 130-131. –Рис. 67,14.

<sup>2</sup> ҚРСМ. Жанпикқалъа. Кп. 40028/5. инв 320; Гудкова А.В. Ток кала. –Ташкент: Фан, 1964. –С. 54. –рис. 12,3; Манылов Ю.П. Железные орудия труда VIII в. с городища Ток кала. ... –С. 83; Манылов Ю.П. Археологические исследования караван-сараев Центрального Устюрта. ... –116 с. –рис. 8,1.

аср) шунингдек, Олтой, Тува ва Минусин кўлтиғи худудларидаги VI-VIII аср ёдгорликларида ҳам кенг тарқалган<sup>1</sup>.

И.Кожамбердиев таъкидлашича, Кетмен-тепа воҳаси Акчий-Қарасу қабрларида тешалардан III-V асрларда қабр қозишда ҳам ишлатишган<sup>2</sup>. Хоразмда қошиқ тешалар асосан дурадгорлик ишларида қўлланилган.

*II шакл.* Кичик тешалар трапеция шаклида тиғи дастасига перпендикуляр жойлашган (26-расм). XIII-XIV асрлар Ажигелди карвон саройи ва Миздакхон маҳаллаларидан топилган<sup>3</sup>. Ажигелди карвон-саройидаги теша орқасига бир оз эгилган ва даста учун зўғота ясалган. Теша баландлиги 10,6 см, тиғи 5,3см. Миздакхон тешаларнинг зўғота қисми сақланмасдан, фақат иш қисми сақланган. Биринчи теша баландлиги 10 см, юқорги (елка) қисми 7 см, тиғи 3 см (26,1-расм), иккинчиси баландлиги 11,5 см, юқорги қисми 6,5 см, тиғи 3 см га тенг (26,2-расм). Дурадгорлик ишларида кенг фойдаланилган.

Ўхшаш тешалар VII-VIII асрлар Панжикент, XIII-XIV асрлар Янги Сарой (Царевское городище), Ўтрор ва бошқада ёдгорликларда учрайди<sup>4</sup>.

Этногафик материалларда тешалар ишлатилиши бўйича кўйидаги турларга ажралади: уйтеша (рўзғорда ўтин-чўп чопишда); устатеша (дурадгорлар ишлатади); шохтеша (пичоқчилар шох ва суяк чопади); жувозкаш теша (ёғ-жувоз кундаси ўйиладиган қайрилма теша); пойтеша (дурадгорликда ишлатилади), қошиқтеша (ёғоч ўйишда, айланасимон

<sup>1</sup> Археологическая карта Казахстана. –Алма-Ата, 1960. –табл. 7,180; Нестеров С.П. Теша древнетюркского времени в Южной Сибири // Военное дело древних племен Сибири и Центральной Азии. – Новосибирск, 1981. –С. 168-172. –Рис. 2,1,2.

<sup>2</sup> Кожамбердиев И. Могильник Акчий-Карасу в долине Кетмень-Тюбе // Известия АН Киргизской ССР. - Фрунзе (Бишкек), 1960. Сер. общест. наук. Т.П. -вып. 3. -119 с. –Рис. 5,2; Грязнов М.П. История древних племен верхней Оби по раскопкам близ с. Большая Речка // МИА. 1956. -№ 48. -С. 131. –табл. 52, -рис. 17.

<sup>3</sup> Қароқалпоғ давлат ўлкашунослик музейи (ҚДЎМ). Миздакхон. Кп. 6945/1-20, инв. 6/1; Кп. 2845/6, инв. 54; Маньлов Ю.П. Археологические исследования караван-сараев Центрального Устюрта. ... –116 с. –рис. 8,39.

<sup>4</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда.- рис.36,19; Федоров-Давыдов Г.А., Вайнер И.С., Мухамадиев А. Г. Археологические исследования Царевского городища.... –166 с. –табл. V, 7-8; Акишев К.А, Баипаков К.М, Ерзакович Л.Б. Отрар в XIII-XV вв. ... –193 с.

буюмлар яшашда ишлатилади)<sup>1</sup>. Хоразм этнографик материалларида катта ёки кичик тешалар мавжуд<sup>2</sup>. Тешалар Ўрта Осиёда қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз халқларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, шўт ёки чўт деб атайдилар<sup>3</sup>. Хоразмнинг ўрта аср тешалари (I ва II шакл) Ўрта Осиё ёдгорликларидаги ва этнографик материаллардаги тешаларга ўхшаш ва бир хиллигини кўрсатади.

*Арра.* Мил.ав. I минг йиллик ўрталарига оид Дингилжа ёдгорлигидан топилган темир арра қолдиқлари Хоразм темирчилик ҳунармандчилигида қадимдан арралар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигидан далолат беради<sup>4</sup>. Маҳаллий темирчилар томонидан бу анаъна XX аср бошига қадар давом этган ва хилма-хил шакллардаги арралар тайёрланган<sup>5</sup>. Археологик манбалар таҳлили ўрта асрларда ёғоч, суяк, шохлардан ясаладиган буюмларнинг хиллари ва ишлаб чиқариш процессларининг талабига мувофиқ турли касб эгалари арранинг бир қанча турларидан фойдаланганликларини кўрсатади. Буни, биз этнографик материаллардаги қўйидаги арралар турларидан ҳам кўришимиз мумкин<sup>6</sup>: дастарра (қўларра)- бир киши ишлатиладиган арра; ғўлабур арра- икки киши ишлатадиган арра; тахтабур арра – ёғочдан нозик буюмларни таёрлашда ишлатиладиган арра; бекашак шадабур арра-тиғи тахтадан рамка шаклида ишланган шадага ўрнатилади, ёғочни арралашда икки киши тортади. Шу сабабли арранинг устки зеҳига кашак (мағиз) ўрнатилмайди. Шунингдек арранинг буруш арра, йирикбур арра, йириктишли бурушарра, паргор арра, пуштакли арра, пўлат арра, шох арра ва бошқа турлари мавжуд.

<sup>1</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. ... -358 б; Каталог коллекции слесарно кузнечных изделий. ... -С. 26. -рис. 32.

<sup>2</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков южного Хоразма в конце XIX- начале XX в. ... -С.93.

<sup>3</sup> Труды Семиреченской археологической экспедиции «Чуйская долина» // МИА. -М., 1950. -вып. 14. -С.65, 79; Утемисов А. Қарақалпақлардың өнер-кәсіптери. -Некис, 1991. -Б. 41-42. -расм. 3.

<sup>4</sup> Воробьева М.Г. Дингильдже. Усадьба I тысячелетия до н.э. в древнем Хорезме. -М., 1973. -С.156-157. -рис. 45/8.

<sup>5</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX- начале XX .... -С. 93.

<sup>6</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. ... -Б.223; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Тошкент, 2000. I жилд. -Б. 422.

Аммо, Хоразм археологик материалларида ҳозирча XII-XIII асрлар бошидаги Қават қалъа воҳаси 41- уйдан топилган бир турдаги арра шакли аниқланган (27,1-расм)<sup>1</sup>. Арра узунлиги 36 см, темир полотно қалинлиги 0,4 см, энг баланд қисми 7,5 см, қисқа қисми 3,2 см. Темир полотнога майда тишлар чиқарилган ва охирида дастани бекитишга мўлжалланган учта мих сақланган. Ўхшаш кўл арра XIII-XIV асрлардаги Сарой Берка шахридан топилган<sup>2</sup> (27,2-расм). Бундай арраларнинг анаънавий турлари Ўзбекистон халқлари тарихи музейи этнография фондларида сақланмоқда (27,3-расм)<sup>3</sup>.

Хоразм этнографик материалларида Қават қалъа ёдгорлигидаги каби арранинг анаънавий тури «пичқи» деб номланади<sup>4</sup>. Бир киши томонидан дурадгорликда майда ёғочларни кесишда кўлланилади. Йўғон ёғочларни кесишда икки киши ишлатадиган арра тури эса «ёрғи» деб аталади.

*Ранда* тиғи ейсимон, иккала томонидаги учларига ёғоч даста ўрнатилган (28,1,2-расм). Тиғининг кесими дастасига нисбатан энлироқ. Ундан ходалар пўстлоғини тозалашда ва юзини силлиқлашда фойдаланилган. Хоразмнинг XII-XIII асрлар бошига оид Дарёликкўл макони, XIII-XIV асрлар Миздакхон маҳаллаларидан топилган<sup>5</sup>. Миздакхон маҳаллаларидаги синган ранда узунлиги 18 см, тиғи энига 1,6 см, орқа томони қалинлиги 0,8 см (28,2-расм). Унга ўхшаш рандалар VIII асрга оид Панжакент ёдгорлигида учрайди<sup>6</sup>. Ранда узунлиги 32 см, энига 5 см га тенг (28,3-расм).

<sup>1</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Кп 3772/698. инв 1588.

<sup>2</sup> Якубовский А.Ю., Греков Б.Д. Олтин ўрда ва унинг қулаши. Давлат ўқув-педагогика нашриёти. –Тошкент, 1956. расм. 3.

<sup>3</sup> Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий (конец XIX-начало XX вв.). Составитель Г.З.Темиргалиева. –Ташкент: Фан, 1974. –С. 7. -рис. 1,2 а,б.

<sup>4</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX- начале XX. ... –С. 93.

<sup>5</sup> ҚРСМ. Кп. 40075/4. инв 643; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме.-С.114.-рис.66,12,14; Кдырнязов М.-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв. Рукопись дисс. докт.ист.наук./ Альбом.-рис.109,1-2. Храниться в библиотеке Института Археологии АН РУз.,г.Самарканд.

<sup>6</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. ... -С. 58. - рис.36,17.

Уларга ўхшаш турлари этнографик материалларда ўроқ ранда деб номланади<sup>1</sup>. Ушбу ранданинг икки дастасидан бир киши қўл билан ушлаб, олдинга тортиб ишлатилади.

*Омбур.* Миздакхоннинг XIII-XIV асрлар маҳаллаларидан топилган омбур иккита темир стержендан ошиқ-мошиқ тузилишида ясалган<sup>2</sup> (34,2-расм). Стерженлар узунлиги 22-25 см, энига 1,5-2 см, қалинлиги 0,7-0,8 см, кучли занглаши туфайли жағ қисми синган.

Ўхшаш шакллари X-XI асрларга оид Ахсикент ёдгорлигида учрайди<sup>3</sup>. Бундай омбурлар металлга ишлов бериш жараёнида металл қисмларини қисиб ушлаш, эгиш, суғуриш, баъзан, материални қирқиш учун ишлатилган. Этнографик материалларда темирчилик соҳаларида қўлланиладиган қўйидаги омбир турлари мавжуд; қалам омбур, ўт омбур, гажомбир, қаламгир омбир, тўғри омбир, тақа омбир, юмалоқ омбир, ёшомбир, танакартоб омбир, илонбоши омбир, кичик дасомбир, тиғомбир ва бошқа<sup>4</sup>.

Демак, ўрта асрлар ёдгорликларида ҳозирча битта шаклдаги омбур топилишидан қаттиқ назар, Хоразм металлсозлигида ясаладиган буюмларнинг хил ва иш процессларига кўра этнографик материаллардаги каби омбурларнинг бир-неча турларидан фойдаланилган бўлиши керак.

*Рўзғор ва хўжалик буюмлари.* Хоразм ёдгорликларида пичоқ, қайчи, кулф-калит, занжир, қозиқ, мих, ва бошқа кўплаб хўжалик -рўзғор буюмлари қайд этилган. Ушбу буюмлар темирчиликнинг турли хил ихтисослашган соҳаларида ишлаб чиқарилган. Чунки ҳар бир буюмни тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, бу эса маълум ихтисосликни талаб этади.

Жумладан, пичоқчилик Хоразмда ривожланган ўрта асрлардан темирчиликнинг ихтисослашган соҳаларидан бири бўлган.

<sup>1</sup> Жаббаров И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. –Тошкент, 2003. –Б. 193.

<sup>2</sup> Қдырнийзов М.-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв ...-Альбом.-рис.110,2.

<sup>3</sup> Папахристу О.А. Кузнечно-слесарный инструментарий со средневекового городища Ахсикент // ОНУ. 1984. -№5. –С. 34-37.

<sup>4</sup> Иброхимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. ... -Б. 320; Каталог коллекции слесарно кузнечных изделий. .... –С. 25. 28.

*Пичоқлар* тиғи темирдан, дастаси ёғоч ёки суякдан ясалган. Ўзбек халқи этнографик материалларида пичоқлар тузилишига кўра, тўғри пичоқ, қайқи пичоқ, бодомча пичоқ, катта-кичиклигига кўра ўрта суямлик, гезлик, бола пичоқ, чалабузар, безатилишга кўра, содда пичоқ, гулдор пичоқ, чилмихагулли пичоқ, руфта пичоқ, дастаси тузилишига кўра, ёғоч сопли, суяк сопли, дандон сопли, сопнинг ясалишига кўра, суқма сопли, ёрма сопли каби турлари мавжуд<sup>1</sup>.

Пичоқлар эркак ва аёллар, деҳқонлар ва ҳунармандлар, жангчилар ва овчиларга тегишли универсал қурол бўлиб, рўзғор ишларида ҳам кенг фойдаланилган. Воҳа ёдгорликларидаги пичоқлар тиғининг кесими учбурчакли, понасимон, икки тиғли ва кичик ўлчамдаги шакллари учрайди. Пичоқлар фойдаланиши ва шаклига кўра 3 хилга ажралади.

*I шакл.* Универсал - хўжалик пичоқлари. Бир тиғли пичоқлар, тиғи кесими учбурчак ёки понасимон тарзда, дастаси ёғоч ёки суякдан ишланган. Пичоқлар елка қисми бир оз қалин ясалган (29;30-расм). Бундай пичоқлар VIII аср Тўк-қалъа, Куюк-қалъа, Бургут қалъа воҳаси 28,30, 92-сонли кўрғонлар, Якка-Парсон, XI-XIII асрлар боши Қават-қалъа, Гулдурсин қалъа, кишлоқ маконлари, XIII-XIV асрлар Жампик қалъа, Миздакхон маҳаллалари, Шемаха қалъа, Шехрлик, Кўҳна-Урганч, Пулжой, Талайхон-Ота, Ажигелди, Қўшбулоқ карвон саройлари ва бошқада ёдгорликлардан топилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбек совет энциклопедияси. –Тошкент, 1976. Жилд. 8. –Б.564.

<sup>2</sup> ҚДЎМ. Миздакхон. Кп.8951/2, инв393;Кп 8653 инв. 353;Кп 8951/9.инв381; Кп 8951/11инв383; Кп 8951/6 инв. 378; Кп 8952/2 инв422; Кп 8952/1 инв. 421;Кп 8951/7 инв379; Кп 2836/7 инв. 25; ҚРСМ. Қават қалъа. Кп 39179. инв.206; Кп 3772/697. инв. 1587; Гулдурсун. Кп. 42864. инв. 1528; Гудкова А.В. Ток кала. –Ташкент: Фан, 1964. –С. 54. –рис. 12,9-10; Неразик Е.Е.Сельские поселения афригидского периода. ... -С. 94; Неразик Е.Е. Раскопки Якка- Парсана. // МХЭ. -М.: Наука, 1963. -вып.7. –С. 29. -Рис. 13,7; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... -С. 110-111. –Рис. 63,1-4; Доспанов О. Т. Жампик кала- орта эсир естелиги. ... –Б.70; Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемаха кала Туркменский ССР. ... –С. 180. –рис. 5,3; Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. ... –С. 51. –рис. 6,9-10; Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала XV-XVII вв. на городище Ташкала. // ТХАЭЭ. -М.: Наука, 1958. –С. 526; Кдырнязов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. ... –С. 150. -рис. 12, 2; Вишневская О.А. Раскопки караван-сараев Ак-Яйла и Талайхан Ата. -С. 460; Манылов Ю.П. Археологические исследования караван-сараев Центрального Устюрта. -С. 115. –Рис. 8,5,6,32,34.

Уларга ўхшаш пичоқлар Қаялик, Талгар (X-XIII асрлар), Ўтрор, Олтин Ўрда шаҳари Янги Сарой (XIII-XIV асрлар) ва бошқа Евросийнинг ўтроқ ва дашт минтақалари ёдгорликларида кенг тарқалган<sup>1</sup>.

Воҳа ёдгорликларидаги пичоқлар ўртача узунлиги 13-33 см, эни 1.5-3,5 см, дастаси 1-4 см, юқори қалинлиги 0,5-2 см (иловада 10-11- жадваллар). Ушбу пичоқлар ҳажмига кўра ҳар хил мақсадларда фойдаланилган. Рўзгор ишларида асосан 20 см га қадар узунликдаги пичоқлар ишлатилган бўлса, ханжарсимон пичоқлар (20-33 см) ҳимояланиш ва хўжалик ишларида фойдаланиш учун ҳар доим эркаклар белбоғларига осиб ўзлари билан бирга олиб юришган (30-расм). Бу анаъна XX аср бошларига қадар давом этган.

*II шакл.* Икки тиғли, кесими ромбасимон пичоқлар (31,1,2,3-расм).

XIII-XIV асрлар Шахрлик, Жампик қалъа, Миздакхон ёдгорликларидан қайд қилинган<sup>2</sup>. Жанпикқалъадаги пичоқнинг сақланган узунлиги 14 см, эни 2 см га тенг (31,1-расм). Миздакхон маҳаллаларида пичоқ узунлиги 18 см, эни 2 см, дастаси 2,5 см га тенг (31,2,3-расм). Асосан ҳарбий мақсадда ва хўжалик ишларида ишлатилган.

*III шакл.* Бола пичоқлар кичик ўлчамда, кесими учбурчак тарзли, ён томонлари текис ясалган (31,4,5,6,7-расм). XIII-XIV асрлардаги Жанпикқалъа, Миздакхон маҳаллаларидан топилган<sup>3</sup>. Миздакхон маҳаллаларидаги биринчи пичоқ узунлиги 5 см, эни 1,3 см, дастаси 1 см (31,6-расм), иккинчи пичоқ узунлиги 6,5 см, эни 2 см га тенг (31,7-расм).

Уларга ўхшаш пичоқлар Хоразмда антик даврдан маълум<sup>4</sup>. Уларнинг узунлиги 5,7 см, тиғи энига 1,1 см, дастаси 1,8 см га тенг.

<sup>1</sup> Савельева Т.В, Зиняков Н.М, Воякин Д.А. Кузнечное ремесло Северо-Восточного Семиречья. - Алматы, 1998. -С.42-43; Савельева Т.В, Воякин Д.А. Изделия из железа средневекового Талхира // Известия МН и ВО РК, НАН РК. –Сер. общ. наук. –Алматы, 1999.-№ 1.-С.88-89; Воякин Д.А, Савельева Т.В. Изделия из железа средневекового Каялыка // Известия МОН РК, НАН РК. –Сер. общ. наук. 2000. -№1. -С.157; Акишев К.А, Баипаков К.М., Ерзакович Л.Б. Отрар в XIII-XV веках. ... -С.69.-Рис.1-6; Федеров-Давыдов Г.А, Вайнер И.С, Мухамадиев А.Г. Археологические исследование Царевского городища (Новый Сарай). ... -С.166.-Табл.V,17.

<sup>2</sup> Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. ... -С.51. -рис.6,10; Кдырниязов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. ... -рис.11,2; Доспанов О. Т. Жампик қала- орта эсир естелиги. -Б.70.

<sup>3</sup> ҚДҰМ. Миздакхан. Кп. 6945/8. инв. 8; Кп. 6945. инв. 6/18; Кп. 6549/20. инв. 6/20.

<sup>4</sup> Кой-крылган-кала памятник культуры древнего Хорезма. ... -С. 158. –рис 63,3.

Бизнингча бола пичоқлардан асосан рўзғорда мева ва сабзавотларни тозалаш каби майда ишларни бажаришда шунингдек, бешикдаги чоқалоқнинг бошига қўйиш фойдаланилган. Бу анаъна халқимизнинг қадимий удумларидан бири ҳисобланади.

Ўрта асрлар Хоразм пичоқлари ясашиши, тузилиши, безатилиши, дастасининг сопланишига кўра этнографик материаллардаги каби бир нечта шакллари эга бўлган. XI-XII асрлардан пичоқсозлик ихтисослашган соҳа сифатида фаолият кўрсата бошлаган бўлиши керак.

*Қайчилар.* Ўрганилаётган даврда қайчиларнинг фойдаланиши ва тузилишига кўра: пружинали ва ошиқ-мошиқ шаклидаги турлари мавжуд. Пружинали қайчилар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ёдгорликларида мелодий I асрдан илк ўрта асрлар давомида кенг учрайди<sup>1</sup>. Мутахассислар пружинали қайчиларни «қадимги давр саркити бўлиб, темир давридан маълум ва чорвачиликда қўй жунини қирқиш жараёни билан боғлиқ» деб ҳисоблайди ва кўчманчилар ёдгорликларида кенг тарқалган<sup>2</sup>.

Ошиқ-мошиқ шаклидаги қайчилар қадимги Римда мил.ав. I аср, Эронда III-IV асрлардан маълум<sup>3</sup>. Хоразмда бундай қайчилар X-XI асрлар Жигарбант, XIII-XIV асрлар Миздакхон маҳаллалари, Талайхон-ота ва Ажигельди карвон-саройидан топилган (32,1,2,3,4-расм)<sup>4</sup>. Қайчиларнинг карама-қарши томонлари марказидан бронза мих билан ковширланган. Улар бир-биридан ҳажми ва дастасининг ўзгачаликлари билан фарқланади. Жигарбант, Талайхон-ота ёдгорликларидаги қайчилар дастаси доирасимон

<sup>1</sup> Восточный Туркестан в древности иранском средневековье. Хозяйство, материальная культура. –М., 1995. – С.172-173.

<sup>2</sup> Иванов В.А, Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале. –М.: Наука, 1988. –С.14. –рис.3,4.

<sup>3</sup> Литвинский Б.А., Седов А. В. Культы и ритуалы Кушанской Бактрии. –М., 1984. –С.58.

<sup>4</sup> Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. –М., 2001. –С.89. –рис.37,8; ҚДЎМ. Миздакхон. Кп. 8951/10, инв. 10; Вишневская О.А. Раскопки караван-сараев Ак-Яйла и Талайхан-ата // ТХАЭЭ. –М., 1958. Т. II. –Рис. 13,8; Манылов Ю.П. Археологические исследование караван-сараев Центрального Устюрта. ... -116 с. –рис.8,12.

узунлиги 14-15 см. Ажигельди карвон-саройи ва Миздакхон маҳаллаларидаги қайчилар узунлиги эса 20-22 см, тиғ қисмлари энига 1,2 - 2,5 см.

Ошиқ-мошиқ шаклидаги қайчилар Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шарқий Европа, Волга бўйи Булғорияси худудларидаги кўчманчилар ёдгорликларида XI асрдан одатий топилмаларидан биридир<sup>1</sup>.

Замаҳшарийнинг «Муқаддиматул адаб» асарида (1137 йил ) Хоразмда пўлод қайчилар мавжудлиги таъкидланади<sup>2</sup>.

Ўзбек халқи этнографик материалларда жун қайчи, мис қайчи, латтабур қайчи (тикувчиликда), пўлат қайчи, дукарт (сартарошликда) ва бошқа турлари маълум (32,6-расм)<sup>3</sup>. Ушбу қайчилар барчаси ошиқ-мошиқ шаклида ясалган. Металлсозлик соҳаси бўйича мутахассис Б.А.Колчин таъкидлашича, пружинали қайчиларни тайёрлашдан кўра, ошиқ-мошиқли қайчиларни тайёрлаш жараёнлари оддий ва кам меҳнат талаб этган<sup>4</sup>.

Демак, таъкидлаш лозимки, Хоразмда X-XI асрлардан ошиқ-мошиқ тузилишидаги қайчилар кўплаб тайёрланган ва этнографик манбалардаги каби турлари шаклланган. Буни, биз ёдгорликлардаги қайчилар ҳажми, ўзгачаликлари ва ёзма манбалардаги маълумотларда кўришимиз мумкин.

*Кулф ва калитлар.* Эшик, дарвоза, сандиқ, жовон кабиларни беркитиш учун металлдан ясалган асбоб. Ўрта Осиёда дастлабки пружинали кулфлар VIII аср бошидаги Панжакент ва Афросиёб ёдгорликларидан аниқланган<sup>5</sup>. В.И.Распопова таъкидлашича, илк пружинали кулфлар Ҳиндистондаги V асрга оид Таксила ёдгорлигидан қайд қилинган.

<sup>1</sup> Степи Евразии в эпоху средневековья // Археология СССР. -М.: Наука, 1981. -С.245. -Рис.72,28-29; -С.259. -рис.82/39; -С.254. рис.78/27; Иванов В.А, Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII-XIV вв.). -М.: Наука, 1988. -С.15. -рис.3,3,13-14,21; Федоров-Давыдов Г.А, Вайнер И.С, Гусева Т.В. Исследование трех усадеб в восточном пригороде Нового Сарая. ... -С.117.-Табл.IV,1; Мажитов Н.А. Южный Урал в XII-XIV вв. -М.: Наука, 1977. -С.200. -Табл.1,372.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Фарғона шевалярининг касб-хунар лексикаси. ... -Б.93.

<sup>3</sup> Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий ....-С.25.

<sup>4</sup> Колчин Б.А. Черная металлургия и металлообработка в древней Руси. (Домонгольский период) // МИА.- вып.32. -М.: Наука, 1953. - С. 82-85.- Рис. 42-43.

<sup>5</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. ... -С.126-127.

Хоразмда дастлабки темир калит ва қулф Жигарбантнинг XI асрга оид қатламларидан топилган<sup>1</sup>. Мазкур ёдгорликдаги цилиндрсимон шаклдаги пружинали қулф юзасидаги мис занглари, унинг бронза қоплама билан қопланганлигидан далолат беради. Ёдгорликдаги калит тўғри бурчак тарзли кесилган стержень шаклида, барча томонлари бурчак тарзида қайрилган, охири иккита тишча билан яқунланган, дастаси томчисимон йўғон ясалган. Узунлиги -12,5 см, эни 2,5 см (33,1-расм).

Пружинали қулфлар ва темир калитлар XIII-XIV асрлар Ажигелди ва Қўшбулоқ қарвон саройларидан, Миздакхон маҳаллаларидан ҳам топилган<sup>2</sup>. Ажигелди қарвон саройидаги пружинали темир қулф цилиндрсимон «Г» қолипида ясалган (33,1-расм). Калитлар охириги учлари иккита тишча тарзли тўғри бурчакли стержен (XI-аср); тўғри бурчакли стержен (XIII-XIV асрлар); миниатюралари мис калитлар (33,2,3,5-расм).

Уларга ўхшаш қулф ва калитлар Ўрта Осиёда Афросиёб (VIII аср), Бинкат ва Қанғ (IX-XII асрлар), Ак-Бешим (IX-X аср), Туркменистондаги Дехистон ёдгорликларидан аниқланган<sup>3</sup>. Шунингдек, бундай қулфлар XI-XIV асрларда қадимги Русда, Волга буйи Булғориясида ва Олтин Ўрда шаҳарларида ҳам кенг тарқалган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. –М., 2001. –С.90. –рис.37,5.

<sup>2</sup> Маньлов Ю.П. Археологические исследование караван-сараяв Центрального Устюрта. ...-С.115. –рис. 8,9,27;

Туребеков М.Т. Раскопки жилого массива гончаров средневекового Миздахкана //АП. - Нукус, 2003. –вып. VI. –С.77; Кдырнязов М-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв. ... –Альбом. –рис. 109,3.

<sup>3</sup> Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. –М., 1973. –С. 79-80; Кызласов Л.Р. Исследования на городище Ак-Бешим 1953-1954 гг. // Труды КАЭЭ. –М., 1959. Т.2.; // ТКАЭЭ, 1959. Т. 2. –С. 255. –Рис. 48,9; Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи. Тошкент, 2009. –Б. 15.; Богомолов Г.И., Гендельман П.И. Бытовые металлические предметы с городища Канка // История материальной культуры Узбекистана (ИМКУ). Ташкент, 1991. –вып. 25. – С. 138-140. –Рис. 1, 28-31; Атагарьев Е.А. Средневековый Дехистан. –Л., 1986. –С. 130. –рис. 46.

<sup>4</sup> Колчин Б.А. Черная металлургия и металлообработка в древней Руси. (Домонгольский период) // МИА.- вып.32. –М.: Наука, 1953. – С. 82-85.- Рис. 42-43; Авдусин Д.А. Археология СССР. –М.: Высшая школа, 1977. –С. 254. –Рис. 116, 17; Валеев Ф.Х. Древнее и средневековое искусство Среднего Поволжья. МарПТИ, Н. и сектор. Йошкар-Ола: Мар. Кн. Изд-во, 1975. –С. 91. –рис. 33; Смирнов К.П. Волжские Булгары.- М.: ГИМ, 1951. –114 с; Федоров-Давыдов Г.А., Вайнер И.С., Гусева Т.В. Исследование трех усадеб в восточном пригороде Нового Сарая (Царевского городища) // Города Поволжья в средние века. –М., 1974. –116 с. –табл. III, 8, 10-11.

И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи фондларида Хоразм ёдгорликларидан топилган тузилиши замонавий кулфларга ўхшаш темир кулф ва мис калит сақланмоқда (33,4,5-расм)<sup>1</sup>. Кулф тўғри бурчак тарзида, баландлиги 5,2 см, ён томонлари энига 2,5 см, қалинлиги 1,3 см га тенг. Мис калит баландлиги 2,9см, тухумсимон юқори қисми «зиг-заг» тарзли безатилган, эни 1,4 см, қалинлиги 0,3 см га тенг (33,5-расм). Ўрта Осиёда ўрта асрларда бундай мис калитлардан фойдаланилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд<sup>2</sup>.

Манбаларда X асрдан Хоразмда тайёрланган кулфлар ташқи савдога чиқарилиши, XII асрда эса ихтисослашган касб сифатида эътироф этилади<sup>3</sup>.

Таъкидлаш жоизки мазкур маълумотлар таҳлили, Хоразмда X асрда кулфсозлик ихтисослашган соҳага айланган деган хулосага олиб келади.

*Темир занжирлар.* Турли мақсадларда фойдаланувчи занжирлар Қават-қалъа (XII-XIII асрлар боши), Миздакхон (XIII-XIV асрлар) ёдгорликларидан топилган<sup>4</sup>. Қават-қалъадаги эллипс шаклидаги (9,5x1,5 см) халқага айланасимон (3,5x0,7 см) халқа бириктирилган (34,4,5-расм). Миздакхон маҳаллаларидаги занжир халқалари эса 6x5 см га тўғри келади.

Уларга ўхшаш занжирлар Олтин Ўрда шаҳри Янги Саройда учрайди<sup>5</sup>. Этнографик материалларда темир занжирларнинг қўйидаги турлари мавжуд: занжир; босмазанжир – темирчилик ўчоғидаги дам ёғочининг учига боғланади, буни дамгар ушлаб, дам ёғочни ерга босади; осмазанжир - бу билан дам ёғочни шипга осилади; кишанкулф занжир-кишанкулфни отнинг оёғига солинган халқа билан бириктирувчи занжир қисми<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> ҚРСМ. Кп. 40927. инв. 1463; Кп. 22889. инв. 247.

<sup>2</sup> Ставиский Б.Я. Медный ключ из Кулдор-тепе // Краткие сообщения Института археологии АН СССР (КСИЭ). –Москва, 1958. вып.30. –С.88-92.

<sup>3</sup> МИТТ. Т.1. –С. 202.

<sup>4</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Кп. 44904. инв 2024; ҚДЎМ. Миздакхон. Кп. 8951/44. инв. 416.

<sup>5</sup> Федоров-Давыдов Г.А., Вайнер И.С., Мухамадиев А.Г. Археологические исследования Царевского городища. –С.165. –Табл. IV.18.

<sup>6</sup> Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий. .. –С.12; Этнография каракалпаков ....–С.154.

Демак, ёдгорликлардаги занжирлар шаклининг ўхшашлигига кўра этнографик материаллардаги каби босма занжир ёки осма занжир вазибаларини бажарган бўлиши мумкин.

Шунингдек, Қават-қалъа ёдгорлигидан кулфнинг ёрдамчи воситаларидан бири темир зулф топилган<sup>1</sup>. Зулф баландлиги 5,5 см, энига 3 см, қалинлиги 0,5 см (34,6-расм). Занжир ва кулфни ўзаро боғлаш мақсадида дарвоза ёки эшик ромига зулф темир халқа билан бириктирилиб қоқилган.

*Михлар.* Дурадгорлик ва меъморчиликда кенг қўлланиладиган темир михлар XII-XIII аср боши Қават қалъа, Миздакхоннинг XIII-XIV асрлар маҳаллалари ва қишлоқ ёдгорликларидан кўплаб топилган<sup>2</sup> (Иловада 8-жадвал, 35-расм). Михларнинг бошидаги қалпоқ қисми айлана, тухумсимон, тўғри эмас тўрт бурчак тарзида думбоқланган ва уч қисми узун учқирли ясалган, ҳажми ҳар хил. Миздакхон ёдгорлигидаги михларнинг ўртача узунлиги 5-12,5 см га, кесими диаметри 1-1,5 см га тенг. Ёдгорликда найзасимон михлардан ташқари, бошидаги қалпоқ қисм «Г» ва кесмида «S» ҳарфлари тарзидаги қайрилган михлар учрайди<sup>3</sup>.

Михларнинг хилма-хил шакллари Ўрта Осиё ва Олтин Ўрда шаҳарларида кўплаб учрайди<sup>4</sup>. Хоразм этнографик материалларида «арава мих», «гульмих» каби турлари мавжуд<sup>5</sup>. «Арава мих» арава ғилдиракларини, «гульмих» дарвоза ва эшик ромларини ясашда фойдаланилган. Михлар одатда икки усулда қуйма ва сўқма тайёрланган. Қуйма михлар тайёрловчи қолиплар бўлган. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида мих тайёрлаш XVI

<sup>1</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Кп 39185. инв 212.

<sup>2</sup> ҚДЎМ. Миздакхон. Кп. 1334/10 инв. 382. ; Кп. 6945/1-20. инв. 6/3; Вактурская Н.Н и Вишневецкая О.А. Памятники эпохи Великих Хорезмшахов....-С.159.

<sup>3</sup> Қдырнийазов М.-Ш, Турганов Б. Железные изделия из средневекового Миздакхана. // Вестник ККО АН РУз. –Нукус, 2007. -№4. -С. 82-85.

<sup>4</sup> Беленицкий А.М, Бентович И.Б, Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. –Москва: Наука, 1973. -С.79. -Рис.47,1; Федоров-Давыдов Г.А, Вайнер И.С, Гусева Т.В. Исследование трех усадеб в восточном пригороде Нового Сарая ( Царевского городища). ... -116 с. -Табл. III,4.

<sup>5</sup> Джабборов И.М. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX- начале XX в. ...-С.82,84.

асрдаёқ ихтисослашган соҳа сифатида таъкидланади<sup>1</sup>. Мих тайёровчи хунарманд «михчегаран» деб аталган.

Археологик объектларда михларнинг кўплаб топилиши унга ўрта асрда эҳтиёжнинг зарурлигидан қурилиш ишлари ва маиший талаблар асосида темирчиликда ихтисослашган гуруҳларнинг вужудга келишига олиб келган.

*От-улов анжомлари.* Хоразмнинг Бургут қалъа воҳасидаги Амиробод маданияти маконлари (мил. ав. XI-VII асрлар), Кўзалиқир (мил. ав. VI-Vасрлар) ёдгорликларидан сувлиқ қолипи, бронзадан ясалган от-улов анжомлари топилган<sup>2</sup>. Бу эса Хоразмда сўнгги бронза давридан от-улов анжомларини тайёрлаш йўлга қўйилганлигидан гувоҳлик беради.

Ўрганилаётган даврга келиб сувлиқ, узанги, тақа, қуюшқон, тўқа, халқа каби от-улов анжомларини ишлаб чиқариш бир қанча такомиллашган ва бир қисми ташқи савдога чиқарилган. Бу ҳақида ал-Муқаддасий (X аср), ан-Нувейри, ибн Абда-Захрлар (XIII-XIV аср) таъкидлашича, Хоразмда тайёрланган «олтин ва кумуш сувларида ишлов берилган эгар-жабдук, жуган-сувлиқ» каби анжомсозлик буюмларнинг ташқи савдога чиқарилган<sup>3</sup>. Этнографик материалларда от-улов анжомларини ишлаб чиқарувчи анжомсозларнинг маҳсулот тайёрлаш жараёнлари ёритилган<sup>4</sup>.

Анжомсозлик буюмлардан бири от оғзига солинадиган сувлиқ бўлиб, темир ёки жездан ясалган. Воҳа ёдгорликларида иккита шаклли учрайди.

*1 шакл.* Хоч ёки перпендикуляр тарзли қаламчалар бошидаги халқалар ёрдамида бир-бирига туташтирилган (36,5-расм). Устюрт текислигидаги «камон ўқисимон қурилиш»нинг Жаринқудук-14 гуруҳидаги 2 кўрғон қабридан топилган<sup>5</sup>. Г.А.Федоров-Давыдов томонидан Шарқий Европа

<sup>1</sup> Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. ... -С. 106-107.

<sup>2</sup> Сабурова М. А. Литейная форма из Хорезма // СА. –Москва, 1964. -№1. -С.304-307. -Рис.1-3; Тереножкин А.И. Бронзовый псалий с городища Кюзели-Гыра в Хорезма // КСИЭ. –Самарканд, 1958. -№XXX. –С.34-39.

<sup>3</sup> МИТГ. -М-Л.,1939. Т.1. -С.202; Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. -СПб., 1884. Т. I. -С.60,100,152.

<sup>4</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларнинг касб-хунар лексикаси. ... –Тошкент, 1959. –Б.117-118.

<sup>5</sup> Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта // Археология приаралья. –вып.V. -Ташкент, 1991. -С.139. -рис.53,6.

кўчманчилар ёдгорликларидан топилган бундай сувлиқлар тасниф қилинган<sup>1</sup>. Хоразм ёдгорликларидаги сувлиқлар Б гуруҳининг IV шаклига (II шакл Хоразм) ва Д гуруҳи Г II-III шаклларига (I шакл Хоразм) киради. Ўхшаш сувлиқлар Панжикент (VII-VIII аср), Шарқий Европа ва Жанубий Урал (XII-XIV аср) ва Сибир (IX-X аср) ёдгорликларида учрайди<sup>2</sup>.

Сувлиқнинг бундай шакллари илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва Шарқий Европа худудларида кенг тарқалган бўлишига қарамасдан аста-секин кейинчалик ўз аҳамиятини йўқолитган.

*II шакл.* Тўғри қаламчанинг иккала ён томони халқа шаклида ясалган (36,2-расм). Иккита халқасимон қаламчаларни бирлаштиришдан сувлиқ ҳосил бўлган. Миздакхон мажмуаси XII-XIII асрлар бошидаги Гавур қалъадан топилган<sup>3</sup>. Унга ўхшаш сувлиқлар Марказий Осиё ва Шарқий Европа кўчманчилари ёдгорликларида учрайди<sup>4</sup>. Сувлиқларнинг этнографик материаллардаги анаънавий турлари икки қисмдан иборат: эркак ва урғочи, ҳар иккаласи биргаликда нар-мода деб аталади. Эркаки тўғри бўлиб, халқаси очик бўлади ва урғочисининг халқасига туташади<sup>5</sup>. Урғочи сувлиқ бироз эгилган ва халқаси ёпик бўлади. Демак, Гавур қалъа ёдгорлигидаги сувлиқ урғочи сувлиқ ҳисобланади. Жуган қисмлари яна: халқа (қайишга қадаш учун), узма (бу халқага туташади); тўқа (жуганнинг томоқдаги кўшбош ва якка бош номли чарм қисмларига тушади); узук (жуганнинг икки четига-тўқанинг тепасига, қайишни ушлаб туриш учун қадалади); ойчик жуганнинг бурнини кўтариб (от тумшуғига туширмай) туриш учун бу жуганнинг жағига қадалади.

<sup>1</sup> Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов... -С.17. -рис.2,Б1.

<sup>2</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. .. -С.100. -рис.70,1; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов... -С.17..Мажитов Н.А. Южный Урал в XII-XIV вв. .. -С. 196-Табл.1,287; Степи Евразии в эпоху средневековья... -С.135.-рис.27,62.

<sup>3</sup> Фонд. ОА ККОАН РУ. Гк. Р. 2, пл. размер 1, кв.12.

<sup>4</sup> Степи Евразии в эпоху средневековья //Археология СССР. –М.: Наука, 1981. -С.167. -Рис.52,68,106,111: Культура Биляра. -С.195,196.-Табл.LXIV,1,3; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью Золотоордынских ханов. –М.: МГУ, 1966. -С.17. -рис.2. ГIV, г, в.

<sup>5</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларнинг касб-хунар лексикаси. ... –Б. 118-119.

*Тўқа.* Анжомсозликда – камар, айил, узанги боғи, тиркиш кабиларнинг учи уланадиган доира ва ярим доира шаклидаги халқалар (36,1,9-13-расм). У нарсаларнинг учини тўқадан ўтказиб, тўқанинг тилини уларнинг тешигига солиб, тортиб маҳкамланади. Хоразмнинг VII-VIII асрлар, XI-XIII асрлар боши ва XIII-XIV асрлар ёдгорликларидан бир неча хил тўқа турлари аниқланган<sup>1</sup>. Бургутқалъа воҳаси VII-VIII асрларга оид тўқа баландлиги 5 см, эни 4 см, тили узунлиги 7 см бўлса, XIII-XIV асрлар тўқаларнинг ўртача ички қисми диаметри 3-4 см, баландлиги 4-4,7 см, эни 3,8-4,2 см, қалинлиги - 0,4-0,6 см га тенг (36,9,10,13-расм). Бундай тўқалардан камар ва айил тўқа сифатида фойдаланилган. Катта ҳажмдаги тилсиз тўқалар от-уловларга арава тиркашда ишлатилган (36,1,11,12-расм). Уларга ўхшаш тўқа шакллари этнографик манбаларда учрайди ва қўйидагича номланади: тиллик тўқа, тилсиз тўқа, айил тўқа, қайиш тўқа, тиркиш тўқа ва бошқада<sup>2</sup>.

*Узанги.* Анжомсозликда- одам оёғини қўйиб, отга, хачир ва эшакка узаниб миниши, сўнг оёқни тираб бориши учун темирдан халқасимон тарзда ясалган мослама. Буни биттадан қайишга боғлаб, эгарнинг икки томонига тушириб олинади. Узангилар Хоразмнинг кўчманчилар ёдгорликларидаги Жаринқудуқ-14, Қазған-2, Қазған-4 мазор қўрғонларидан топилган (37-расм). Тадқиқотчи В.Н. Ягодин томонидан бешта шаклга ажратилади<sup>3</sup>.

Уларга ўхшаш узангилар Қозоғистондаги Тасмола (XII-XIV аср), Ждановка (XII-XIV аср) ва Жанубий Урал кўчманчилари (XII-XIV аср) ёдгорликларида учрайди<sup>4</sup>. Қозоқ халқи этнографик адабиётларида узангиларнинг эволюцион ривожланиш динамикаси кўрсатилган (расм.35).

<sup>1</sup> ҚДЎМ. Бургут-қалъа. Кп.744. инв.203; Қдырнийазов М.-Ш, Турганов Б. Железные изделия из средневекового Миздахкана // Вестник ККО АН РУз. –Нукус, 2007. -№4. -С. 82-85.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1959. -Б.370.

<sup>3</sup> Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта. ... -С.155-157. рис. 49, 1,2; 53, 8 а, б.; 55, 1,2.

<sup>4</sup> Хозяйство казаков на рубеже XIX-XX веков. -Алма-Ата: Наука, 1980. -С. 52-53.- рис. 5; Иванов В.А., Кригер В.А. Кургаены кыпчакского временны на Южном Урале (XII-XIV вв.). –М.: Наука, 1988. - С. 9.- рис. 1,1.

Темир узангилар Марказий Қозоғистон худуди Нурманбет I (VI-VII аср) ва Егиз Қайтас (VI-VII аср) ёдгорликларидан аниқланган.

*Тақа.* От, хачир ва эшакнинг оёғига қоқиладиган темир пошна. Хоразм ёдгорликларидаги тақа узунлиги 8,5 см, эни 6,8 см, қалинлиги 0,5, йўллари кенглиги 1,5 см<sup>1</sup> (36,8-расм). Тақада фақат битта мих сақланган. Тақачилар тақани ҳайвоннинг қандай тури учун ясашларига кўра, от тақа, эшак тақа ва хачир тақа номи билан гуруҳларга бўладилар. Этнографик материалларда тақанинг қўйидаги турлари мавжуд: йил мавсумига кўра: ёзлик тақа, қишлик тақа, музлик тақа; отнинг ҳолатига кўра: ялла тақа, пошналик тақа, батарин тақа; келиб чиқишига кўра: ўзбек тақа, хитой тақа, русча тақа<sup>2</sup>.

*Шундай қилиб, биз диссертациямизда* темирчилик маҳсулотлари таснифи, ўрта асрларда Хоразм темирчи усталари томонидан хилма-хил буюмлар ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлайди. Меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, от-улов анжомлари талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда бозор учун кенг кўламда ишлаб чиқарилган. Асосан, икки қулоқли Хоразм бели (III-шакл), шунингдек бел капчалар (IV-шакл) ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўрганилаётган даврга оид археологик топилмаларнинг аксарияти XI-XIV асрлар ёдгорликлари хиссасига тўғри келади (1-жадвал). Маълумки, бу даврларда Хоразмда шаҳар маданияти ва хунармандчилик соҳалари олдинги даврларга нисбатан тараққий қилган. Бунга савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши, деҳқончиликнинг ривожланиши, мустақил Хоразм давлатининг (XI-XIII асрлар боши) иқтисодиётидаги ютуқлари, хунармандчиликнинг кўплаб соҳалари қаторида *темирчиликнинг* тадрижий равишда тараққий қилишига ва маҳсулот турларини кўпайишига ижобий таъсир кўрсатган асосий омиллардан бўлди.

<sup>1</sup> Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи (ҚРСМ) Кп.3772/10. инв.33.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. ... -Б.116-117.

Ёзма манбаларда X асрдан воҳада қулфлар ташқи савдога чиқарилиши, XII асрда эса ихтисослашган соҳа сифатида таъкидланади. Воҳада XI асрдан асосан ошиқ-мошиқ шаклидаги қайчилар кенг тарқалган.

## 2.2. Ҳарбий қурол-аслаҳалар

Хоразмликларнинг ҳарбий салоҳияти ва санъати, қурол-аслаҳалари тўғрисидаги маълумотлар ёзма манбалар, баъзи археологик топилмалардаги тасвирларда акс эттирилган. Аҳомонийларнинг Персопол шаҳри Ападана тоқчасидаги (мил. авв. 520-450 йиллар) бўрттирма суратда 23 сатрапликнинг ўлпон тўловчилар қаторида хоразмликлар от ёнида калта қилич (ақинак) билан қуролланган ҳолда тасвирланган<sup>1</sup>. Бу эса воҳада қадимдан отлардан жанговор мақсадларида ва транспорт воситаси сифатида фойдаланганлигини кўрсатади. Қадимги ва антик давр ёдгорликлари Қуйқирилган қалъадаги хумда найза кўтарган, Хумбузтепадаги сопол сувдонда эса зирҳли суворий тасвирланган<sup>2</sup>. Шунингдек, Тупроққалъадан (8-хона) топилган жангчи ҳайкалчаси хоразмликлар антик даврдаёқ тангали совутлардан фойдаланганлигидан гувоҳлик беради<sup>3</sup>. Илк ўрта асрлар (VII-VIII аср) Хоразм кандокарлик санъатининг ажойиб намуналаридан Анникова кишлоғидан топилган кумуш лагандаги суворийларнинг қасрни ишғол қилиш манзараси қалқон, совут, қилич, найза, камон каби қурол-аслаҳалар шакллари ҳақидаги тасаввурларимизни тўла ҳосил этади (45,2-расм)<sup>4</sup>. Хоразмда Африғийлар (IV-X аср), Кердер маданияти (VII-XI аср) ва XIII-XIV

<sup>1</sup> Авдиев В.И. История древнего Востока. -М., 1953.-С.312.

<sup>2</sup> Кой-қрылган-кала памятник культуры древнего Хорезма. ... -С. 203. -рис 75,3; Мамбетуллаев М.М. Рельефное изображение всадника на керамической фляге из Хумбузтепе // СА. -Москва, 1977. -№3. -С. 30; Мамбетуллаев М.М. Хумбуз тепе-керамический центр южного Хорезма // АП. -Ташкент, Фан, 1984. -вып. II. -С.30. -рис. 7;

<sup>3</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. -М.: ИВЛ, 1962. -С. 213; Топрак кала. Дворец. ... -С. 101-109.

<sup>4</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. -табл. 86; Тереножкин А.И. К истории искусства Хорезма. Рельеф «сассанидского» блюда и архитектурные памятника Хорезма // Искусство. -М., 1939. -№ 2. -С.121-126.

асрлар Хоразм-жўжи тангаларида ҳам зирҳли суворий тасвирлари учрайди<sup>1</sup>. XII-XIII асрлар бошига оид Қават қалъадан топилган бронза тўқада орқасида катта камон, ўнг қўлида ов куши ва чап қўлига гурзи тутган суворий тасвирланган (59,1,2-расм)<sup>2</sup>.

Мазкур археологик материаллар қадимги ва ўрта асрларда Хоразм қўшинининг асосий қисмини суворийлар ташкил этганлигидан гувоҳлик беради. Суворийлар камон, қилич, найза, гурзи каби ҳарбий қуроллар ва қалқон-совут каби ҳимоя аслаҳаларидан фойдаланишган.

Ёзма манбаларда (X аср), «Хоразмликлар нафақат моҳир савдогар ва саёҳатчи, балки кўркмас ва ботир жангчилар, қўшни ўғуз қабилалари билан муафакятли уруш олиб борадилар» дея таъкидлайди<sup>3</sup>. Истаҳрий (930-933 йиллар) маълумотларига кўра, «улар (хоразмликлар-Т.Б.Қ) ўғузлар билан мардларча жанг қиладилар ва уларга буйсунмайдилар». Ўша даврнинг яна бир муаллифи ал-Мақдисий (X аср) ушбу маълумотларни тўлиқтириб, «улар (хоразмликлар-Б.Т.Қ) меҳмондўст, ботир ва моҳир жангчи», шунингдек «Худуд ал-Алам» асари муаллифи «Кат шаҳри аҳолисини курашда содиқ ҳарбийлар» дея таърифлайдилар.

Абу Райхон Беруний «Кузги мавсумдаги Фагбурия байрамида Хоразм шоҳи ўз қароргоҳидан чиқиб анъанавий ўғузларга қарши қишки юришга тайёрланади ва ўз чегара худудларидан улоқтириб ташлайди»деб ёзади. Хоразм цивилизациясининг йирик тадқиқотчиси С.П.Толстов, «ўғузлар билан уруш X асрдан хоразмликлар учун одатий анъана, ҳаттоки дастур сифатида урфга айланган» деб кўрсатади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ваинберг Б.И. Удельный чекан раннесредневекового Кердера // Антропология и культура Кердера. – Ташкент: Фан, 1970. -С.119. -рис. 3,5; Ваинберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. -М.: Наука, 1977. -табл. XXIV, XXX; Федоров-Давыдов Г.А. Нумизматика Хорезма Золотоордынского периода // Нумизматика и эпиграфика (НЭ). -М.: Наука, 1965. -Т.V. -С.194. –табл. V, 46.

<sup>2</sup> Манылов Ю.П. Бронзовая накладка со сценой охоты из Хорезма // Этнография и археология Средней Азии. -М.: Наука, 1979. -С.86-88. –рис. 1

<sup>3</sup> МИТТ. Т. I. –С. 180,185, 216. Толстов С.П. По следам древнеХорезмийской цивилизации. ... –С. 244.

<sup>4</sup> Толстов С.П. По следам древнеХорезмийской цивилизации. - М.: изд. МГУ, 1948. –С. 244.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хоразм давлати кўшни кўчманчи қабилаларнинг босқинчиликларидан ҳимояланиш ва уларга зарба бериш мақсадида хужумлар уюштириб туришган. Ушбу омиллар ўрта асрларда Хоразмда ҳарбий соҳа ва қурол аслаҳаларнинг такомиллашувига олиб келган. Ташқи душман ва кўчманчиларнинг босқинчилик хавфи ўтроқ деҳқончилик маданиятли давлатларда ҳарбий соҳа, ҳарбий санъат, қурол-аслаҳаларни ҳар томонлама такомиллаштиришни талаб этган ва бу ҳаётий заруриятга айланган.

Айниқса, XI-XIII асрлар боши Хоразмда ҳарбий соҳанинг гуллаб-яшнаган даври сифатида изоҳланади. Бу даврдаги ҳукмдор сулола Ануштагин Хоразмшоҳлар яхши таълим кўрган, турли хил қурол-аслаҳаларга эга ва жанговар тажрибали кўшин тузишга муофиқ бўлган. Мустақиллик учун давом этган узоқ курашлар, сўнгра давлат ҳудудларини кенгайтириш учун бўлган урушларда Хоразм кўшинининг жанговарлик маҳорати ошган ва кўшин янги такомиллашган қуролларга эга бўлган.

Муҳаммад ан-Насафий (XIII аср боши) асарида «қилич, найза, камон ва камон ўқлари каби одатдаги қуроллардан ташқари, Хоразм кўшини манджаниқ (катапульта), даббабат (девор тешувчи), тир-чарх (самостреля), матарис, салалим ва бошқа ҳарбий машиналардан фойдаланганликлари айтилади»<sup>1</sup>. Ўша даврда кўчманчиларга қарши ва янги ҳудудларни забт этиш мақсадларидаги уришлар Хоразмда барча аҳолига мажбурий ҳарбий таълим берилишига олиб келган. Бу ҳақида Закарийа ал-Казвиний (XIII аср) ёзишича, «Хоразм давлати пойтахти Гурганж аҳолиси кўп, катта шаҳар ва барчаси жангчи, ҳатттоки қассоб, нонвой ва тикувчиларгача. Айтишича, Султон Муҳаммад ибн Такаш (1172-1200 й) кўшини қорахитойлар (император Чэн Тянь. 1164-1177 й) билан бўлган жангда талофат кўради ва

<sup>1</sup> Ан-Насафи Муҳаммад. Жизнеописание султана Джала ад-Дина Манкбурны // Пер. с араб .М.Буниятова – Баку, 1973. -С. 156, 231; Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов .... -С. 91, 227; МИТТ. Т. I. –С. 473, 475.

шаҳарга бекинади. Султон кам сонли жангчилар билан ҳеч ким сезмаслиги учун шаҳарга кечқурун кириб келган эди. Эрталаб шаҳардан 30 минг суворий кузатувида душманга қарши курашга чиқиб кетади»<sup>1</sup>. Ўша даврнинг бошқа бир муаллифи таъкидлашича, «Хозарасп Хоразмнинг мустаҳкам кўрғони, унда яшовчилар уруш буржи остида туғилган, болалигидан найза ва қилич билан озиқланган» дея таърифлайди<sup>2</sup>.

Ўша даврда Хоразм аҳолиси нафақат «ботир ва кўркмас жангчилар», балки воҳада кўплаб ҳунармандчилик соҳалари, жумладан қуролсозлик ҳам тараққий қилганлиги тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд.

Ал-Кураши ёзишича (XIII аср боши), «Хоразм пойтахти Гурганжда 50га яқин ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари бўлган». Ўша давр муаллифларидан яна бири Закарийа ал-Казвиний таъкидлашича, «Гурганч аҳолиси моҳир ҳунармандлар, айниқса, темирчилар ва дурадгорлар»<sup>3</sup>. Шубҳасиз, бир гуруҳ моҳир темирчилар томонидан қурол-аслаҳалар ва ҳарбий машиналар учун зарурий металл қисмлари тайёрланган бўлиши эҳтимол. Шунингдек, Кўҳна-Урганчда бўлган «Москва-Лондон» компанияси вакили Антонио Женкинсон (1558 й) «Хоразмда камон, ўқ учлари, қилич ва бошқа қурол-аслаҳалар қадимги анъанавий усулда тайёрланади» деб маълумот беради<sup>4</sup>.

Мазкур ёзма манбалардаги хоразмликларнинг ҳарбий қурол-аслаҳалари тўғрисидаги номаълум саҳифаларни ёдгорликлардаги археологик топилмалар ва уларнинг қўшни минтақалардаги ўхшаш турларини қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрганамиз. Хоразмнинг VIII-XIV асрлар ёдгорликларидан топилган қурол-аслаҳалар фойдаланишига кўра, узоқ масофадан (камон, камон ўқи

<sup>1</sup> Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231) ... –С. 88.

<sup>2</sup> Шу жойда. –С. 88.

<sup>3</sup> Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231) ... –С. 102.

<sup>4</sup> Дженкенсон А. Путешествие в Средней Азии 1558-1559 г. // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. – Л., 1939. –С. 178.

учлари), яқин масофадан жанг қилувчи (шамшир, найза, ханжар) ва ҳимоя курулларига (қалқон, совут, дубулға) ажралади.

*Камоннинг* қадимдан икки хили мавжуд: оддий камон ва мураккаб камон. Оддий камон ярим доира шаклида, мураккаб камон эса ейилган қўш қанот шаклида ишланган. Мураккаб камон Ўрта Осиёда мил.ав. 1 минг йилликдан маълум<sup>1</sup>. Хоразмда мураккаб камонларнинг такомиллашуви тахминан мил.ав. I аср охири мелодий I асрда темир совутларнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хоразмда антик даврдаёқ мураккаб камонларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу даврга оид Тупроққалъа саройидан мураккаб камон тайёрловчи устахона топилган<sup>2</sup>. Унда сақланган камон узунлиги 160см га тенг. Шунингдек, антик даврдаги Қойқирилган қалъа, Куня-Уаз, Капарас ёдгорликларида ҳам кийик суякларидан тайёрланган ярим тайёр камон қопламалари аниқланган<sup>3</sup>.

Ёзма манбаларда Хоразм ўрта асрларда Шарқдаги сифатли мураккаб камон ишлаб чиқарувчи марказ сифатида эътироф этилган<sup>4</sup>. Бу ҳақида Мовсес Хоренации (Моисей Хоренский VIII аср) ва ал-Мақдисий (X аср) таъкидлашларича, «Хоразмда тайёрланган камонларни фақатгина энг кучли кишиларгина торта олган». Ушбу «ажойиб камонлар» ташқи савдога ҳам чиқарилган. Шунингдек, «Худуд ал-Алам» асарида (X аср) «Урганч аҳолиси ботир жангчилар ва моҳир камончилар сифатида улуғланади»<sup>5</sup>.

Захриддин Муҳаммад Бобур ёзишича, «Улар (Б.Т.Қ-хоразмликлар) шундай моҳир камончиларки, ўқлари бирор марта ҳам қалқон ва совутни тешиб ўтмай қолишмайди, ҳаттоки иккита совутни»<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедияси. –Тошкент, 2002. –Б 419.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Хорезмская археолого- этнографическая экспедиция АН СССР (1945-1948 гг.) // ТХАЭЭ. –М., 1952. Т. I. –С. 32-35. –рис. 20-22; Топрак кала. Дворец. ... -С. 216-218. –рис. 88, 89.

<sup>3</sup> Кой-крылган-кала памятник культуры древнего Хорезма. ... –С. 136-137. –рис 54,1,3; Мамбетуллаев М.М. Вооружение и военное дело Хорезма // АП. -Нукус, 2003. -вып. VI. -С.21-24.

<sup>4</sup> МИТТ. Т. I. –С. 202; Толстов С.П. Древний Хорезм. –С. 244; Толстов С.П. По следам древне Хорезмийской цивилизации. ... –С. 242.

<sup>5</sup> МИТТ. Т. I. –С. 217.

<sup>6</sup> Бобур-наме. Записки Бабура. –Ташкент, 1993. –С. 171.

Камон нафақат оддий жангчи, балки саркардалар учун ҳам хос бўлган қуроллардан бири бўлган. Жангда камонни тикка ушлаб, кўрсатгич бармоғига суякдан тайёрланган махсус узук тақиб камон ейини тортишган. (41,10,11-расм). Бундай узуклар Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликларидан кўплаб топилган.

Мазкур ёзма манбалардаги маълумотларни Якка-Парсон (VIII аср), Куюк-қалъа (VIII аср), Кат (XIII-XIV аср), Жаринқудук-14 қўрғон мозоридан (XIII-XIV аср) топилган мураккаб камоннинг суяк қопламалари тўла тасдиқлайди<sup>1</sup>. Мутахассислар фикрича, Евросиё даштларида ва Марказий Осиёда мелодий I асрдан гунн типигаги мураккаб камоннинг суяк нақадкалари тарқалган ва мўғиллар босқинчилигига қадар фойдаланилган<sup>2</sup>.

Ёзма ва археологик манбалар Хоразмда мураккаб камонлар кенг кўламда ишлаб чиқарилганлигидан ва асосий ҳарбий қуроллардан бири сифатида фойдаланилганлигидан далолат беради.

*Камон ўқи учлари.* Хоразм ёдгорликларида топилган ўқи учлари Марказий Осиё, Шарқий Европа кўчманчилари, Сибир ва Узоқ Шарқнинг ўрта асрлардаги ўхшаш турларига қиёслаш асосида ўрганилди<sup>3</sup>. VIII-XIV асрларга оид *камон ўқи учлари* асосан учта шаклга ажратилди.

*I шакл.* Уч парракли ўқи учлари. Хоразмда дастлабки уч парракли ўқи учлари Қойқирилган қалъа, Тупроқ қалъанинг қўйи маданий қатламлари, кўшни худуддаги Чирик –Рабат мажмуаси мил.ав. IV-III асрларга оид

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Раскопки Якка-Парсана.... –С. 28. –рис. 14, 13-14; Мамбетуллаев М.М. Оружие населения Кердера в ранне средневековье (по материалам некрополя Куюк кала) // Вестник МИЦАИ. –Самарканд-Бишкек, 2007. –№5. –С. 33-43; Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта. –С. 154. –рис. 53,2.

<sup>2</sup> Хазанов А. М. Сложные луки Евразийских степей и Ирана в скифо- сарматскую эпоху // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. –М., 1966. –С. 29-44; Кызласов Л.Р. История Тувы в средние века. –М.: изд-во МГУ, 1969. –С. 76.

<sup>3</sup> Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. –М.: изд-во МГУ, 1973. –С.25; Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников южной Сибири и Центральной Азии. –Новосибирск: Наука, 1986. –С.31, 54, 68, 92, 128, 143, 171, 182; Худяков Ю.С. Вооружение Центральноазиатских кочевников в эпоху раннего и развитого средневековья. –Новосибирск: Наука, 1991. –С.104-126; Литвинский Б.А. Среднеазиатские железные наконечники стрел // СА. –М., 1965. –№ 2. –С.75-91.

катламларидан топилган<sup>1</sup>. Тупроқ-қалъадаги антик даврга оид ўқ учининг узунлиги 9 см, тиғи 6 см, дастаси 3 см, тиғи энига 2,2 см га тенг.

Бундай ўқ учлари Қўйи Волга бўйи ва Жанубий Урал худудларидаги мил. ав. IV аср охири III аср бошларига оид ёдгорликларда учрайди<sup>2</sup>. Тахминан шу даврлардан Ўрта Осиё ёдгорликларида ҳам маълум<sup>3</sup>.

Д.Маршалл ўша шаклдаги ўқ учларининг Ҳиндистонда тарқалишини сак қабилиларига алоқадор ва мил. ав. I асрга оид деб ҳисоблайди. А.М.Хазанов фикрича, ушбу шакл Ўрта Осиё ва Қозоғистонда мил. ав. III-I асрларда пайдо бўлган ва мил. ав. I асрдан кенг қўлланилган.

Уч парракли ўқ учлари Хоразмнинг VII-VIII асрларга оид Куюк-қалъа (39-расм), Тешик-қалъа, Якка-Парсон, Бургутқалъа воҳаси (40,1,2,3-расм), VII-IX асрлар Тўк қалъа (40,5,6,7,8-расм) ёдгорликларида кенг тарқалган<sup>4</sup>. Тиғининг узунлиги 5,5-6см, дастаси 2,5-3 см, парраklar эни 2-2,5 см га тенг.

Ўхшаш ўқ учлари ўрта асрларда Сўғд, Қирғизистондаги Ақ-бешим, Шош, Қозоғистон (Ждановский, XI-XII), Тува (IX-X аср), Шарқий Европа кўчманчилари ёдгорликларида (XIII-XIV аср) ҳам учрайди<sup>5</sup>.

Б.А.Литвинский таъкидлашича, ҳимоя қуроллари такомиллашган сари уч парракли ўқи учлари ҳажми аста-секин катталлашиб борган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> КРСМ. Тупроқ қалъа.Кп.43002. инв.1538; Топрак кала Дворец // ТХАЭЭ. -М.: Наука, 1984. Т. XIV.- С. 220-221.- рис. 89, 5, 7, 8; Кой-крылган кала – памятник культуры Древнего Хорезма (IV в. до н.э. – IV в. н.э.) // ТХАЭЭ. -М., 1967. Т. V. -С. 135-136.- рис. 53, 4, 7.

<sup>2</sup> Смирнов К.Ф. Вооружение савроматов // МИА. –М., 1961. -№101. -С.142. -Рис.40/24,25

<sup>3</sup> Обельченко О.В. Агалыксайские курганы // История материальной культуры Узбекистана (ИМКУ). – Ташкент. 1972. -вып.9.-С.67. –рис.1/4,5,6; Маньлов Ю.П. Раскопки Кулкудукской курганный группы в центральных Кызылкумах // ИМКУ. 1990.-Ташкент. -вып.23. -С.53-59. -рис.2/13,14.

<sup>4</sup> ҚДЎМ. Бургут қалъа. Кп. 744, инв. 201; Кп. 744, инв. 202; Толстов С.П. Древний Хорезм. .. -С. 142.- рис. 83; Неразик Е.Е. Раскопка Якке-Парсана ...- вып. 7.- рис, 13, 1-3; Мамбетуллаев М.М. Оружие населения Кердера в ранне средневековье (по материалам некрополя Куюк кала) // Вестник МИЦАИ. -Самарканд-Бишкек, 2007. -№5. –С. 33-43; Гудкова А.В. Ток кала. ... -С.55, 56. -рис.13.

<sup>5</sup> Белиницкий А.М. Общие результаты раскопок городища древнего Пянджикента //МИА. –М., -№ 66, 1958. - С. 99; Кызласов Л.Р. Исследования на Ак-Бешиме в 1953-1954 гг. // Труды Киргизской археолого-этнографической комплексной экспедиций. –М., 1959. Т. II. - С. 216. - Рис. 45, 3, 15, 19; Кызласов Л.Р. История Тувы в средние века. -М.: изд-во МГУ, 1969. -С.105. -Рис. 35,11-12; Тереножкин. Согд и Чач // Краткие сообщения Института истории материальной культуры АН СССР (КСИИМК). - вып. XXXIII. -рис. 69, XXI, 21; Степи Евразии в эпоху средневековья. ... -С.244. -рис.72,36; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. ... -С.26. -рис.3,9 А1, -С.27. отдел А.

<sup>6</sup> Литвинский Б.А. Среднеазиатские железные наконечники стрел // Советская археология. –М., 1965. -№ 2.- С. 81-82.-Рис. 6.

Демак, Хоразмда уч парракли ўқ учлари мил.ав. IV аср охири III асрдан то X асрга қадар қўлланилган. Бундай ўқ учлари мудофаси кучсиз душманга мўлжалланганлиги учун кейинчалик ўз аҳамиятини йўқотган.

*II шакл.* Ассиметрик-ромбсимон, юзи текис, дастали ўқ учлари тўртта турга ажралади: а) тиғ қисми учбурчаксимон; б) айланасимон; в) кичик учбурчаксимон; г) ромбсимон (41,1-9-расм).

Тиғи ромбсимон шаклдаги ўқ учлари умумий узунлиги 7,5 см, дастаси 1,8 см, тиғи 5,7 см, эни 5,5 см га тенг. Елкасида думбоқ халқа тарзли упор-кучайтгич жойлашган (41,6,9-расм). Бу қисм ўқнинг дастага зич маҳкамланишини таъминлаган ва ўқнинг зарбасини кучайтирган.

Улардан зирҳли ҳимояланмаган душман ва унинг отини жароҳатлаш мақсадида фойдаланган. Бундай шаклдаги ўқ учлари XII-XIV асрлардаги Пил-қалъа, Миздакхон, қишлоқ жойлари, кўчманчилар (Қалалиқ-2, Қазған-2, Қазған-5) ёдгорликларидан топилган<sup>1</sup>.

Уларга ўхшаш шаклдаги ўқ учлари Сибирдаги турклар ва мўғиллар даврига оид ёдгорликларда, Ўрта Осиёда кўчманчилар қабрлари (Халчаян), Булғорда (Биляр), Жанубий Урал, Шарқий Европадаги мўғиллар давригача ва Олтин Ўрда даври кўчманчилар кўрғонларида учрайди<sup>2</sup>. Дастлаб I минг йиллик охирида Сибирда пайдо бўлиб, айниқса XII-XIV асрларда Мовароуннаҳр, Хоразм атрофидаги кўчманчилар даштида кенг тарқалган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> ҚДЎМ. Миздакхон. Кп.8952. инв426; Неразик Е.Е.Сельское жилище в Хорезме. ... -С.110,114. -рис.66,1-3; 7-10; Кдырниязов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. ... -С.153.-рис.15, 2 а; Кдырниязов М.-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв.-Альбом. -рис.107,2 в.; Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта // Археология Приаралья. –Ташкент: Фан,1991. -вып.V. -С.148. -рис.63,11.

<sup>2</sup> Кызласов Л.Р. История Тувы в средние века. -М., 1969. табл. IV. рис. 13-15; Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников... -С.144. -рис. 64,34-35; Худяков Ю.С.Вооружение Центральноазиатских кочевников...-С.110. -рис.59, 1-3; Пугаченкова Г.А. Погребение монгольского времени в Халчаяне // СА. – М., 1967. -№ 2. -С.254. -рис.1; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. ... -С.27. -рис. 3. –вып. III, IV; Культура Биляра. Булгарские орудия труда и оружие X-XIII вв. -М.: Наука, 1985. -С.157. -Табл. LIII,22,25; Иванов В.А, Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале... -С.9. -рис.1. –вып. V.

<sup>3</sup> Древнемонгольский город. –М., 1965. - С. 196; Мирзаахмедов Д.К. Комплекс материалов к событиям монгольского завоевания Самарканда (Афрасиаба) // Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. – Тошкент-Самарканд, 2007. -С. 90-92. рис. 3.

*III шакл* камон ўқи учлари 2 хил: а) Икки «шоҳли» ёки «паншоҳа» шакли (40,9,10-расм); б) секторсимон срезень (кертик) шакли ўқ учлари (41,7-расм). Улар XII-XIV асрларга оид ёдгорликлардан топилган.

Икки «шоҳли» ёки «паншоҳа» шакли ўқ учлари Якка-Порсан (VII-VIII аср) ва Миздахканнинг «Оқ ханоқа» меъморий қурилишидаги № 10 хонадан (XIII-XV асрлар) топилган<sup>1</sup>. Камон ўқи иккита тиғдан иборат. Миздаххон ёдгорлигидаги ўқ узунлиги 13 см, тиғи 5,5 см, эни 1,5 см га тенг.

Унга ўхшаш «шоҳли» ўқ учлари V-XV асрларда Сибир, Шарқий Қозоғистон, Жанубий Урал ва Шарқий Европа ёдгорликларидаги кенг жуғрофий худудларида тарқалган<sup>2</sup>. Мазкур ўқ учлари I минг йиллик 2-ярмида Сибирда пайдо бўлиб, II минг йиллик бошларидан кенг тарқалади. Ўрта Осиёда эса дастлаб В.А.Ранов томонидан ўрганилган<sup>3</sup>.

Улар асосан овчилик ишларида, шунингдек ҳарбий мақсадларда химояланмаган душман отини жароҳатлашда фойдаланилган<sup>4</sup>.

Ўрта Осиё ёдгорликларидаги ўқ учлари турк ва мўғиллар шакллариغا яқинлиги билан изоҳланади. Темир етишмаган пайтларда суяк камон ўқи учларидан ҳам баъзида фойдаланилган. Бундай суякдан ясалган ўқ учлари Хоразмнинг кўчманчиларга оид ёдгорликларидан қайд қилинган<sup>5</sup>.

*Найзалар* пиёда жангчилар ва суворийларнинг душманга яқин масофадан зарба берувчи жанговар қуролларидан биридир. Тозабоғёп маданияти (мил. ав. II минг йиллик ўрталари) Жонбос 21 маконидан топилган найза тиғининг тошдан ясалган қолипи Хоразмда найзаларнинг

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Раскопки Якка-парсана. ... -С.29.-рис.13,6; Ходжаниязов Г. Вильчатый наконечник стрел из Миздахкана // История и материальная культура Каракалпакстана. -Нукус, 2006. -С.68. -Рис.1.

<sup>2</sup> Конилов Б.А, Худяков Ю.С. Наконечники стрел из Искера // Военное дело древних племен Сибири и Центральной Азии. -Новосибирск: Наука, 1981. -С.186. -рис.2,3; Плотников Ю.А. Наконечники стрел из могильника Кызыл-Ту // Военное дело древних племен Сибири и Центральной Азии. - Новосибирск: Наука, 1981. -С.113. -Рис.11; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов.... -С.26. -Рис.3. -вып. VI; Иванов В.А, Кригер В.А.Курганы кыпчакского времени на Южном Урале...-С.9, -вып. VI.

<sup>3</sup> Ранов В.А. Наскальные рисунки у Кишлаке Лянгар (Западный Памир) // Известия отделение общественных наук АН Тадж ССР. -Душанбе, 1960. -№1 (22). -С. 30.

<sup>4</sup> Литвинский Б.А. Среднеазиатские железные наконечники стрел. ... -С.90.

<sup>5</sup> Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта. ... -С. 154. -рис. 55,6.

қадимдан тайёрланиши ва асосий жанговар қуроллардан бири сифатида кенг фойдаланганлигидан далолат беради<sup>1</sup>. Ушбу қолипда япроқсимон, зўғотали найза тиғлари тайёрланган бўлиб, узунлиги 24 см, тиғи 11,5 см, зўғотаси 12,5 см, тиғнинг марказий қисми эни 3,2 см га тенг.

Б.А.Литвинский, И.В.Пяньковлар таъкидлашича, массагетларда найза мил. ав. VI асрда кенг тарқалган, ҳаттоки уларда найзабардорлар деб аталувчи махсус қисм ҳам мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Шунингдек, Қўйқирилганқалъа, Жонбосқалъа, Хумбузтепа ёдгорликларидан топилган сопол идишлар рельефидаги найза ўқталиб бораётган суворий тасвирлари Хоразмда мил. ав. IV-II асрлардаёқ узун найзалар суворийларнинг асосий ҳарбий қуролларидан бири бўлганлигидан гувоҳлик беради<sup>3</sup>. Тупроқ-қальанинг III-IV асрлар маданий қатламларидан топилган темир найза тиғи тўрт қиррали шаклда бўлиб, узунлиги 22 см, кесими ҳажми 2,8x2,8 см, дастаси сақланмаган<sup>4</sup>. Панжакент ёдгорлигидаги топилмалар бундай найза тиғларидан Ўрта Осиёда илк ўрта асрларда ҳам фойдаланиш давом этганлигини кўрсатади<sup>5</sup>.

Ўрта асрларда ҳам найзалардан асосий жанг қуролларидан бири сифатида фойдаланилган. Бу ҳақида илк ўрта асрларга оид Хоразм тангаларидаги найза кўтарган суворий тасвирлари ва археологик материаллар далолат беради<sup>6</sup>. Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликлардаги найза учлари 4 та шаклга ажралади.

*1-шакл.* Дастали, япроқсимон найза учлари. Умумий узунлиги биринчиси 17 см, тиғи 11, эни 5; иккинчиси 12 см, тиғи 7 см, эни 3,5 см га тенг (42,1,2-расм). Ушбу найза тиғларининг катталаридан суворийлар, кичикларидан эса

<sup>1</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья (II начало I тысячелетия до н.э.). - М.: Наука, 1977. -С. 131. -Рис. 68,4.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А, Пяньков И.В. Военное дело у народов Средней Азии в VI-IV вв. до н.э. // Вестник Древней истории. -М., 1966. -№3.-С. 40.

<sup>3</sup> Кой-кырылган-кала... -С. 201. - рис. 75, 6; Толстов С.П. Древний Хорезм. -М., 1948.- С. 219. табл. 82,1; Хожаниязов Ғ.Қадимги Хоразм мудофа иншоотлари. -Тошкент, 2007. -Б.99-100.

<sup>4</sup> Топрак-кала... -С. 222. -рис. 89, 10.

<sup>5</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. ... Л.: 1980. -С. 74. -рис. 49,10-11.

<sup>6</sup> Ваинберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. -М.: Наука, 1977. -С. 42-43. -табл. 9.

пиёда жангчилар фойдаланишган. Бундай найза тиғлари Куюк қалъанинг VI-VIII асрларга оид мазорлардан топилган<sup>1</sup>. Мазкур найза тиғлари архаик даврларга хос бўлиб, дастлаб мил. авв. VIII асрда Шимолий Қора денгиз, Шимолий Кавказ, Волга-Кама дарёлари бўйларидаги скифлар<sup>2</sup>, мил.авв. IV-III асрларда Волга бўйидаги сарматлар ёдгорликларида тарқалган<sup>3</sup>.

Унга ўхшаш найза тиғлари илк ўрта асрларга оид Сирдарё бўйидаги Жетиасар маданияти ва Салтов-маяц маданияти ёдгорликларидан ҳам қайд қилинган<sup>4</sup>. Демак, бундай найза тиғлари Хоразмга кўчманчилар иммиграцияси ва сиёсий, маданий олақалар таъсирида тарқалган.

*II-шакл.* Тўғри тиғининг кўндаланг кесими линзасимон, зўғотали найза тиғлари. Сақланган узунлиги - 28 см, асоси диаметри 5 см. Бундай найза тиғлари Жигарбант ёдгорлигининг Африғийлар даври қатламларидан (VIII-IX асрлар) топилган (42,3-расм)<sup>5</sup>. Унга ўхшаш шакллари Панжикент (VIII аср), Шарқий Қозоғистон Бобров мазористонидан (IX аср) қайд қилинган<sup>6</sup>.

*III-шакл.* Тиғи чўзиқ учбурчак тарзли, кесими айланасимон найзалар. Сақланган узунлиги – 21 см, асоси дм - 3,5 см. (42,4-расм). Ушбу найза тиғи Жигарбантнинг Африғийлар даврига оид қатламларидан (VIII-X асрлар) топилган<sup>7</sup>. Бундай ўткир найза тиғлари VIII-X асрлардан кейинги даврларда ўзгаришга учраган ва зирҳли душманга қарши жангларда қўлланилган<sup>8</sup>.

*IV-шакл.* Ассиметрик-ромбсимон, зўғотали найза учлари (42,5,6,7-расм). Улар Хоразмнинг XII-XIII асрлар бошидаги Бештом-қалъа ва XIII-XIV

<sup>1</sup> Мамбетуллаев М.М. Оружие населения Кердера в ранне средневековье (по материалам некрополя Куюк кала) // Вестник МИЦАИ. -Самарканд- Бишкек, 2007. -№5. -С.41-42. -рис.5,6,8.

<sup>2</sup> Халиков А.Х.Волго-Камье в начале эпохи раннего железа (VIII-VI вв. До.н.э.). -М., 1977. -С.188,196. Рис.73.

<sup>3</sup> Хазанов А.Х. Очерки военного дела сарматов. –Москва. Наука, 1971.-С.44-50. табл. XXVI, 4; табл. XXVII, 2, 4, 7.

<sup>4</sup> Ляпушкин И.И. Памятники Салтово-маяцкой культуры в бассейне р. Дон // МИА. -М-Л., 1962. -№62. -С.119. -рис.16; Левина Л.М. Низовья Сырдарьи в древности. Джетыасарская культура. Могильники Томпакасар и Косасар. –Москва, 1993. -вып.3. Ч.2. -С.69. -рис.46,17.

<sup>5</sup> Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. –М., 2001. -С.88. -Рис.36,7

<sup>6</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. - Л., 1980. -С. 74. –рис. 49,10-11; Худяков Ю.С. Вооружение енисейскиз киргизов.-Новосибирск, 1980. -С.52, табл. X, 7.

<sup>7</sup> Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. –М., 2001. -С.89. -рис.36,6

<sup>8</sup> Худяков Ю.С. Вооружение енисейскиз киргизов. -Новосибирск, 1980.-С.52. табл. X, 7.

асрлар Жанпиққалъа ёдгорликларидан топилган<sup>1</sup>. Жанпиққалъадаги найза зўғотаси қувур шаклида, узунлиги 45 см, эни 2,5 см, яхши сақланмаган. Аналогик артефактлар бўйича реконструкциясига кўра ўхшаш найза учлари Олтой (Ближние Елбаны VIII), Евросиё даштлари ва Шарқий Европа кўчманчилар (XIII-XIV аср) ёдгорликларида учрайди<sup>2</sup>. Бундай тиғининг кесими ассиметрик-ромб шаклидаги найзалардан суворийлардан ташқари, пиёда жангчилар суворийлардан ҳимояланиш мақсадларида фойдаланишган.

Мутахасислар найза тиғларининг оғирлашувини зирҳли душманга зарба беришда самарали бўлган деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Қўшин сафини бузишда эса узун дастали найзалар кенг қўлланилган.

*Шамшир.* Яқин масофадаги жангда чопиш ёки санчиш орқали душманни жароҳатлайдиган тиғли қурол. Археологик материаллардаги дастлабки шамширлар ханжар шаклида калта бўлганлигини кўрсатади. Эроннинг Сузадаги сарой қурилиши ҳақида Доро I (мил. ав. 522-486 й) ёзувида хоразмликлар калта шамшир (ақинак) ва ойболта билан қуролланган, от етаклаган ҳолда тасвирланган. Шунингдек, Хоразмга қўшни сак кабилалари кўрғони Чирик-работ ёдгорлигидан топилган шамшир узунлиги 80 см га тенг<sup>4</sup>. Устюртдаги сарматлар даври кўрғонидан топилган шамшир узунлиги эса 106 см га тенг<sup>5</sup>. Мелодий I-III асрларга келиб Хоразмда калта ақинаклар (шамшир) ўрнига узун оғир шамширлар кенг тарқалган. Буни, биз, Тупроқ-қалъа саройи «Подшоҳлар зали» даги жангчи шаклидаги сопол ҳайкалчалар мисолида яққол кўрамыз<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта ....-С. 289. –рис. 185, 1,7. Доспанов О.Т. Жампық қала орта эсир естелиги. .... -Б. 70, 96.

<sup>2</sup> Худяков Ю.С. Вооружение кочевников Приалтайских степей в IX-X вв./ Военное дело древних племен Сибири...-С.119.-рис.2,2-3; Степи Евразии в эпоху средневековья. .. -С.148.-рис.36,2; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. ... -С.26. -рис.III.П.

<sup>3</sup> Худяков Ю.С.Вооружение енисейских кыргызов. -Новосибирск, 1980. -С.52. -табл.Х,7.

<sup>4</sup> Толстов С.П. По древнем дельтам Окса и Яксарта. –М., 1962. - С. 149.- рис. 82.

<sup>5</sup> Ягодин В. Н. Сарматский курган на Устюрте // Краткие сообщения Института археологии АН СССР (КСИА). –М., 1978. -С.154. –рис.2,3.

<sup>6</sup> Мамбетуллаев М.М. Вооружение и военное дело Хорезма // АП. –Ташкент, -вып. VI. -С. 25.

Устюрт текислигидаги Жаринкудук-14 макон 2-сонли кўрғонда кўплаб шамшир синиқлари учрайди. Баъзи мутахасислар қабрларда бундай шамшир синиқларининг топилишини кўчманчилар диний тушунчалари билан боғлиқ бўлган ва марҳумни дафн қилиш маросимида шамшир синдирилган дея таъкидлайди<sup>1</sup>. Хоразмда шамшир XIII-XIV асрларга оид кўчманчилар ёдгорлиги Қалалик-2 кўрғонидан топилган<sup>2</sup>. У икки тиғли, узун, кесими икки қиррали, линзасимон, темирдан тоблаб ясалган (42,11-расм). Узунлиги 110 см, дастаси 11 см, тиғи 99 см, эни 3,5 см ни ташкил этади.

Унга ўхшаш шамширлар Ғарбий Қозоғистон, Жанубий Урал, Шарқий Европа ва Сибир худудларидаги кўчманчилар ёдгорликларида учрайди<sup>3</sup>.

Шамширлардан фойдаланиш ривожланган ўрта асрларга келиб камайган, лекин археологик материаллар воҳада кўчманчилар ўртасида XIII-XIV асрларга қадар ишлатиш давом этганлигини кўрсатади.

*Қилич.* Шарқда VI-VII асрлардан бир томонлама тиғли эгри қиличлар тарқала бошлаган. Унинг узунлиги 80-90 см, эни 3-3,5 см бўлиб, қилич махсус ғилофда сақланган. Ўрта асрларда Дамашқ ва Исфаҳон қиличлари Шарқ давлатларида кенг тарқалган. Жангларда узун икки тиғли шамширлардан кўра, бир томонлама тиғли эгри қиличлардан фойдаланиш қулайли ва самарали бўлган. Ёзма манбаларда ўрта асрларда Фарғонада аъло сифатли темир ва пўлатдан мустаҳкам қилич ва ханжарлар ясалганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Саёх ал-Мақдисий «Мусулмон мамлакатларида Ўрта Осиёнинг ҳамма мащхур буюмларидан бири Фарғона қиличларидир» деб ёзган эди. Ибн Хавкалда «Фарғонада ишланган, ғоят безакдор ва юқори сифатли қуроллар то Бағдод ва Ироққача олиб борилиб

<sup>1</sup> Худяков Ю.С. Вооружение енисейских киргизов. -Новосибирск, 1980. -С.33.

<sup>2</sup> Ягодин В.Н.Стреловидные планировки Устюрта.... -С.148. -рис.63,3.

<sup>3</sup> Синицин И.В. Археологические исследования в Западном Казахстане // Труды ИИАЭ АН КазССР. Археология . -Алма-Ата, 1956. Т.І. -С.97-98; Иванов В.А, Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале...-С.10,12. -Рис.2 АІ,Б І; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. ... -С.24.

сотиларди ва бу жойларда бу қуролларни «Фарғона моли», чунончи Фарғона қиличи деб атар эди» дея таъкидлайди<sup>1</sup>.

Хоразм археологик материалларида қиличлар аниқланмаган бўлса ҳам, ўрта аср ёзма манбаларида хоразмликларнинг «қилич, пўлат қилич, найза ва камон» каби қуролларидан кенг фойдаланганликлари таъкидланади<sup>2</sup>. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Хоразмда Дамашқ қиличи, Исфаҳон қиличи ва Фарғона қиличи каби қиличларнинг бир нечта турларидан фойдаланилган. Шунингдек, ушбу қиличлар намунасида маҳаллий ҳунармандлар томонидан ҳам қиличлар ясалган бўлиши мумкин.

*Ханжарлар* қадимдан кенг тарқалган жанговар ва овчилик қуролларидан биридир. Ҳарбийлар ханжарни ўнг, қилични чап ён томонига тақишган. Бу тўғрисида Персеполь саройидаги хоразмликлар тасвирланган бўртма расм ва Амударё хазинаси металл пластинадаги ханжар тақишган сак жангчиси тасвири маълумот беради<sup>3</sup>.

Хоразмнинг XIII-XIV асрларга оид ханжарлари фойдаланиши ва шаклига кўра иккига ажралади.

*1 шакл.* Кесими ромб тарзли икки тиғли калта ханжарлар, дастаси қисман сақланган (42,8,9-расм). Ҳарбий мақсадларда ишлатишга мўлжалланган. Бундай ханжарлар XIII-XIV асрлар Кўш-булоқ карвон-саройи ва Миздакхон ёдгорлигидан топилган<sup>4</sup>. Кўшбулоқ карвон-саройидаги ханжар тиғи узунлиги 17,8 см, энига 4,5 см, дастаси синган (42,9-расм). Миздакхондаги икки тиғли ханжарнинг сақланган узунлиги 11 см, эни 3,5 см, кесими 1,5 см (42,8-расм).

Уларга ўхшаш ханжарлар Қорабулоқ, Биляр, Қипчоқ қавмлари мазор кўрғонлари ва Евросиё кўчманчилари ёдгорликларида учрайди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. –Тошкент, 1959. -Б.82-83.

<sup>2</sup> Мухаммед ан Насави. Сират ас-султан Джалеладдин Манкуберти. -С.156, 231; МИТТ. Т.1. -С.477,481.

<sup>3</sup> Мамбетуллаев М.М. Вооружение и военное дело Хорезма. ...- С. 25.

<sup>4</sup> Миздакхан. Шифр. МО-1992. ЮЗК; Маньолов Ю.П. Археологические исследования караван-сараяв Центрального Устюрта. ... С.116. -рис.8,26,34.

<sup>5</sup> Брыкина Г.А. Карабулак. ...-С.92: Культура Биляр.-С.175; Иванов В.А, Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени...-С.11; Худяков Ю.С. Вооружение Центрально-азиатских кочевников...-С.131: Степи Евразии в эпоху средневековья... -С.245. -рис.72,66,67.

*II шакл.* Тўғри бир тиғли, дастаси бир оз эгилган ханжарлар, овчилик ва хўжалик ишларида ишлатилган (42,10-расм). XIII-XIV асрларга оид Пулжой, Шемаха қалъа ва Кўхна- Урганч ёдгорликларидан топилган<sup>1</sup>.

*Ҳимоя қуролларидан* совутлар асосан уч турга ажралади: пластиналар, тангали ва ламелляр. Археологик материаллар Хоразмда қадимдан пластиналар ва тангали совутлардан фойдаланганликларини кўрсатади. Воҳа ёдгорликларидаги мил. ав. VI-IV асрларга оид сопол идишлардаги суворий ва унинг оти пластиналар совутларда ҳимояланган қиёфада тасвирланган<sup>2</sup>. Совут пластиналари суворийни қўл ва оёқ тиззаларига қадар ҳимоя қилган. Хоразмга қўшни кўчманчилар ёдгорлиги Чирик-работнинг мил.ав. IV-III асрларга оид қатламларидан суворий ва унинг оти учун тайёрланган совут пластиналари топилган<sup>3</sup>. Хоразмда металл пластиналар совутлар I асрдан, айниқса оғир қуролланган отлик кўшиннинг аҳамияти кучайган даврда кенг тарқалган. Совутларнинг темир пластиналари III-IV асрлар Тупроқ-қалъа саройи мажмуаси ва Куня-Уаз қалъаси ёдгорликларидан ҳам аниқланган<sup>4</sup>.

Тупроққалъадан (8-хона) топилган жангчи ҳайкалчаси хоразмликлар антик даврдаёқ тангали совутлардан фойдаланганлигини кўрсатади<sup>5</sup>.

XIII-XIV асрлар Шахрлик ва кўчманчилар мазор қўрғонларидан темир совут пластиналари топилган<sup>6</sup>. Шахрликдаги (30 дона) пластиналар 3,5x3 см; 4,5x3,5 см ва бошқа ҳар хил ҳажмда (44-расм). Кўчманчилар мазор қўрғонидаги пластиналар узунлиги 7,5-7,6 см, эни 2,0-2,2 см, ҳар бирида 2-3 мм. ҳажмда 13 та тешикчалар тешилган. Пластинанинг тўғри бурчакли ён томонларининг ҳар бирида 3 тадан, юқори томонида 2 тадан, айлана ўртасида

<sup>1</sup> Вактурская Н.Н. О раскопках в 1948г...-С.180.-рис.5,3; Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала...-С.527; Кдырнийзов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIVвв. -С.149. -рис.11,3.

<sup>2</sup> Мамбетуллаев М.М. Рельефное изображение всадника на керамической фляге из Хумбузтепе // СА. –М., 1977. -№3. –С. 30; Мамбетуллаев М.М.Хумбуз тепе-керамический центр Южного Хорезма. ... -С.21-39.

<sup>3</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. ... -рис. 82 а,б.

<sup>4</sup> Топрак-кала... -С. 222-223. -рис. 29; 89, 9.

<sup>5</sup> Топрак-кала...-С. 223.

<sup>6</sup> ҚРСМ. Шехрлик. Кп. 40080/32. инв. 904-912; Кп. 40080/43-63. инв 915-935; Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта. ... -С. 135,155. -рис. 50,1-10,12; 59,5.

2 та ва марказида 1 та тешикча тешилган (43,3-расм). Улар турли хил усулларда бириктирилган: терига ёпиштириб тикилган, симлар ёрдамида, шунингдек, махсус камарлардан ҳам фойдаланилган<sup>1</sup>.

Ўхшаш совут пластиналари Ўрта Осиёда Қанғха (VI-VII аср), Панжикент (VII-VIII аср), шунингдек, Шарқий Европа, Сибир, Олтой, Жанубий Урал худудларидаги кўчманчилар ёдгорликларида учрайди<sup>2</sup>.

*Қалқон* жангчининг танасини тигли қуроллар (килич, найза ва б.) зарбидан ҳимоя қилувчи мослама. Энг қадимгилари ёғоч, тўқилган чивик, тери, кейинчалик эса бронза ва темирдан ясалган. Қалқонлар шакли ва ҳажми турли халқларда турлича (юмалоқ, учбурчак, тўртбурчак, тухумсимон ва б.) бўлган. Мил. ав. III минг йилликда Месопотамияда усти мис пластиналар билан қопланган ёғоч қалқонлар қўлланилган<sup>3</sup>. Бронзадан ясалган биринчи қалқонлар мил. ав. II минг йилликда Оссурияда вужудга келган.

Хоразмда айланасимон металл қалқон XII-XIII асрлар бошидаги Бештом-қалъа ёдгорлигидан топилган<sup>4</sup>. Қалқон кумуш рангдаги юпка қалайи билан қопланган ва ташқи қисми безатилган (43,1,2-расм). Бундай айланасимон металл қалқонлардан Марказий Осиё ва Сибир худудларидаги кўчманчиларининг енгил қуролланган жангчилари ва зирҳли суворийлари I минг йиллик 2-ярмидан кенг фойдаланишган<sup>5</sup>. Мовароуннаҳрда айланасимон металл қалқонлардан илк ўрта асрларда ҳам, сўнгги ўрта асрларда ҳам кенг қўлланилган. Муғ тоғи топилмалари ва миниатюралардаги (XVI аср) тасвирлар бундан далолат беради. Шунингдек, Ўрта Осиёда ёғоч, ташқи

<sup>1</sup> Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов.... -С.35.

<sup>2</sup> Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. –Москва: Наука, 1973. -С. 77. –рис. 46; Богомолов Г.И. Панцирный доспех с городище Канка // ИМКУ. -Самарканд, 1997. - вып. 28.-С.79-85; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов....- С. 35; Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда....- С. 79-84; Иванов В.А, Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII-XIV вв.). ...- С. 13; Худяков Ю.С. Вооружение Енисейских киргизов. –Новосибирск: Наука, 1980. –С. 118-128. –табл. XL, 4.

<sup>3</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент, 2005. -Б.8.

<sup>4</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта ....-С. 288-289. – рис. 185.

<sup>5</sup> Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников южной Сибири и Центральной Азии. – Новосибирск: Наука,1986. -С. 159.

томони тери билан қопланган, тери қалқонлардан ҳам фойдаланилган. Бундай қалқон турлари Тошкент, Самарқанд шаҳарларидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейлари фондларида сақланмоқда. Тери қалқонларга ҳар хил рангларда жило берувчи айланасимон металл пластиналар ёпиштирилган. Ҳофиз Танишнинг «Абдуллонома» асарида қалқонлар ҳар хил ранглар ва қимматбаҳо тошлар билан безатиши таъкидланади<sup>1</sup>.

Демак, Хоразм воҳаси халқлари қурол –аслаҳалари ривожланиш йўлида бир қатор босқичлардан ўтган. Хоразмликлар камон, камон ўқи учлари, қилич, шамшир, найза, ханжар, қалқон, совут, дубулға каби жанг ва ҳимоя қуролларидан қадимдан фойдаланиб келишган. Манбаларда воҳа халқлари кўркмас, ботир, довюрак, моҳир жангчи сифатида ифодаланади. Воҳа халқи камон ишлаб чиқаришда ва камондан ўқ отишда моҳир бўлишган. Ўрта асрларда қурол-аслаҳа турлари кўпайган ва бирқанча такомиллашган. Ёдгорликлардатурли хил камон ўқи учлари учрайди. XI-XIII асрлар боши Хоразм давлати ҳарбий салоҳияти ва қурол-аслаҳалари ўз ривожланишининг юқори чўққисига кўтарилган даври сифатида изоҳланади. Бу даврда Хоразм кўшини нафақат оддий қурол-аслаҳалар, балки манджаник, даббабат, тир-чарх, матарис, салалим ва бошқада ҳарбий машиналардан фойдаланишган. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий омиллар таъсирида хоразмликларнинг қурол-аслаҳалари қадимда ва ўрта асрларда кўшни кўчманчилар билан ўзаро узвий боғлиқда тараққий қилган.

**2.3. «Мисгарлик маҳсулотлари»** деб номланувчи иккинчи бобнинг учинчи бўлимида Хоразмнинг VIII-XIV асрларга оид мис ва бронза буюмларини таснифлаш орқали мисгарлик ҳунармандчилиги ёритиб берилган.

Хоразм археологик материаллардаги хилма хил мис, бронза буюмлар мисгарлик ҳунармандчилигининг ривожланишини, маҳсулот ишлаб чиқариш

---

<sup>1</sup> Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке.. -С. 117.

даражасининг ошганлигини ва аҳолининг маданий тараққиётини кўрсатади. Мисгарлик маҳсулотлари нафақат, амалий аҳамиятга эга буюм, балки воҳа халқларининг нодир санъат асари ҳисобланади. Хоразмнинг ўрта аср мисгарлари томонидан ҳар хил ассортиментдаги хўжалик ва рўзғор буюмлари тайёрланган. Улар фойдаланишига кўра уй-рўзғор, ошхона, кундалик ҳаётда махсус аҳамиятга эга ва пардоз-андоз буюмларига ажралади.

Ваҳо ёдгорликларидан топилган коса, пиёла, товоқ, ликобча, қошиқ каби *рўзғор идишлари* хилма-хил шаклларга ажралади.

*Бронза косалар.* Ёзма ва этнографик манбаларда металл қадахлар жом деб аталади. Жом (форс- қадах) яъни, коса, қадах деган маънони англатади. Жумладан, жом сўзи Навоий асарида қадах, коса маъносида ишлатилган. ( Ёр аксин майда кўр деб, **жом**дин чикди садо, Навоий ).

Хоразмнинг VIII-XIV асрлар ёдгорликларидан топилган бронза косалар ясалиши ва безатилишига кўра учта шаклга ажралади.

*I шакл.* Ярим айланасимон тарзли, безатилмаган, бронзадан қуйма усулда тайёрланган косалар (46,1,2-расм). Воҳанинг VII-VIII асрларга оид Тўк қалъа ва Куюк-қалъа ёдгорликларидан топилган<sup>1</sup>. Тўк қалъадаги косалар устки диаметри, биринчиси 17 см (46,1-расм), иккинчиси 12 см (46,2-расм). Биринчи косанинг айланасимон деворлари бир текис, иккинчи коса деворлари нотекис, баъзи жойларида ғадир-будир излари кузатилади.

Унга ўхшаш металл косалар Панжакент (VIII аср), Қозоғистоннинг Жамбул шаҳридаги зардуштийлик дахмаси (VIII аср) ва Жанубий Урал бўйидаги қипчоқ қавмлари мозор кўрғонларида (XII-XIV асрлар) учрайди<sup>2</sup>.

*II шакл.* Ташқи томони ҳандасий ва эпиграфик нақшларда безатилган ва лаб қисми манжет шаклида ишланган бронза косалар (46,4-расм). Бундай

<sup>1</sup> Гудкова А.В. Ток кала.-С.57.-рис.12,15-16; Неразик Е.Е, Рапопорт Ю.А. Куюк-кала в 1956 г. // МХЭ. -М.: Наука, 1959. - вып.1. -С.138.

<sup>2</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда ... -С. 125. -рис. 83; Пацевич Г.И. Зороатрийские кладбище на Тик-Турмасе (Джамбул) // Известия АН КазССР. -Серия археологическая. 1948. -№ 48. -вып.1. —С.99; Иванов В.А, Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII-XIVвв. ). ... -С.36. -рис.12,9.

косалар Хоразмнинг XII-XIII асрлар боши Чермен-яб, Айгелди каби қишлоқ маконларидан топилган<sup>1</sup>. Айгелди маконидаги бронза косанинг устки диаметри 17,5 см га тенг. Унга ўхшаш бронза коса Қорақалпоғистон Республикаси Санъат музейида сақланмоқда<sup>2</sup>. Ушбу косанинг сақланган баландлиги 8,5 см, устки диаметри 15,5 см, девори қалинлиги 0,2-0,3 см. Мазкур бронза косалардаги нақшлар композицияси маҳаллий мисгарларнинг кандокарлик санъатини юқори даражада эгаллаганлигидан далолат беради.

*III шакл.* Таги текис, ўрта қисми бироз дўнг, гавдаси ташқи томонга бироз қия ва лаб қисми ташқага эгилган косалар. У бронза пластинадан сўқма усулда ясалган ва безатилмаган (46,5-расм). Бундай коса Миздакхон ёдгорлигидаги XIV-XV асрларга оид жума масжиди яқинидан топилган<sup>3</sup>. Унга ўхшаш бронза косалар Жанубий Уралнинг XII-XIV асрлар мазор кўрғонларида учрайди<sup>4</sup>.

Бундай бронза косалар рўзғор идиши сифатида фойдаланилган.

*Пиёла* - айланасимон, лаб қисми гавдасидан ажратилган ҳолда манжет шаклида ишланган. Унинг устки дм. 9,8 см, лаб қисмидаги манжет қалинлиги 0,5 см, девор қалинлиги 0,2 см, сақланган баландлиги 4,5 см. (46,3-расм). Пиёла деворлари терилганлиги сабабли болға излари кузатилади. Бу эса бронзадан сўқма усулда ясалганлигини кўрсатади. Мазкур пиёла ясаиш техникаси таҳлилларига кўра XII-XIII асрларга тааллуқли. У Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи фондларида сақланмоқда<sup>5</sup>.

*Металл товоқлар* - юзи ейиқ, бир оз кенг (ялпоқ), таги текис коса шаклидаги чуқурроқ идиш. Мазкур товоқлар бронзадан қуйма усулда тайёрланган ва безатилмаган. Улар Миздакхон мажмуасининг VIII-IX ва

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме.... -С.89.

<sup>2</sup> ҚРСМ. Кп.3775.инв.120.

<sup>3</sup> Қдырниязов М-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. –Нукус, 1989. - С. 154.- рис. 16,1.

<sup>4</sup> Иванов В.А. Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII-XIV вв. ). -С.15.-рис.3,8,вП.

<sup>5</sup> ҚРСМ. Кп. 9998/9. инв 220.

XIII-XIV асрларга оид қатламларидан топилган (47,3,4-расм)<sup>1</sup>. VIII-IX асрларга оид товоқ баландлиги 7,5 см, энига сақланган қисми 12,5 см, қалинлиги 0,3 см. Уларга ўхшаш бронза товоқлар XII-XIV асрлар Жанубий Туркманистондаги Шехр-Ислам ва Жанубий Урал ёдгорликларида учрайди<sup>2</sup>.

Хоразмнинг XI-XIII асрлар бошига оид қўйма товоқлари эса ташқи томони ислимий нақшларда безатилганлиги билан ажралиб туради. Бундай товоқ фрагментлари XII-XIII асрлар бошига тааллуқли Қават қалъа воҳаси (2 дона) ва қишлоқ маконларидан (6 дона) топилган<sup>3</sup>. Ўша даврга хос безаксиз, бронза пластинадан сўкма усулда ясалган товоқларнинг баъзи шаклларида лаб қисми юзасига ҳандасий нақшланган қўйма бронза манжет бекитилган. Ушбу товоқ устки диаметри 24,5 см, баландлиги 6 см, манжет қалинлиги 1 см га тенг<sup>4</sup> (47,1-расм). Шунингдек, ўрта асрларда товоқлар мис пластинадан сўкма усулда ҳам кўплаб тайёрланган. Бундай товоқнинг устки диаметри 17,5 см, таги 13,5 см, баландлиги 4,6 см га тенг (47,2-расм)<sup>5</sup>.

Этнографик материалларда металл товоқларнинг катта-кичиклигига кўра мис тоғора, мис лаган, мис жом каби турлари учрайди. Улардан таом, озиқ-овқат маҳсулотлари, меваларни солиб қўйишда фойдаланилган.

*Ликобча.* Бронза ликобчанинг чекка қисмлари Талайхон-Ота карвон саройи (XIII-XIV аср) ва Кўхна-Урганч (XIV-XV аср) ёдгорликларидан топилган<sup>6</sup>. Талайхон-Ота карвон-саройидаги ликобчанинг чекка қисми тўлқинсимон рельефли ўсимликсимон нақшлар билан бўрттирма усулда безатилган (47,5-расм). Кўхна-Урганчнинг ёдгорлигидаги бронза ликобчанинг марказий қисми доирасимон чизиклар шаклида ҳандасий усулда

<sup>1</sup> Шифр. МО-2005. работ-1.

<sup>2</sup> Мажидов Н.А. Южный Урал в XII-XIV вв.-М.: Наука, 1977. -С. 200.- табл. I, 369; Атагарриев Е. Материальная культура Шехр-ислама. –Ашхабад. 1973. - С. 65.- рис. 20,2.

<sup>3</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Кп. 41095/77-78. инв. 1356-1357; 707 нукта. Кп. 40074/136. инв. 634-639.

<sup>4</sup> Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи (ҚРСМ). Кп. 44099. инв. 1552.

<sup>5</sup> Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи (ҚРСМ). Кп. 3773. инв. 66.

<sup>6</sup> Вишневская О.А. Раскопки караван-сараяв Ак-Яйла и Талайхан-Ата // ТХАЭЭ. -М.: Наука, 1958. Т. II. - С.460. -рис.13,1; Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала // ТХАЭЭ. -М.: Наука, 1958. Т. II. -С.526.

безатилган. XIII-XIV асрлар га оид Миздакхон маҳалласидан топилган бронза ликобча эса ҳеч қандай безатилмаган ва қуйма усулда тайёрланган (47,6-расм) <sup>1</sup>. Унинг сақланган қисми 8x4 см га тенг. Металл ликобчалар рўзғорда мева-чева, қандолат ва ҳар хил ширинликлар солиб қўйишда қўлланилган бўлиши мумкин.

*Қошиқлар.* Хоразмда дастлабки мис ва бронза қошиқлар антик даврга оид Тупроқ қалъа (III-IV аср, 3 дона), Куня-Уаз (1-дона), Миздакхон мақбараси (III-IV асрлар) ёдгорликларидан топилган<sup>2</sup>. Мазкур қошиқларнинг резервуар қисми унчалик чуқур эмас, тухумсимон шаклда, сўкма усулда ясалган. Тупроқ қалъадаги қошиқнинг биринчиси 17,5x3,7x0,8 см, иккинчиси 15,5x3x1,5 см, учинчиси 17x4x0,6 см га тенг (50,1,2-расм).

Ўрта асрларда Хоразмнинг Тўк қалъа (IX-XI аср), Қават қалъа (XII-XIII асрлар боши) Миздакхон (XIII-XIV аср), Жанпиқ қалъа (XIII-XIV аср), Пулжой (XIII-XIV аср) ва бошқа ёдгорликларидан турли хил металллардан ясалган қошиқлар топилган<sup>3</sup>. Мазкур қошиқлар антик давр қошиқларидан резервуар қисмининг чуқурлиги, ясалиш усули ва безатилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Тўк қалъа (IX-XI аср) ёдгорлигидаги бронза қошиқ узунлиги 23 см, резервуар қисми тухумсимон эни 3,2 см, дастаси буралмали шаклда ясалган, эни 0,5 см га тенг (50,6-расм). Қават қалъадаги бронза қошиқнинг резервуар қисми ва дастасининг юзасига олтин суви юритилган ва қисқа геометрик нақшларда безатилган. (50,3-расм). Узунлиги 17 см, резервуар қисми диаметри 4,5x3,5 см, даста эни 0,3-0,4 см га тенг.

<sup>1</sup> Қорақалпоғ давлат ўлкашунослик музейи (ҚДЎМ). Миздакхон. Кп. 8951/2. инв. 374.

<sup>2</sup> ҚРСМ. Тупроқ қалъа. Кп. 43148. инв. 1547; Кп. 43004. инв. 1540; Кп. 43147. инв. 1546; Ягодин В.Н., Ходжаиов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. –Ташкент: Фан, 1970. -С.122.-рис.51,6.

<sup>3</sup> ҚДЎМ. Ток-каъла. Кп. 7797. инв. 102; ҚРСМ. Қават қалъа. Кп. 3772/33. инв. 260; Вишнева О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях левобережного Хорезма // МХЭ. -М., 1963. -вып.7. -С.60. -Рис.4,25; Вактурская Н.Н и Вишнева О.А. Памятники Хорезма эпохи Великих Хорезмшахов. ...-С.165: Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала...-С.526,527; ҚДЎМ. Миздакхон. Кп. 7796. инв. 105; Кп. 7746/27. инв. 40; Доспанов О.Т. О некоторых результатах раскопок Джанпик-кала в 1987-1989 гг // Новые открытия в Приарале. -М., 1991. -С.89. -Рис.11; Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Амударьи. -С.91.

Миздакхон ёдгорлигидаги қуйма қумуш қошиқнинг чуқур резервуар қисми эллипс шаклида диаметри 4x3,5 см, дастасининг юқорги томони айланмали, сақланган узунлиги 10,5см га тенг (50,4-расм). Бронза қошиқ узунлиги 17 см, даста ингичка қилиб ясалган (50,5-расм).

Уларга ўхшаш қошиқлар Ўрта Осиёда Панжакент (VIII аср), Қорабулок (IX-X аср) ва Волга бўйидаги Олтин Ўрда даври шаҳарларида (XIII-XIV аср) учрайди<sup>1</sup> (50,7,8-расм). Хоразм ёдгорликлардаги VIII-XIV асрларга оид металл қошиқлар умумий шакли бир хил бўлиб, фақат дастаси (буралмали, текис, ингичка) ва ясалиши (қуйма ва сўкма) билан бир-биридан фарқланади. Қошиқлар деярли ўзгаришга учрамаган.

К.Ф.Смирнов таъкидлашича, бронза қошиқлар қадимги сармат ва савромат қабилаларида дафн маросимларидаги аҳамиятли деталлардан бири бўлган ва аёл-қизлари мазорларида ўзига хос буюм сифатида кўпроқ учрайди<sup>2</sup>. Балки бронза ва суюқ қошиқлардан аёл-қизлар пардоз-андоз ишларида турли хил буёқлар қоришмасини тайёрлашда фойдаланилган бўлиши эҳтимол. Шунингдек, қошиқлар қабридаги асосий инвентарлардан бири ҳисобланган.

Баъзи мутахассислар таъкидлашича, металл қошиқлар уй-рўзғорда эмас, балки ҳунармандчилик ва диний маросимларда қўлланилган<sup>3</sup>. Буни Варахша ва Панжикент ёдгорликларидаги илк ўрта аср деворий расмларида олов билан боғлиқ маросимларда металл қошиқлар ишлатишини кузатишимиз мумкин<sup>4</sup>. Аммо, ёзма манбаларда кўрсатилишича XIV аср бошида металл қошиқлар рўзғорда фойдаланган. Бу ҳақида саёх Ибн Баттута (1333 йил) Хоразм амирининг меҳмондорчилиги тўғрисида «.....Тозаланган анор

<sup>1</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. ... -С. 126. рис. 80,5,7; Распопова В.И. Металлические изделия из Пенджикента (находки 1971-1998 гг.). –рис. 41; Брыкина Г.А. Карабулак. ... - С.91.-рис.62,4; Федеров-Давыдов Г.А, Вайнер И.С., Мухамадиев А.Г. Археологические исследования Царевского городища...-С.163.-Табл.Ш. VI,11.

<sup>2</sup> Смирнов К. Ф. Савроматы. –М., 1964. –С. 160-161.

<sup>3</sup> Белицкий А.М.Раскопки согдийских храмов в 1948-1950 гг. // МИА. –М., 1953. -№37. –С. 32.

<sup>4</sup> Жиповись древнего Пенджикента: Сб. статей. –М., 1954. – табл. VII; Шишкин В.А. Варахша. –М., 1963. – табл. XIV.

доналари ичига тилла қошиқлар солинган олтин ва кумуш идишларда тортилди» деб маълумот беради<sup>1</sup>.

Демак, металл қошиқлар Хоразмда ислом дини кенг тарқалгунча, яъни X асрга қадар дастлаб диний маросимларда ва хунармандчилик билан боғлиқ ишларда фойдаланилган бўлса, XI асрдан эса задогон ва амалдорлар уйларида рўзғорда фойдаланила бошланган. Биз буни, Қават қалъа (XI-XIII аср боши), Миздакхон (XIII-XIV аср) ёдгорликларидаги олтин сувида ҳалланган бронза ва кумуш қошиқ, шунингдек Ибн Баттута (1333 йил) маълумотларидан кузатишимиз мумкин.

*Ошхона идишлари* фойдаланишига кўра қозон, това, кўза ва тоғорадан иборат.

*Қозонлар.* Хоразмнинг Шох-Санам (XII-XIII аср), Жигарбант (XIII аср), Пулжой (XII-XIV аср) ёдгорликларидан ошхона идишларидан бронза ва мис қозонлар қайд этилган<sup>2</sup>. Қозонлар ясалиши, безатилиши ва фойдаланиш мақсадларига кўра 3 та шаклга ажралади.

*I шакл.* Шохсанам ёдгорлигидаги қозон бронзадан қўйма усулда тайёрланилган ва уйма, бўрттирма эпиграфик нақшлар билан безатилган (51,1-расм). Қозон баландлиги 15 см, резервуар қисми диаметри 16 см. Умумий шакли кесилган от кўринишида, таги айлана, ён деворлари бир оз қия жойлашган. Қозоннинг таги асосий қисмидан бир оз кенг. Дастаси ярим айланасимон, марказида тугма тарзли шишик бўлиб, иккала томондан эллипссимон қулоқчаларга бекитилган. Гавда қисмининг радиуси дастасига перпендикуляр бўлиб, текис ва бурама ислимий нақшлар билан тўлдирилган. Қозон девори марказидаги биринчи белбоғига насх хуснихатида ёзув битилган. Қозонга ўйма усулда эпиграфик нақш туширилмасдан олдин асосий фон чиқарилиб, идишнинг юқорги қисми текисланган. Қозондаги

<sup>1</sup> Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Ташкент, 1993. –Б. 59-60.

<sup>2</sup> Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. –М., 2001. –С.85.-рис.37,13; Рапопорт Ю.А. Раскопки городища Шах-Санем в 1952 г. // Труды ХАЭЭ. –М., 2001. –Т.2.-С.414-415.-Рис.14.

ёзувлар М.М.Дьяконов томонидан ўқилган. Ёзувларда буюм эгасига эзгу ниятдаги тилаклар билдирилган. Нақш ва ҳарфларни кўркам жилолантириш мақсадида қора рангдан фойдаланган, натижада ёзувлар ялтироқ кўринади. Иккинчи белбоғдаги ислимий ва ҳандасий нақшлар устига куфи хуснихатида ёзувлар битилган. Шунингдек, ёзувлар орасидаги тўртта чамбарга ҳайвонларнинг услублаштирилган тасвири туширилган. Улардан иккитаси қозон дастаси кулоқчаси тагида жойлашган, буларда куён кўринишидаги ҳайвоннинг чапга томон чопаётгани, бошқа иккита чамбаракда афсановий ҳайвон бурака тасвирланган. Бурака одам бошли ҳайвон кўринишидаги жонзот. Қозон тагида томчи тарзли кичкина учта туёқча жойлашган. Қозон марказининг юқорги томонидаги чамбаракда узун бўйинли қуш (лайлак) тасвирланган. Ўрта Осиёда қадимдан ҳунармандчилик буюмларига қуш тасвирини тушириш анъанавий усуллардан бири ҳисобланади. XI-XII асрлардан қушларни жонзот сифатида эмас, балки «бахт қуши» рамзида тасвирланган. Ўрта Осиё ва Эрон халқларида қуш тасвири туширилган буюмлар илоҳий ҳисобланиб, қуш бахт ва бойлик олиб келади, деб фикрлашган. Қозоннинг пастки белбоғида «... марҳаматли худодан бахт ва соғлиқ, марҳамат, қувонч» каби яхши ниятдаги тилаклар битилган. Пастки белбоғнинг бош қисмидаги ёзув маълум бир имло бўлиб, кейинги сўз тизмаси узулган. Яъни, қозонни безатиш охирига етказилмаган. Бу эса қозон ўрта қатламлар учун нусхадан кўчирма турида тайёрланган деган фикрни туғдиради. Қозон тайёрланиш усули, эпиграфик нақшларнинг ўзига хослигига кўра ва қўшни худудлардаги ёдгорликларда ўхшаш турларининг тарқалишига қараб XII асрнинг иккинчи ярми билан белгиланади.

Унга ўхшаш қозонлар Мовароуннаҳр X-XI асрлар I ярми Сағанийан ва Жанубий Туркменистон XII-XIII асрлар боши Шехр-Ислам ёдгорликларидан

топилган<sup>1</sup>. Шехр-Ислам қозоннинг шакли, ҳажми, ясаши, ҳаттоки белбоғларидаги ёзувлар ҳам бир хил бўлиб, фақат унда антропо-зооморфли (одамбошли куш-сирини) тасвирлар бир-биридан фарқланади (51,2-расм).

Безаталишидаги ўзига хослик ва тугалланмаган ёзувни ҳисобга олган ҳолда, биз Шохсанам ёдгорлигидаги бронза қозон маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган, деган хулосага келамиз. Бу даврда маданий алоқалар натижасида кувий, насх ҳуснихатида идиш соҳибига сиҳат-саломатлик, бахт-соадат, кут-барака каби эзгу тилаклар битилган бронза қозонлар Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм ҳудудларида тарқалган.

*II шакл.* Бўйинли асосга эга бронза қозон қисми (фрагмент) . Деворлари вертикал ҳолатда юқори томон кичрайган ва бўйин юқорги қисмидан бирданига эгилган. Атрофига уйма усулда араб ёзувлари туширилган. Идишнинг устки диаметри-30 см га яқин. Бронза идиш шакли XI-XII асрлардаги сопол қозонларига ўхшаш. Жигарбантдаги сўнги Хоразмшоҳлар давридаги (XIII аср) қудуқдан қайд қилинган<sup>2</sup>.

*III шакл.* Цилиндрсимон корпус, лаб қисми ташқарига қайрилган ва таги текис, бронзадан сўкма усулда ясалган. Муаллиф томонидан XIII-XIV асрлар Пулжой ёдгорлигидан топилди (52,2-расм)<sup>3</sup>.

Бундай қозонларнинг кенг тарқалганлиги тўғрисида XVI асрга (1547 йил) оид миниатюра тасвирлари маълумот беради (53-расм)<sup>4</sup>.

Ўхшаш қозонлар Шарқий Европа, Жанубий Уралдаги XII-XIV асрларга оид кўчманчилар кўрғонларидан қайд этилган<sup>5</sup>. Шунингдек, кўчманчилар ҳаётида ошхона идиши сифатида XVIII-XIX асрларга қадар кенг тарқалган.

<sup>1</sup> Ильясов Дж.Я. Художественный металл Саганиана X - первой половины XI вв.: Автореф. дис. ... канд. искусств. –Ташкент, 1998. -С. 8; Атагарриев Е.А. Материальная культура Шехр-Ислама. –Ашхабад: Ёлым, 1973. -С.67-68. -Рис.22.

<sup>2</sup> Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. –М., 2001. -С.85. -рис.37,13.

<sup>3</sup> Қорақалпоқ давлат университетида сақланмоқда. Шифр. Пулжой. 2004. қозон-1.

<sup>4</sup> Пугаченкова Г, Галеркина О. Миниатюры Средней Азии. ... –рис. 35,35а.

<sup>5</sup> Иванов В.А., Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII-XIV в.в.) ... С. 16. рис. 11,1; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. ... -С. 87. –рис. 15, в II.

*Това* – ошхона буюми. Хоразмнинг XII-XIII асрлар бошидаги ёдгорликларида темир ва мис товалар учрайди. Асосан темир, чўян, мис, сопол ва бошқада материаллардан ясалган. XII-XIII асрлар бошидаги Қават қалъа воҳаси № 9 уйдан диаметри 42 см, баландлиги 10 см, қалинлиги 0,7 см. темир това топилган (54,2-расм)<sup>1</sup>. Кўчманчилар бундай темир ва чўян товалар ёрдамида нон пиширишган. Товага хамир зуваласи солиниб, устига копоқоғи ёпилган ва това чўққа кўмиб қуйилган.

*Мис товалар* чўмичсимон шаклда ясалган. Улар Хоразмнинг XII-XIII асрлар боши Шох-санам, Қават қалъа ёдгорликларидан топилган<sup>2</sup>. Шох-санам ёдгорлигидаги тованинг устки диаметри 23 см, баландлиги 9 см, дастасига кўшимча ёғоч даста ўрнатиш учун зўғота ясалган. Қават қалъадаги това баландлиги 9 см, устки қисми диаметри 29 см, таги 21 см, дастасининг узунлиги 22,5 см (расм.51). Идиш тагига нисбатан устки қисми бироз кенг. Ташқи девордаги айланасимон параллел чизиқлар ичи учбурчак, нуқта тарзли нақшлар билан безатилган. Дастаси ҳам шу каби безатилган. Мазкур мис това бешта алоҳида қисмдан иборат бўлиб, улар махсус тишчалар орқали бир-бирига бириктирилган.

Унга ўхшаш идишлар Жанубий Туркменистон Шехр-Ислам (XII-XIII аср) ва Тувадаги Улуг-Хорум (XIII-XIV аср) храм-қўрғонларида қайд қилинган<sup>3</sup>.

Ўрта Осиё ва Кавказда бугунга қадар бундай металл идишлардан ошхонада таом тайёрлашда кенг фойдаланишди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Шифр. КВК. 1972.

<sup>2</sup> ҚДЎМ. Кават-қаъла. Кп. 7760/6 инв. 63; Рапопорт Ю.А. Раскопки городища Шах Санем в 1952 г. ... –С. 414; Вактурская Н. Н. Медные сосуды из средневекового замка Кават кала. ... –С. 195-196.

<sup>3</sup> Атагарриев Е. Материальная культура Шехр-Ислама. .. –С.65. -Рис.20,6; Грач В.А. Средневековые выпускные погребения из кургана-храма Улуг-Хорум в Южной Туве // Археология Северной Азии. – Новосибирск: Наука,1982. -С.165. -Рис.6,14.

<sup>4</sup> Атакишиева М.И. Об утвари из окрестностей г. Мингечаура // Материальная культура Азербайджана. - Баку, 1951. -С.170,172.

*Кўзалар.* Жанубий Хоразмнинг Жигарбант (X-XI аср), Қават қалъа (XII-XIII аср) ёдгорликларидан бронза ва мис кўзалар топилган<sup>1</sup>. Улар тузилиши жиҳатидан икки шаклга ажралади.

*1. Шакл.* Цилиндрсимон гавдали, бўйин қисми бироз торайган катта бронза кўзалар (55,2-расм). Жанубий Хоразмнинг Жигарбант (X-XI аср) ёдгорлигидан топилган. Ушбу бронза кўза баландлиги 67 см, гавда қисми (тулова) - 40 см, диаметри-33 см, асосининг айланаси-102 см. Кўза таглик, девор, елка, бўйин, даста қисмларидан иборат. Идиш асосига ва бўйиннинг юқори қисмига кесими айланасимон даста ковширланган. Даста пастидаги тугмадан айланасимон ҳалқа ўтказилган. Идиш бўйнидаги қоплама пластинанинг ён томонлари текис ва бироз кичирайтирилган, пастки қисмини қамраб олган. Узунчасига кесилган бронза симлар ёрдамида пластина бўйин ва дастага ўзаро мустаҳкамланган. Дастанинг юқорги ва пастки қисмига йўл-йўл тарзда айлантирилган. Бўйин қисмидаги пластина ўйма нуқталар ёрдамида учта ромб шаклда безатилган. Идиш елкасидаги икки қатор белбоғ марказий қисмига кичкина нуқталар ўйилган. Атрофининг 2/3 қисми араб ёзувига тақлид қилиб майда нуқталарда ўйиб безатилган. Унга шакллан ўхшаш идиш 1907-йили Қозон губерниясидаги Татар кишлоғидан (Татаристон Республикаси) топилган<sup>2</sup>. Мазкур идиш шакли Жигарбант кўзасига ўхшаш бўлса ҳам, ҳажми кичик(баландлиги-27 см).

В.П.Даркевич таъкидлашича, кўза IX аср иккинчи ярми X асрга оид бўлиб, Мовароуннаҳрда бундай идишлар тайёрлайдиган марказ бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, кўзадаги безак турларини илк ислом даврига хос деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup> Вишневецкая Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. -М., 2001. -С.82-84. -рис.34; Вактурская Н.Н. Медные сосуды из средневекового замка Кават кала. ... -С. 195-196.

<sup>2</sup> Даркевич В.П. Художественный металл Востока. -М., 1976. -С.76. -табл.45,7.

А.С.Меликян-Ширвани VIII-XI асрларда бронза буюмлар ясовчи учта мактабни кўрсатади<sup>1</sup>. 1) Тобаристон (ҳозирги Мозондоран) Каспий денгизига яқин. 2) Сўғд (Мовароуннахрнинг асосий қисми сифатида қараш зарур). 3) Хуросон-Шарқий Тобаристон, Жанубий Сўғд.

П.В.Даркевич гавда қисми цилиндрсимон ва бўйинли кўзалар «Мовароуннахр, Эрон ва Ироқдаги турли ҳунармандчилик марказларида ишлаб чиқарилган» дея тахмин қилади<sup>2</sup>.

Жигарбант кўзасининг ўзига хос жиҳати шундаки, юқоридаги ўхшаш кўзаларнинг ҳеч бири безатилмаган ва ҳажми кичик. Фақат бундай безак турлари Узун хазинаси ва Нишапур, Ҳирот ёдгорликларидаги металл қадахларда учрайди<sup>3</sup>. Меликян-Ширвани фикрича, бундай қадахлар ва безак турлари VII аср охиридан XI асрга қадар давом этган. Дастали кўзалар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарих ва ўлкашунослик музейларида ҳам сақланмоқда. Лекин, Жигарбант кўзасидан икки марта кичик.

Бизнингча, Жигарбант кўзаси X-XI асрларда Хоразмнинг маҳаллий ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган. Чунки, XII-XIII асрлар бошидаги Қават қалъадаги мис кўза ва това безатилиши ва ясашиш усулига ўхшаш ишланган. Балки маданий-иқтисодий алоқалар таъсирида юқоридаги безак турлари Хоразмда ҳам тарқалган бўлиши мумкин.

Этнографик материалларда ичига ярим пақирдан икки пақиргача сув сиғадиган бундай идишларни катта мис кўза, ўрта мис кўза, мисс кўзача (Хоразмда тунг тўн, танқа) деб юритилади. Ошхона идиши сифатида асосан сув, баъзан шинни ва бошқада суюқликларни сақлаш мақсадида ишлатилган.

*II-Шакл.* Цилиндрсимон гавдасининг юқори томони бир оз кенг, бўйни тор, пакана ва таги айланасимон. Бўйнидан тор, узун бурунча туртиб чиққан. Кўзанинг елка қисми атрофи айланасига кичик ўйма нақшлар билан

<sup>1</sup> Melikian- Chirvani A. S. Islamic metalwork from the Iranian worlds 8 th – 9 th Centuries. – London, 1982.- P. 23.

<sup>2</sup> Даркевич В.П. Художественный металл Востока. -М., 1976. -С.50,132.

<sup>3</sup> Вишневецкая Н.Ю.Ремесленные изделия Джигербента. -М., 2001. -С.83-84.

безатилган (56,2-расм). XII-XIII аср бошига оид Қават қалъа ёдгорлигидан топилган. У этнографик материаллардаги қумғонга ўхшаш. Кўза баландлиги 34 см, диаметри 18 см, таги диаметри 15,5 см, буйни баландлиги 6 см, оғзи диаметри 3,5 см. Деворларининг бир томони вертикал, қарама-қарши томони сал эгилган ва елка қисми қия бўлиб етарлича кенг ишланган. Даста кесими бир хил ўлчамда кесилмаган, юқори қисми охирига яқин деярлик квадрат, пастки томон аста кенгайиб тўғри бурчак ҳолатига келтирилган. Кўза ясалишига кўра бир-бирига тишчалар чиқариш усулида ўзаро бириктирилган ва қалайи билан ковширланган.

Хоразм ёдгорликларидаги қозон (II шакл), кўза, това каби мис буюмларни яшашнинг бундай оддий усули Волга бўйидаги сарматлар давридан маълум<sup>1</sup>. Қават қалъа кўзасига яқин, лекин дастасиз мис идишлар Мовароуннаҳрда мўғиллар босқинчилигига қадар Ахсикент, Қаҳқаҳа III, Чиль-Духтарон, Кетмон-Тева ёдгорликларида учрайди<sup>2</sup>. Қаватқалъа мис кўзага ўхшаш сирли сопол кўзача Эрондаги XIII асрга оид Султонобод ёдгорлигидан қайд қилинган<sup>3</sup>. Ундан дастурхон идиши сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин.

*Тогора* - цилиндрсимон шаклда бўлиб, таги текис ва бўйни манжет тарзда ишланган. У тузилишига кўра учта қисм: иккита девор ва таглик қисмларини бир-бирига тишчалар чиқариш усулида ўзаро бириктирилган. Юқорги диаметри 35,5см, таги 32,5см, баландлиги 16см, қалинлиги 0,1см га тенг. Қорақалпоғистон Республикаси Санъат музейи фондларига сақланмоқда<sup>4</sup> (56,1-расм). Ясалиш усулига кўра XI-XIII асрларга тааллуқли.

<sup>1</sup> Максимов Е.К. Сарматское погребение у С. Большая Дмитриевка Саратовской области // СА. -М., 1957. -№ 4. -С.159.

<sup>2</sup> Иванов А.А. О производстве бронзовых изделий в Мавераннахре в домонгольское время // КСИИМК. -М.: Наука, 1970. -вып.122. Табл. LXXXVII,5.

<sup>3</sup> Hobson R. L. A guide to the Islamic pottery of the Near East.-Oxford,1932.-P.53,64.-Fig.67.

<sup>4</sup> ҚРСМ. Кп. 3601. инв. 122.

*Пардоз-андоз буюмларидан* усмадон, кулоқ тозалагич, соч турмагич, қисқич, бронза мунчоқчалар, бронза ойналар буюмлар VIII-XIV асрлар ёдгорликларидан кўплаб топилган<sup>1</sup>.

Ёдгорликларидаги *усмадонлар* иккита шаклга ажралади.

*I шакл.* Резервуар қисми айланасимон, таги текис ялпоқ, новасимон киррали бурни ва алоҳида иккита айланасимон текис дастаси («саккиз тарзли») идиш асосининг юқорисида жойлашган (66,1,2-расм). У бронзадан куйма усулда тайёрланган. Якка Парсон ёдгорлигининг VIII аср қатламларидан топилган<sup>2</sup>. Унга ўхшаш мис идиш XIII-XIV асрлар Шахрлик ёдгорлигидан топилган (66,2-расм)<sup>3</sup>. Н.Н.Вактурская фикрича, идишдан рангли металлларни эритишда ёки сурма тайёрлашда фойдаланилган.

Усмадонлар Ўрта Осиёнинг Хоразм, Сўғд, Ҳисор, Яван, Тохаристан, Шош, Фарғона вилоятлари ва кўшни Сарой Берке, Хўтан, Эрон каби кўшни давлатлар худудларидаги ёдгорликларидан қайд қилинган<sup>4</sup>. Баъзи худудларда усмадонлар трансформацион ўзгачаликларга учраб, резервуар қисмининг юқори ён томонларида «қанотчалар» пайдо бўлган (66,5,6-расм). Аммо Хоразм, Сўғд ва Тохаристон усмадонлари ён томонларида «қанотчалар» йўк<sup>5</sup>. Бу локал характерда чунки «қонатсиз» усмадонлар фақат, Панжикентга хос бўлиб (66,3,4-расм), Афросиёб топилмаларининг ён томонлари қонатчалари

<sup>1</sup> ҚРСМ. Кп.22866. инв.240; Кп.40022. инв.310; Қизил-қалъа. Кп. 41218. инв.1480; Қават-қалъа. Кп.39167. инв.194; Жанпик қалъа. 40020. инв.308. Кп.3772/27-30,97,140. инв.86,250-254.

<sup>2</sup> Неразик Е.Е. раскопки Якка парсана... -С.30. -рис.14,2.

<sup>3</sup> Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. ... -С.50. -рис.6,2.

<sup>4</sup> Кабанов С.К.Раскопки жилого квартала X в.в западной части городища Варахша // Труды ИИА АН УзССР. -Ташкент,1956. -вып.VIII. -С.113.-рис.19 : Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Бойшаков О.Г. Средневековый город Средней Азии... -С.89.-рис.55; Распопова В.И. Металлические изделия из Пинжекента (находка 1971-1998 г.г.). -СПб., 1999. -С.35. -рис.40,1-2; Литвинский Б.А.Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы.( Археологические и этнографические материалы по истории культуры и религии Средней Азии). -М., 1978. -С.134-135. Табл.34,19-21; Соловьев В.С.Раскопки на поселение Ширкент в 1984г. // Археологические работы в Таджикистане (АРТ). -Душанбе, 1993. -вып.XXIV. -С.330; Богомолов Г.И., Гендельман П.И.Бытовые металлические предметы с городища Канка // ИМКУ. -Ташкент,1991. -вып.25. -С.142. -рис.1,39-40,43; Shirinov T.Sh., Matbabaev V.M., Ivanov Q.I. Kubo citi in Akmad al Farganis epoch. -Tashkent, 1998.-P.83.-Fig.34; Греков Б.Д.,Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение.-М.:Л., 1950. Рис.6; Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда ....-С.124-125.

<sup>5</sup> Распопова В.И. Металлические изделия из Пенджикента (находки 1971-1998 г.г.). -СПб., 1999. -С.35.

чиққан<sup>1</sup>. Бундай ҳалот сўнгги даврларга ҳам тауллуқли бўлиб, Қува шаҳрининг IX-аср 2-ярми ва XII асрдаги қатламларидан топилган турли шаклдаги тўртта бронза усмадондан бири учаётган қуш кўринишида ясалган<sup>2</sup> (66,6-расм). Дастаси қуш боши тарзли, резервуар қисми айланасимон, ён томонлари қуш қанотли, бурун қисми қуш қуйриғи кўринишида ўртаси новасимон кесилган. Бундай усмадонлар Хуросоннинг X-XI аср ёдгорликларидан ҳам қайд қилинган<sup>3</sup>.

*II шакл.* Айланасимон резервуар қисми таги учта туёқчали, идиш чеккасида тўртта трапеция тарзли гардиш, иккитаси вертикал ва иккитаси горизонтал жойлашган. Бронзадан қўйма усулда ясалган, диаметри-4 см, баландлиги-2,1 см. Жигарбант ёдгорлиги XII-XIII асрлар қатламларидан топилган<sup>4</sup>. У Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги X-XI асрларга оид бронза қозонлар нусхаларига ўхшаш<sup>5</sup>. Усмадондаги вертикал жойлашган гардишлар бронза қозонлар дастасига тақлид қилиб ясалган. Унга ўхшаш шаклдаги пардоз-андоз идишлар Б.А.Литвинский томонидан Ғарбий Фарғонадаги қабрларда ўрганилган<sup>6</sup>.

Металл усмадонлар VIII аср I ярмидан Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларига араблар истилосидан сўнг халифалик таркибидаги Сосонийлар Эрони моддий маданиятининг айрим намуналари тарқалиши таъсирида кириб келган<sup>7</sup>. Ушбу идиш VIII аср охирида уч қисмдан: ярим доира тарзли резервуар қисми, новасимон тўртиб чиққан бурни ва геометрик шаклдаги дастадан иборат бўлган.

<sup>1</sup> Ахунбабаев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. -Самарканд, 1999. -С.94. -Табл. XL, III.

<sup>2</sup> Мағбабобоев Б.Х., Грицина А.А. Кувинские усмадоны // ИМКУ. -Самарканд, 2004. -вып.34. -С.199. -рис.3.

<sup>3</sup> Melikian-Chirvani. A.S. Islamic metalwork from Iranien Worlds 8 th- 9<sup>th</sup> Centuries.-London.1998.-P.51.-Fig.15: Мағбабобоев Б.Х., Грицина А.А. Кувинские усмадоны. // ИМКУ. -Самарканд, 2004. -вып.34. -С.199.

<sup>4</sup> Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. -М., 2001.-С.85.-рис.35,10.

<sup>5</sup> Melikian-Chirvani A. S. Islamic metalwork from the Iranifn worlds 8 ht – 9 th Centuries.- Iondon 1982.- p.48, №10;p.180, №80,80a.

<sup>6</sup> Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы... -С.134-135, табл.34,21.

<sup>7</sup> Соловьев В.С. Раскопки на поселение Ширкент в 1984 г. // АРТ. -Душанбе, 1993. -вып. XXIV.-С.330.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё худудидаги ўрта аср усмадонлари бир ёдгорликда топилишидан қатъий назар шаклан бир-бирини такрорламайди, бу эса маҳсулот буюртма асосида тайёрланиб, харидор томонидан юқори боҳаланганлигини кўрсатади.

Усмадонларнинг фойдаланиш мақсади бугунги кунга қадар баҳсли мунозорага сабаб бўлмоқда. А.М.Беленицкий таъкидлашича, бу «заргарлик устахоналарида рангли металл эритишда фойдаланиладиган буюм» деб ҳисоблайди. Бу фикрни Кўҳна-Урганч ва Янги Сарой топилмалари асосида Г.А.Федоров-Давыдов<sup>1</sup>, Миздакхон тигеллари бўйича М.-Ш.Қдирниязовлар ҳам қувватлайди<sup>2</sup>. С.К.Кабанов ва В.И.Распоповалар бундай идишларни фақат пордоз-андоз ва дори-дармон аралашмаларини тайёрлашда ишлатилган, деган хулосага келади<sup>3</sup>. Этнографик материаллар асосида Б.А.Литвинский ва Д.К.Мирзаахмедовлар уларни пардоз-андоз буюми усмадон дея таъкидлайди<sup>4</sup>. Усмадонлар трансформацион ўзгаришларга учраган ҳолда бизнинг давримизгача етиб келган ва Самарқанд аҳолиси «усмаджумак» деб аташади (66,7-расм)<sup>5</sup>.

*Кулоқ тозалагичлар.* Хўрозқанд шаклида бронзадан қуйма усулда ясалган (уховертка)<sup>6</sup>. Баландлиги 2,3 см, эни 1,8 см, қалинлиги 0,2 см, кичик қошиқча ёки тугма тарзли пастки таёқча қисми синган (57,1-расм). У XI-XIII асрлар бошига оид ҳисобланади. Ўхшаш бронза буюмлар Панжикент (VIII

<sup>1</sup> Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала XV-XVII вв. ... -С.526: Федоров-Давыдов Г.А., Вайнер И.С., Гусева Т.В. Исследования трех усадеб на восточном пригороде Нового Сарая. -С.118,119. Табл.V,13.

<sup>2</sup> Кдырнйазов М.-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв.: Рукопись дисс. док. ист. наук.-Самарканд. 2005. -Альбом. - Рис.107,3.

<sup>3</sup> Кабанов С.К. Раскопки жилого квартала X в. в западной части городища Варахша // Труды ИИА АН УзССР. -Ташкент, 1956. -вып. VIII.-С.113: Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. -Л.: 1980. -С.125.

<sup>4</sup> Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы...-С.134-135: Мирзаахмедов Д.К.Ещё раз к вопросу о керамике с зеленой поливой из Пайкенда // ИМКУ. -Самарканд, 1998. -вып.29. -С.117.

<sup>5</sup> Сухарева О.А.К вопросу о литье металлов в Средней Азии // Занятия и быт народов Средней Азии. -Л., 1971. -рис.9.

<sup>6</sup> Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейида сақланмоқда. Кп. 22866. инв. 240.

аср), Мовароуннахр (X аср) ёдгорликларидан қайд этилган (57,2,3,4-расм)<sup>1</sup>. В.И.Распопова, Д.А.Фахретдиновалар таъкидлашларича, бундай буюмлар кулоқ тозалашда ишлатилган дея таъкидлайди.

*Соч турмагичлар.* Ҳаял-қизлар безак буюмларидан бири соч турмагичлар XIII-XIV асрлар Хазорасп, Жанпиққалъа, Миздакхон ва бошқа ёдгорликларидан топилган. Хазорасп ёдгорликларидаги соч турмагичнинг юқори бинафша гули тарзли қисмига қимматбаҳо тошлар қадалган, иккинчисининг юқори қисми айри пастки юзаси геометрик чизиқлар билан безатилган (49,1,2,3-расм). Шунингдек, бронза симлардан оддий симкори услубда ясалган соч турмагичлар ҳам учрайди.

*Бронза кўзгулар.* Воҳада бронза кўзгулар Тозабөгёп маданияти (мил.ав. II минг йиллик II ярми) Байрам-қазған маконидан топилган<sup>2</sup>. Кўзгунинг орқа томонида тугма тарзли дастаси бор. Диаметри 5,6 см. Антик даврдаги Тупрок қалъа, Қойқирилган қалъа ёдгорликларида доирасимон безатилмаган бронза кўзгулар учрайди<sup>3</sup>.

XIII-XIV асрлар Жанпиқ қалъа, Миздакхон, Шемаха қалъа, кўчманчилар кўрғонлари, карвон-саройлар, кишлок ёдгорликларидан кўплаб бронза кўзгулар топилган<sup>4</sup>. Диаметри 6-10 см, қуйма тайёрланган. Кўзгулар безатилиши асосида учта шаклга ажралади.

*I шакл.* Орқа томони текис ён томонлари гардишли безатилмаган бронза кўзгулар (67,8-расм).

<sup>1</sup> Распопова В.И. Металлические изделия из Пенджикента (находки 1971-1998 гг.). ... -С. 30. -рис. 30,7,8,11; Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. - Ташкент. Изд.им. Гафура Гуляма, 1988. -С. 52.

<sup>2</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья... -С. 133. -рис. 67,18.

<sup>3</sup> Топрак-кала. Дворец. ... -С. 229; Кой-крылган-кала памятник культуры древнего Хорезма. ... -С. 147. -рис. 59.

<sup>4</sup> ҚРСМ. Жанпиқ қалъа. Кп. 3772/29-30. инв. 252-254. Кп. 3772/27. инв. 250; ҚДЎМ. Миздакхон. Кп. 8951/19. инв. 391; Доспанов О.Т, Торежанова Н.Ж. К изучению металлических изделий из городища Джанпык-калы // ИМКУ. -Самарканд, 1999.- С. 291.- рис. 1; Торебеков М., Қдырниязов М-Ш. Археологические раскопки в золотоордынском Миздахкане// Археологические открытия (АО). - М., 1989. - С. 464; Қдырниязов М-Ш. Зеркала с изображением драконов из Миздахкана // Вестник ККОАНРУ. -Нукус, 2000. -№ 3. - С. 70-71. - рис. 1; Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта. ... - С. 161. -рис. 51, III; Маньлов Ю.П. Археологические исследования караван-сараев центрального Устюрта. ... -С. 117. -рис 6,12;8 13; Неразик Е.Е. Сельские жилище в Хорезме. ... -С. 128, 134, 150.

*II шакл.* Геометрик-ўсимликсимон нақшлар билан безатилган кўзгулар. Безатилишидаги баъзи ўзигачаликлари кўра беш хил:

1) чамбар ичидаги гул ғунчалари геометрик тарзда туташтирилган (67,5-расм); 2) геометрик нақшлар асосий чамбарга ярим айлана ёки ёйсимон тарзда туташтирилган ва марказий чамбарда бинафша гули тасвирланган (67,9-расм); 3) асосий чамбарнинг бурчакларига симметрик айланасимон тўртта чамбарак ва марказий чамбар геометрик тарзда гул япроқлари билан безатилган (67,1-расм); 4) Асосий чамбар ичидаги чамбараклар халқасимон занжир тарзда туташган ва марказий қисми ҳам чамбарак тарзида безатилган (67,4-расм); 5) асосий чамбар ичида параллель чамбарлар ўртаси ўсимликсимон нақшлар билан безатилган (67,3-расм).

*III шакл.* Зооморфли ва геометрик ўсимликсимон нақшлар билан безатилган бронза кўзгулар бешга ажралади.

1) чопаётган кўринишдаги тўртта тоғ эчкилари ёки кийик шоҳлари бир-бирига тутшиб марказида квадрат пайдо этади (67,2-расм); 2) жуфт балик атрофи геометрик нақшлар билан безатилган (67,7-расм); 3) бир-бирини қувлаётган иккита аждарҳо атрофи геометрик нақшлар билан безатилган. Диаметри 12,5 см га тенг. Бошқа ойналардан ўзгачалиги саккиз қиррали тарзда ясалган (67,6-расм); 4) одам бошли, қанотли ва узун қуйруқли шернинг геральдикалик тасвири атрофи «насах» хуснихатидаги ёзувлар билан безатилган. Ўхшаш ойналар XIII-XIV асрлар Булғор ёдгорликларида учрайди<sup>1</sup>; 5) ўсимликсимон нақшлар ва қанотларини ёзган турна тарзли қуш тасвирланган (67,10-расм).

Уларга ўхшаш кўзгулар Жанубий Урал XII-XIV асрларга оид қипчок мозор кўрғонларида учрайди (расм.64,1)<sup>2</sup>. Шунингдек, Хоразм ёдгорликларидаги гул ғунчалари (шакл II.1), чопаётган тўртта ҳайвон (шакл

<sup>1</sup> Федоров-Давыдов Г.А. Искусство кочевников и Золотой Орды. -М., 1976. - С. 165.

<sup>2</sup> Иванов В.А., Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII-XIV в.в.). ... -С. 19. -рис. 4,15; 11,3,7,19; 13,20; 14,16.

Ш,1), жуфт балиқ (шакл Ш,2) ва жуфт аждарҳо (шакл Ш,3) тасвирланган бронза кўзгуларга ўхшаш кўзгулар Узоқ Шарқ, Булғор (Билляр, Увек), Янги Сарой ва Маджар худудларидаги ёдгорликларда учрайди<sup>1</sup>.

Ушбу шаклдаги бронза кўзгулар дастлаб Хитой ёки Узоқ Шарқдаги Чжурчжен маданияти хунармандчилик марказларида тайёрланган. Кўзгулардаги тасвирлар XIII-XIV асрларда Хоразмда маҳаллий хунармандлар томонидан ўзлаштирилган. Буни биз, чопаётган тўртта ҳайвон (VII шакл) ва жуфт балиқ (шакл VIII) кўзгулари тасвирлардаги ўзгачаликларда кўришимиз мумкин. Узоқ Шарқ ёдгорликларидаги бронза кўзгуларда асосан карп балиғи, Хоразм ёдгорликларидаги кўзгуларда эса сувен (усач) тасвири қайд қилинган<sup>2</sup>. Жанубий Урал кўчманчилар ёдгорликларида чопаётган тўртта ит ва марказида чамбар тасвирланган бўлса<sup>3</sup>, Хоразм ойналарида (шакл Ш,1) шохлари ўзаро туташуши натижасида квадрат ҳосил қилинган кийик тасвирланган (расм.64,1-2) .

Хоразмдаги геральдикалик шер (шакл Ш,4), чамбараклар (шакл II,3) билан безатилган ойналарга ўхшаш ойналар Ўрта Осиёда (Семиречье) ва Эрон худудидаги ёдгорликларда қайд қилинган<sup>4</sup>. Эрон намуналаридаги бронза ойналар XIV аср Олтин Ўрда шаҳарларида ҳам учрайди<sup>5</sup>.

Маданий, савдо-иқтисодий алоқалар натижасида XIII-XIV асрларда Ўрта Осиё, Узоқ Шарқ, Эрон хунармандчилиги намуналаридаги бадий тасвирлар Хоразм маҳаллий хунармандлар томонидан ўзлаштирилган.

*Махсус аҳамиятга эга бўлган буюмлари.* Воҳа ёдгорликларидан бронза чироқ, катта ва кичик тарози паллалари, оғирлик тошлари ва бошқада хўжалик ва рўзғорда ишлатиладиган буюмлар қайд қилинган.

<sup>1</sup> Шавкунов Э.В. Клад чжурчженских зеркал // МИА. -М., 1960. -№ 86. рис. 6; Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. ... -С. 81-82.

<sup>2</sup> Павловская Л.П. К вопросу о видовой принадлежности и скульптурного изображения рыбы из Амударьинского клада // АП. -Ташкен: Фан, 1982. -вып. 1. -С. 122-125.

<sup>3</sup> Иванов В.А., Кригер В.А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII-XIV в.в.) ... -С. 19. -рис. 4,15; 11,7.

<sup>4</sup> Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. -М., 1965. -С. 213.- рис. 229.

<sup>5</sup> Федоров-Давыдов Г.А. Искусство кочевников и Золотой Орды. -М., 1976. -С. 165-166.

*Бронза чироқлар.* Хоразмнинг XII-XIII асрлар боши Қават қалъа, Қизил қалъа, Шемаха қалъа ва қишлоқ маконлари ёдгорликларидан бронза чироқ қисмлари қовур устун (ствол), кўза, туёқча, пастки таглик ва бошқада қисмлари топилган<sup>1</sup>. Булар орасида бронзадан кўйма ясалган, от туёғи тарзли чироқ туёқлари кўплаб учрайди (65,3,4-расм) (7 дона). Ҳажми ҳар хил: узунлиги 10,5 см, баландлиги 5 см, қалинлиги 0,3 см; 5х3,5х0,3 см; 6,5х4х0,3 см; 5х4,5х0,3 см; 8х6х0,3 см; 6,5х3,5х0,3 см; 8,7х6,5х0,4 см га тенг. Қават қалъа, Қизил қалъа ёдгорликларидаги қовур устун (ствол) қисмлари новасимон ичи ковак шаклида ясалган<sup>2</sup> (65,2-расм). Ҳажми: 35х3х0,2 см; 16х5,5х0,2 см; 8,5х5,5х0,2 см га тенг. Чироқ қисмларидан цилиндрсимон кўзачаларнинг иккала томони ҳам очиқ ясалган (65,1-расм). Ҳажми; баландлиги 16 см, юқорги диаметри 11,2 см, пастки дм 12,2 см, қалинлиги 0,2 см га тенг<sup>3</sup>. Баъзи чироқ қисмлари геометрик нақшлар билан безатилган<sup>4</sup>. Жумладан, Қават қалъадаги чироқнинг ликобча қисмининг ичига айланасимон чизиқлар ўртаси ва ён томонлари эпитаффик нақшлар билан безатилган. (64,1-расм). Унинг диаметри 17,5 см, баландлиги 2,5 см, қалинлиги 0,2 см. Шунингдек, чироқнинг устун (ствол) қисми ҳам геометрик нақшлар билан безатилган (64,2-расм). Баландлиги 27см, диаметри 5 см, қалинлиги 0,7 см га тенг<sup>5</sup>. Барча қисмларини ўзида жамлаган бронза чироқ 1972 йили Қават қалъа ёдгорлигидан топилган (63,1-расм)<sup>6</sup>. Чироқ учта туёқ, таглик, кўзача, қовур устун ва устки ликобча қисмларидан иборат. Унинг баландлиги 50 см га тўғри келади.

<sup>1</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Кп. 3771/688. инв. 1607; Миздакхон Кп. 41208. инв. 1482; Кп. 3772/682. инв. 1582; Кп. 44677. инв. 1612; Кп. 3772/686. инв. 217; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме. ...-С.82-83,187: Государственный музей искусства Каракалпакской АССР. Автор-составитель И.В.Савицкий. -М.: Искусство, 1976. -С.9.-рис.12,13; Вактурская Н.Н.О раскопках на средневековом городе Шемаха кала.-рис.28,3,4,6,7.

<sup>2</sup> ҚРСМ сақланмоқда. Кп. 41209. инв. 1481; Кп. 9998/2. инв. 223; Кп. 9998/6. инв. 1767.

<sup>3</sup> Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи. Кп. 3772/136. инв. 227; Кп 39105. инв. 132.

<sup>4</sup> Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи.(ҚРСМ). Қават қалъа. Кп. 9998/23. инв. 221.

<sup>5</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Кп. 9998/1. инв. 214.

<sup>6</sup> ҚРСМ. Қават қалъа. Кп. 44061. инв. 119.

Унга ўхшаш бронза чироқлар Тараз, Шехр-Ислам, Ахсикент, Саганиён ва бошқада ёдгорликларда учрайди<sup>1</sup>. Бронза чироқлардан одатда, ўзига тўқ, бадавлат ойлалар фойдаланишган. Баъзи тадқиқотчилар чироқларни олов билан диний жиҳатдан боғлиқ деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>. Археологик манбалар Хоразмшоҳлар даври (XI-XIII аср боши) шаҳар ва қишлоқ маконларида бундай бронза чироқлардан кенг фойдаланганликларини кўрсатади.

*Тарози паллалари ва оғирлик тошлари.* Доирасимон кичик тарози паллалари юпқа мис пластинадан ясалган. XII-XIII асрлар Қават қалъа ёдгорлигидан топилган (3 дона)<sup>3</sup>. Паллалар ҳажми; биринчиси диаметри 7 см, чуқурлиги 1,3 см (62,1-расм); иккинчиси диаметри 5,3 см, чуқурлиги 1,5 см; учинчиси диаметри 4,5 см, чуқурлиги 1 см га тенг (62,2-расм). Юқорги учта жойидан тешикчалар тешилган.

Уларга ўхшаш тарози паллалари XIV аср Тошкент атрофида сохта танга куйувчи устахонадаги заргарлик асбоблари орасидан топилган<sup>4</sup> Мис паллалари диаметри 5 см ва 5,2 см, баландлиги 1 см ва 1,2 см га тенг.

*Оғирлик тошлари* кубик ва цилиндрсимон шаклларда бронзадан қўйма усулда ясалган. Уларнинг ташқи қисми нуқталар ва зиг-заг тарзли геометрик чизиқлар билан безатилган. Баъзиларида бундай безаклар йўқ ёки занглаш сабабли ўчиб кетган. Бундай оғирлик тошлари XII-XIII асрлар боши Қават қалъа, XIII-XIV асрлар Жанпикқалъа, Миздакхон маҳаллаларидан топилган (62,3-6-расм)<sup>5</sup>. Цилиндрсимон оғирлик тошлари ҳажми; биринчиси 2,1x1,6 см; иккинчиси 2,1x1,4см; Кубик тарзли тошлар ҳажми; биринчиси 1,5x1,5см;

<sup>1</sup> Атагарриев Е.А. Материальная культура Шехр Ислама. ...-С.66, рис.21: Воронина В.Л. Бронзы Ахсикета из коллекций А.И.Смирнова // Сб.: Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура) .-М., 1977. -С. 134-135.-рис.36; Ильясов Дж.Я. Художественный металл Саганиёна X – первой половины XI вв.: Автореф. дис. ... канд. искусств. –Ташкент, 1998. -С. 9-10.

<sup>2</sup> Сенигова Т.Н. Осветительные приборы Тараза и их связь с культом огня // СА. –М., 1968. -№ 1 .-С. 210, 213, рис.26: Сенигова Т.Н. Средневековый Тараз.- Алма Ата, 1972. -С.163.

<sup>3</sup> ҚРСМ. Кават қалъа. Кп. 3772/755. инв. 57-58; Кп. 3772/766. инв. 54.

<sup>4</sup> Массон М.Е. Клад утвари мастерской фальшивоманетшика XIV века под Ташкентом. // Материалы Уз комстарса. –Ташкент, 1933. -вып. 4.- С. 6-7.

<sup>5</sup> ҚРСМ. Кават қалъа. Кп. 39169. инв. 196; Кп. 41095/65. инв. 1344; Жанпик қалъа. Кп. 3772/102. инв. 89; Кп. 3772/33. инв. 88; Кп. 3772/94. инв. 80.

иккинчиси 1,5x1,3 см; учинчиси 1,2x1 см. Цилиндрсимон 2,1x1,6см ҳажмдаги бронза тош оғирлиги 22 грамм, 25 мгграмм; кубик тарзли 1,5x1,3 см бронза тош оғирлиги 15,8 грамм (62,4-расм). Уларга ўхшаш мис паллалар ва бронза тошлар XII-XIII асрлар бошидаги Дарёликқўл маконида ҳам қайд қилинган<sup>1</sup>.

Қадимги руснинг IX-XI асрлар Гнэдова мазор кўрғонларидан цилиндрсимон тарзли бронзадан ясалган оғирлик тошлари ва обкаш тарзли тарози ўқи (стержень) қурилмаси топилган (62,8-расм)<sup>2</sup>. Тошлар темирдан кўйма ясалган ва ташқи қисми бронза билан қопланган. Тошларнинг ташқи қисмидаги белгилар оғирлик ўлчам бирликларини англатган. Оғирлик тошлари шакли дастлаб кубик, сўнгра цилиндрсимон тарзли (14-қиррали) бўлган. IX асрдан савдо-иқтисодий алоқалар натижасида Қадимги Рус ерларида кумуш дирҳамлар кенг тарқала бошлайди. Дирҳамларнинг кўпчилиги ярим, чорак ёки бошқада бўлаклардан иборат бўлган. Дирҳамларни ўлчаш мақсадида савдогарлар бундай тарозиларни безатилган ёғоч қутичаларда доимий ўзлари билан бирга олиб юришган.

Ўхшаш кичкина тарози қурилмаси Ўрта Осиёда VII-VIII асрлар Панжикент ёдгорлигидан қайд қилинган<sup>3</sup>. Кичкина тарози обкаш тарзли темир ўқ (стержен) ва палладан иборат (62,7-расм). Палла текис темирдан баркаш тарзли ясалган. В.И.Распопова таъкидлашича, бундай тарозилардан заргарлик ва дорихона ишларида фойдаланилган.

Этнографик материалларда тузилиши ўхшаш тарозилар XIX-XX асрлар бошидаги Бухоро заргарлик асбобларида учрайди<sup>4</sup>. Бронзадан ясалган оғирлик тошларига ўлчам бирликларини англатувчи нуқталар уйилган. Тарози тошлари етти хил: 20,10,5,4,3,2,1 мисқол (1 мисқол - 3,8грамм)

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). –М.:Наука, 1976. –С. 110.

<sup>2</sup> Авдусин Д.А. Основы археологии. –М.: Высшая школа, 1989. –С. 265. –рис. 91,3-5.

<sup>3</sup> Распопова В.И. Металлические изделия из Пенджикента (находки 1971-1998 гг.). ... –С. 32-33. –рис. 34,1-3.

<sup>4</sup> Ниязова М. И. Древние и средневековые ювелирные изделия как источник по истории культуры Бухары (по археологическим материалам): Дис. ... канд. ист. наук. –Самарканд, 2007. –С. 92-93. –табл. LXII, LXIV.

оғирликда бўлган. Тарози ва оғирлик тошлари ташқи қисми безатилган махсус қутичаларда сақланган.

Демак, Хоразм ёдгорликларидаги мис паллалари ва бронза тошлар майда оғирликдаги маҳсулотларни ўлчашда фойдаланувчи тарози қурилмаси қисмлари ҳисобланади. Тарози марказий қисми қўзғалмали стерженга бекитилган, обкаш тарзли мослама металдан иборат. Қўзғалмали стержен шифтга ёки бошқа бирор нарсага осиб қуйилган. Обкаш тарзли мослама металнинг иккала ён томонларидаги айланасимон тешикчага металл халқа бириктирилган. Халқаларга вертикал ҳолатда урта жойидан мис паллалар иплар ёрдамида осиб қуйилган. Мис паллалар биттасига оғирлик тоши, иккинчисига маҳсулот қуйилган ва вазни аниқланган.

Бундай тарози ва оғирлик тошларидан Ўрта Осиёда VII-VIII асрлардан XX аср бошларига қадар заргарлик, дорихона ва савдо-сотик ишларида кенг фойдаланилган.

Кўҳна-Урганч ёдгорлигининг XIV-XV асрлар қатламларидан иккита катта бронза палла топилган (48,1,2-расм)<sup>1</sup>. Паллалар айланасимон параллель чизиқлар билан безатилган ва чеккасининг урта жойидан халқалар бекитилган. Этнографик материалларда нарсанинг оғирлигини билиш учун темирдан катта-кичиклиги бир-неча хил қилиб ясалган тарозилар мавжуд<sup>2</sup>. Тарозилар палла, шайин, дарвозахона (шайиннинг ўртасидаги кўприк), индалло ёки қоравул (дарвозахона тили), даста (дарвозахонанинг тепасида бўлади) қисмларидан иборат. Демак, ёдгорликдаги паллалардан обкаш тарзли тарози мосламасига иплар билан осиб қуйилган ва нарсанингоғирлигини аниқлашда тарози палласи сифатида фойдаланилган.

*Флакочик.* Катта бўлмаган шар тарзли, кичик бўйин ва айланасимон тагликдан иборат (47,6-расм). Ташқи қисми енгил безатилган. Дори-дармон

<sup>1</sup> Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала XV-XVII вв. на городище Таш-кала в Ургенче. ... –С. 526. –рис. 9.

<sup>2</sup> Иброҳимов И. Фарғона шеваларнинг касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1959. –Б.353-354.

ва атир-упа солиб қўйиш мақсадларида ишлатилган бўлиши керак. Хоразмнинг XIII-XIV асрлардаги Талайхон-ота карвон-саройидан топилган.

*Қўнғироқлар.* Хоразмда дастлабки бронза қўнғироқлар антик даврдаги Тупроқ қалъа, Қуйқирилган қалъа ёдгорликларида учрайди<sup>1</sup>. Тупроқ қалъадаги биринчи бронза қўнғироқ баландлиги 2,3-2,5 см, диаметри 1,8 см, иккинчи бронза қўнғироқчага олтин сувида ишлов берилган. Антик даврда кичик қўнғироқчаларидан безак буюми сифатида фойдаланилган.

Хоразмнинг афригийлар даври №19 қўрғон, XI-XIII асрлар боши чап соҳил қишлоқ маконларидан №712, 717 архео-топографик нуқталар, Дарёлик кўл макони, XIII-XIV асрлар Шахрлик ва Миздакхон маҳаллаларидан кўплаб бронза қўнғироқлар топилган<sup>2</sup>. Миздакхон маҳалласидаги бронза қўнғироқ баландлиги 5 см, диаметри 3,7 см га тенг. Хоразмнинг чап соҳил № 712,717 нуқта қишлоқ маконларидаги қўнғироқлар ҳажми: биринчиси, 4,5x4,3x0,1 см; иккинчиси, 5,3x3,7x0,1 см; учинчиси, 4,5x3, 8x0,1 см га тенг (60-расм). Қўнғироқларнинг юқорги қисмига махсус қулоқча ва ўртасида осиб қуйиш учун кичик тешикча тешилган. Бронзадан қуйма тайёрланган. Бронза қўнғироқлардан болани овунтириш учун бешикларга ёки савдо карвонлардаги туялар бўйнига осиб қуйилган бўлиши мумкин. Ўрта аср ёдгорликларидаги бронза қўнғироқлар ҳажми катталашган ва тузилиши конуссимон бўлишига қарамасдан, бир-биридан айрим жиҳатлари билан фарқланади.

*Зооморфли металл буюмлар.* Хоразмнинг антик ва ўрта асрлар археологик топилмалар орасида қушлар ва ҳайвонот дунёси вакилларининг сопол ва металл ҳайкалчалари учрайди<sup>3</sup>. Антик даврдаги Аяз қалъадан ( I-II

<sup>1</sup> Топрак-кала. Дворец.... –С. 227. –рис. 90,3,16; Кой-крылган-кала памятник культуры древнего Хорезма. –табл. XVI, 14,16.

<sup>2</sup> Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма. Рис. 67, 8, 9; ҚДСМ. Чап соҳил қишлоқ маконлари. 712,717 нуқта. Кп. 40078/1-3. инв. 760-762; Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях левобережного Хорезма. ... - С. 60.- рис. 4, 23; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме. ... Рис. 59, 6; Қарақалпоғ давлат ўлкашунослик музейи. Миздакхон. Кп. 7646/38. инв. 51.

<sup>3</sup> Хорезмский терракоты // Культура и искусства древнего Хорезма. –М., 1981. –С. 184-194.

аср) туя ва чўчка, Бургутқалъадан хўрозча (I-II аср), Жетиасар ёдгорлигидан (III-IV аср) фил тарзидаги бронза шокилалар аниқланган<sup>1</sup>.

Куюк-қалъанинг VII-VIII асрларга оид шаҳар қабристонидан қанотли от тарзли шокила (подвеска) топилган<sup>2</sup>. Шокила бронзадан қуйма ясалган, узунлиги 5,5 см, баландлиги 6 см, қалинлиги 0,3-0,6см ( 57,6-расм).

Шарқ халқларида қанотли отларни тасвирлаш қадимдан мавжуд бўлиб, дастлабки тасвирлар мил. ав. I минг йилликга оид Оссурия мухрларига туширилган. Ўрта Осиёда VI-VIII асрларга оид Балалик-тепа, Афғонистондаги Бамиан деворий расмларида, XI-XIII асрларда Византияга ташқи савдога чиқариладиган Сўғдликларнинг ипак газламаларида, шунингдек, сўнги ўрта асрларга оид миниатюрларда ҳам қанотли отлар тасвирланган<sup>3</sup>. Қанотли отлар Ўрта Осиё халқлари тасаввурларида муқаддас ва илоҳий ҳайвон ҳисобланган.

От ҳайкалчаси тарзли безак буюми от буйни ва кўкрак қисмидан иборат, бронзадан қуйма усулда ясалган ( 57,5-расм)<sup>4</sup>. Баландлиги 3 см, эни 2,8 см, ички қисми оралиғи 1,7 см ковак бўлиб, ён томонлари қалинлиги 0,2 см. Бронза буюм ясалиши, ўзига хослиги билан XII-XIII асрлар бошига оид ҳисобланади. От ҳайкалчаси сувинер ёки безак буюм сифатида ишлатилган бўлиши мумкин. Шунингдек, от шаклли бронза шокила Панжикент (VII-VIII аср),<sup>5</sup> сопол от ҳайкалчалари Жанпикқалъа (XII-XIV аср) ёдгорликларидан топилган (57,7-расм)<sup>6</sup>.

Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятида от тушунчаси кенг қўлланилган ва инсонга дўст, муқаддас ҳайвон сифатида улуғланади.

<sup>1</sup> Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1988. -С. 32-33.

<sup>2</sup> Мамбетуллаев М.М. Раннесредневековая Куюккала // Вестник МИЦАИ. –Самарканд-Бишкек, 2005. -№2. – С. 40. –рис. 4.

<sup>3</sup> Ремпель Л. И. Цеп времен. Векпвые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. –Ташкент, 1987. -С.44-46. -Илл.15,б,в,г,д..

<sup>4</sup> Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи (ҚРСМ). Кп. 22865. инв. 241.

<sup>5</sup> Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. .. - С. 118. –рис. 78, 3; Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана ....-С. 40.

<sup>6</sup> Алиакбарова А. Ремесленный комплекс Джампык калы. ... –С. 91. –рис. 4.

Геродотнинг массагетлар ҳақидаги ҳикоясида «Улар ибодат қиладиган ягона тангри-қуёшдир. Қуёш худосига отни қурбонлик учун келтирадиларки, ғайратли тангрига ғайратли ва тез чопар жонлиқни қурбон қилиш лозим деб ҳисоблайдилар»<sup>1</sup>. Турк қабилаларида ҳам кўк тангрига бағишлаб баланд тоғларда қора қашқа отни қурбонлик қилганлар.

«Алпомиш» достонида Бойчибор (оти) Алпомишнинг содиқ ва ҳақиқий дўсти сифатида куйланади. Бундай отни улуғловчи қўшиқ, достон, мақоллар, эртақ, ривоятлар халқ оғзаки ижодиётида кўплаб учрайди.

*Қуш ҳайкалчаси.* Хоразмнинг X-XI асрлар Замахшар, XII-XIII асрлар боши Қизил қалъа ёдгорликларидан қуш ҳайкалчалари топилган (58,1-4-расм)<sup>2</sup>. Ҳайкалчалар бронзадан қуйма ясалган. Унга ўхшаш бронза ҳайкалчалар (Замахшар) Жанубий Туркманистоннинг Шехр-Ислам ёдгорлигидан аниқланган<sup>3</sup>. Қизил қалъа ёдгорлигидаги қуш ҳайкалчасининг ички қисми ковак, баландлиги 5,3 см, энига 5,5 см (58,4-расм). Ўхшаш феруза рангда сирланган сопол каптар ҳайкалчалари XIII-XIV асрлар Сарой Берка ёдгорлигидан қайд қилинган (58,5,6-расм)<sup>4</sup>.

Ақшахон қалъа (мил. ав. V-IV аср) деворидаги ҳукмдор тожи ва III аср 2-ярми IV аср бошидаги Хоразм тангаларида ҳукмдор Вазамирнинг тожи тасвири ҳам қуш кўринишида ифодаланган<sup>5</sup>. Тождаги қушлар илоҳий ҳукмдор маъносини англатган. Демак, қушлар қадимдан рамзий маънода илоҳий жонзот сифатида ифодаланган.

Ўрта Осиё халқларида қадимдан қуш ва отларининг бахт ва омад тимсолидаги рамзий тушунчалари ўрта асрларда ҳам давом этган.

**II боб бўйича хулосалар:** Демак, VIII-X асрларга оид Хоразм археологик ёдгорликларида металл буюмлар сонининг камлиги, безатилиш

<sup>1</sup> Древние авторы о Средней Азии. –Ташкент, 1940. –С. 21.

<sup>2</sup> ҚРСМ. Қизил қалъа. Кп. 3602. инв. 239; Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. ....-рис. 91,5.

<sup>3</sup> Атагарриев Е.А. Материальная культура Шехр Ислама.... -С.65. -рис. 20,13,15-16.

<sup>4</sup> Греков Б.Д, Якубовский А.Ю. Олтин Ўрта ва унинг кулаши. –Тошкент, 1956. –расм. 38.

<sup>5</sup> Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. ...-С. 27.

ва тайёрланиш усулларининг оддийлиги кузатилса, XI-XIV асрларда уларнинг сони кескин кўпайиши, ишлов бериш техникаси такомиллашуви ва буюмлар ҳажмининг катталашуви сезилади. Ёдгорликлардаги металл топилмаларнинг трансформацион, инновацион, традицион тамойиллар асосидаги таҳлили меҳнат қуроллари, уй-рўзғор ва хўжалик буюмларидан: кетмон, болта, болта-теша, арра, теша, ўрок, пичоқ, қайчи, ранда, занжир, қозик, мих, омбур каби маҳсулотларнинг аввалдан рационал (мақсадга мувофиқ, мос равишда) ихтиро қилганликдан асрлар давомида деярли ўзгаришларга учрамаган. Айниқса, Хоразмнинг VII-VIII асрлардаги (Якка-Парсон) тўғри тўрт бурчак тарзли беллари IX-XI асрларда (Тўк қалъа) трапеция тарзли бел шаклига ўзгарган бўлса, XI асрлардан этнографик материаллардаги каби конуссимон айлана тиғли, икки қулоқли беллар шаклланган. XIII-XIV асрларда (Ақча-Гелин) қурилишда ишлатиладиган белнинг янги шакли (капча) пайдо бўлган. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва турларининг кўпайиши воҳа халқларининг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти тараққиётида муҳим ўрин тутган.

Қурол-аслаҳаларнинг таснифий таҳлиллари воҳада қуролсозлик давлат аҳамиятидаги ихтисослашган соҳаси сифатида мил. ав. IV-II асрлардан мавжудлигини кўрсатади. Хоразмда мураккаб камонлар мелодий I асрдан кенг тарқалган. Ҳаттоки ўрта асрлар манбаларида Хоразм Шарқдаги мураккаб камон ишлаб чиқарувчи марказлардан бири сифатида эътироф этилади. VIII-XIV асрларга оид камон ўқи учлари асосий учта, найза учлари эса 4 та шаклга ажралади. Суворийлар темир пластиналар совутлар билан ҳимояланган. Воҳадаги қурол-аслаҳалар таҳлиллари атрофдаги кўчманчилар билан ўзаро маданий, ҳарбий жиҳатдан боғлиқликда ривожланганлигидан далолат беради.

Воҳада мисгарлик маҳсулотларини яшаш VIII-X асрларга нисбатан XI-XIV асрларда бир қадар тараққий қилган. Айниқса, XI-XIII асрлар бошида мисгарлик буюмларининг тур ва шакллари кўпайган, тайёрлаш техникаси

такомилтирилган ва ислимий, ҳандасий ва эпиграфик мотивлардаги бой бадий композицияларда безатилган. Буни биз, XI-XIII асрлар ёдгорликларидаги бронзадан ясалган коса, қозон, чироқ, ойналар, қуш ва от ҳайкалчалари ва бошқада буюмлар намуналарида кўришимиз мумкин.

Мисгарлик маҳсулотлари таҳлиллари воҳа халқларининг Ўрта Осиё вилоятлари, Хуросон ва Евросиё кўчманчилар билан маданий-иқтисодий алоқаларидан далолат беради. Маданий, савдо-иқтисодий алоқалари янги турдаги мисгарлик маҳсулот турларининг пайдо бўлишига ва буюмларни безатишда янги услублар шаклланишга олиб келган. Биз буни, усмадон (Эрон), бронза қозон (Мовароуннаҳр, Хуросон), бронза ойналар (Узоқ Шарқ, Хитой, Мовароуннаҳр, Эрон), бронза чироқлар (Мовароуннаҳр, Хуросон) ва бошқада буюмлар намуналарида кўришимиз мумкин. Металлсозлик ўрта асрларда анъанавийлик ва маданий-иқтисодий алоқалар таъсирида ўзига хос услубга эга бўлган ва тадрижий равишда ривожланган.

### III БОБ . МЕТАЛЛ БУЮМЛАРНИНГ ХОРАЗМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИНИ ЎРГАНИШДА ТУТГАН ЎРНИ

XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача қадимий Хоразм замини ёдгорликларида давом этаётган археологик тадқиқотларда тўпланган кўплаб топилмалар моддий ва маънавий маданиятимизни ёритувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу археологик топималарни турли соҳаларга ажратган ҳолда маданий қатламлар бўйича даврлаштириш, тасниф қилиш ва тавсифлаш, умумлаштириш ватанимиз тарихининг очилмаган янги саҳифаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Илк ўрта асрларда Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқлари ҳаётида хунармандчиликнинг турли соҳалари муҳим ўрин эгаллай бошлаган. Жумладан металлсозлик маҳсулотлари тарихий ривожланишнинг барча босқичларидаги цивилизация жараёнларида ижтимоий ва маданий ҳаётнинг кўрсаткич мезонларидан бири бўлиб келган.

Биз буни, металлсозлик хунармандчилигида ишлаб чиқариладиган металл буюмлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Воҳанинг VII-VIII асрларга оид Куюк қалъа, Ҳайвон қалъа, Тўк қалъа ёдгорликларидан темирчилик, мисгарлик устахоналари аниқланган бўлса, ўша даврдаги Бургутқалъа, Якка-Парсон, Тешик қалъа ёдгорликларида металсозлик маҳсулотлари жумладан, меҳнат қуроли, хўжалик буюмлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар ва зебу-зийнат буюмлари кўплаб топилган<sup>1</sup>. Воҳадаги VII-VIII асрларга оид Катта Қирққиз қалъа ёдгорлиги рудани қайта ишловчи ва темирчиликка ихтисослашган йирик хунармандчилик маркази сифатида

---

<sup>1</sup> Неразик Е.Е., Рапопорт Ю.А. Куюк кала в 1956 г. ... -С. 133; Ягодин В.Н. Городище Хайванкалараннесредневековый Кердер // Археологические исследования в Каракалпакии. –Ташкент: Фан, 1981. -С.96; Гудкова А. В. Ток-кала. ... -С. 44.

фаолият кўрсатган<sup>1</sup>. Мазкур темир рудаси қайта ишловчи марказ атроподаги шаҳар ва қишлоқларидаги темирчилик устахоналарини хом-ашё билан таъминлаб турган.

Ёзма манбаларда X асрдан Хоразмда савдо-сотик, хунармандчилик соҳалари, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, деҳқончилик маданияти тарраққий қилганлиги таъкидланади<sup>2</sup>. Маъмунийлар (X аср охири XI аср боши) ва Ануштакинлар сулоласи (XI-XIII аср боши) ҳукмдорлиги даврида Хоразмнинг марказлашган давлатга айланиши халқ хўжалигининг барча соҳалари каби металлсозлик хунармандчилиги ривожланишига ижобий таъсир қилди. Воҳада X-XIII асрлар боши ва XIII-XIV асрларда металлсозлик тарраққийетини белгиловчи маҳаллий рудани қазиб олиш йўлга қўйилган. Султонувайс тоғ тизмаларидаги Ақтоғ макони (X-XIV асрлар), Аччиқ тоғ тепалиги (X-XIII асрлар боши), Шайхижалил тоғи (XII-XIV асрлар), Занги-бобо (XI-XIII асрлар боши) худудларидаги конлардан мис рудаси қазиб олинган ва бу жойлар рудани қайта ишловчи марказлар бўлган<sup>3</sup>.

Шунингдек, Шайхижалил тоғи атропои ўрта асрларда маҳаллий рудани қайта ишловчи темирчилик маркази бўлганлигидан далолат беради<sup>4</sup>. Ушбу худудда ўрта аср кончилар қароргоҳи Абумуслим қалъа жойлашган. Ёдгорликдан VII-VIII ва XIII-XIV асрларга тааллуқли сопол синиқлари топилган. Ўрта асрларда тоғ-кон ишлари марказлашган ва иқтисодий ривожланган давлатлардагина йўлга қўйилганлиги маълум. Чунки оддий меҳнат қуролларида рудани қазиб олиш ва қайта ишлаш кўплаб ишчи кучини, узоқ жараённи ва машаққатли оғир меҳнатни талаб қилувчи ишлардан бири ҳисобланган. Шунингдек, воҳадаги металлсозлик хунармандчилигида Жанубий Қизилқум даштларидан ва Ўрта Осиёнинг

<sup>1</sup> Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского периода. –М.: Наука, 1966. – С. 101-103.

<sup>2</sup> МИТТ. Т.1. -С.180,202,216

<sup>3</sup> Маньолов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья. ... –С. 16-17; Дудаков С.А. Памятники горного дела Султан-Уиздага. ... -С. 23-25.

<sup>4</sup> Лопатин С.В. Горные клады // Советская Каракалпакия. –Нукус, от 24 января 1965. -С.4; Материалы к своду памятников истории и культуры Каракалпакской АССР. –Нукус: Каракалпакстан, 1985. -С.26. рис.1,1.

тоғли вилоятларидан келтириладиган ярим тайёр хом-ашёдан ҳам қисман фойдаланган бўлиши керак<sup>1</sup>.

Хоразмда металлсозлик соҳаларининг гуркираб ўсиши маҳаллий хом ашёдан ташқари, мис ва бошқа металл конлари мавжуд ва хунармандчилик соҳалари тараққий қилган марказлар билан савдо-сотик алоқаларнинг кенг йўлга қўйилиши билан ҳам қисман боғлиқ.

X-XIV асрлардаги иқтисодий ривожланиш натижасида талаб ва эҳтиёжнинг кучайиши металлсозликда маҳсулот турлари кўпайишига ва сифатининг ошишига таъсир кўрсатган. Ўша даврдаги металл буюмлар ясалиши, безатилиши Хоразмнинг Мовароуннахр, Хуросон ҳудудлари билан маданий алоқаларининг кенг йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Айниқса, бу мисгарлик маҳсулотларида ёққол кўзга ташланади.

Бу даврларда Хоразмда металлсозлик хунармандчилиги ривожланганлигини Закарийа ал-Казвини (XIII аср боши) ва баъзи металл буюмларнинг ташқи савдога чиқарилиши ал-Муқаддасий (X аср), ан-Нувейри, ибн Абда-Захрлар (XIII-XIV аср) каби араб-форс муаллифлари хотираларида таъкидланади<sup>2</sup>. Асосан қулф, жуган-сувлиқ, олтин ва кумуш сувларида ишлов берилган эгарлар ташқи савдога чиқарилган.

Ўрта аср ёзма манбалар таҳлили, темирчилик маҳсулотлари ихтисослашган соҳаларда ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Масалан, «Асрар ат-таухид» асарида совут ясовчи (заррад), пичоқчи (кардагар), темирчи (аҳангор) каби касб эгалари номлари келтирилган<sup>3</sup>. Олим ва шоир Аз-Замахшарийнинг (1075-1144 йиллар) «Муқаддимат ул-адаб» асаридаги

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Горнометаллургическая база Кызылкумов в формировании государственности Хорезма и Согда // Материалы международного симпозиума «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры». - Нукус-Бустон, 2000. -С. 29-31.

<sup>2</sup> МИГТ. Т.1. –С. 202; Якубовский А.Ю. Феодалное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой. // Материалы по истории Узбекской, Таджикской, Туркменской ССР. -М-Л., 1932. - С.3; Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. -СПБ., - С. 60, 100, 152; Бунятов З.М. Государство Хоразмшахов-Ануштегинидов (1097-1231). ... –С. 102, 228.

<sup>3</sup> Беленицкий А.М.,Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. –Москва: Наука, 1973. -С.286.

атамаларда Хоразмда олтунчи (заргар), кулфчи, кулачи (мисгар) каби касблар ихтисослашганлигини кўришимиз мумкин<sup>1</sup>.

Шунингдек, ўша даврда Ўрта Осиё минтақалари ҳам бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ёзма манбаларда кўрсатилишича, Шошдан қайчи ва игналар, Самарқанддан узанги ва сувликлар, Хоразмдан кулф ва калитлар, Фарғонадан қурол-аслаҳалар ташқи савдога чиқарилган<sup>2</sup>.

Хоразм археологик материаллари таҳлиллари ҳам ўша даврларда деҳқончилик, дурадгорлик қуроллари, кулф, қурол-аслаҳалар, хўжалик ва рўзғор буюмлари ихтисослашган соҳаларда ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Ҳатто, ёдгорликлардаги археологик тадқиқотлар XII-XIV асрларда Хоразмнинг баъзи шаҳарларида металлсозлик маҳаллалари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ўша даврга оид Шемаха қалъанинг шимоли-ғарбий қисмида темирчилар маҳалласи, Шахрлик ёдгорлиги шарқида мисгарлик, жануби-шарқий қисмида темирчилик маҳаллалари аниқланган<sup>3</sup>. Шунингдек, Миздакхон ва Жанпиқ-қалъа шаҳарлари Хоразмнинг XII-XIV асрларда шимолдаги йирик металлсозлик марказларидан бир ҳисобланган. Темирчилик ҳунарманчилиги нафақат йирик шаҳарларда балки қишлоқ ҳудудларида ҳам фаолият кўрсатган. Буни XIII-XIV асрлардаги Акча-Гелин қишлоқ маконидаги темир шлаклари ва кукун қолдиқлари тасдиқлайди<sup>4</sup>. Воҳанинг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида темирчилик устахоналари ва кўплаб темир меҳнат қуролларнинг топилиши, соҳа фаолиятининг деҳқончилик марказлари билан ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривожланганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. –Тошкент, 1958. Жилд. II-III. –Б.93.

<sup>2</sup> Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. ...-С.286.

<sup>3</sup> Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городе Шемаха-кала Туркменский ССР... –С. 174; Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма// МХЭ. Вып.7. –М.: Наука, 1963. –С.47.-рис. 3; Алиакбарова А. Ремесленный комплекс Джампык калы. ... –С. 89-93.

<sup>4</sup> Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). –М.: Наука, 1976. - С. 130.

Хоразмда ўрта асрларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари тараққий қилган бўлса ҳам воҳа ҳали аграр давлат эди. Халқнинг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик ишлари билан шуғулланишган.

Ўрта асрларда қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларини атрофдаги кўчманчи халқлар ва Шарқий Европа давлатларига экспорт қилиш Хоразм иқтисодиятининг асосини ташкил этган.

Бу тўғрисида араб саёҳи ал-Мақдисий (X аср) «у жуда кўп шаҳарларга эга бўлган, ёппасига обод, кенг ва мухташам бир ўлкадир... Сон-соноқсиз уй-жой, туташ боғлар, дарахтзор ва экинзорлар; узум шарбати сиқадиган қурилмалар бор, мева мўл, тижорат аҳлига мол-ҳол бемалол..... Дарғон шаҳри атрофидаги 500 токзор дарё буйлаб икки фарсах (11,4 км) га чўзилган. Шаҳардан қишмиш ташқи савдога чиқарилган. Шунингдек, муаллиф Миздакхон шаҳри 12 мингдан ортиқ рустоқлар (қишлоқ жойлари) маркази бўлган» дея таърифлайди<sup>1</sup>.

Бу маълумотларни XIII аср бошида Хоразмга келган Ёқут ал-Ҳамавий янада бойитади: «Хоразм гуллаб яшнаган гўзал ўлка. Мен ҳеч қаерда бундай гавжум ва яшнаган ўлкани кўрмаганман. Экинлар ёппасига парвариш қилинган, қишлоқлари қатор тушган, алоҳида ҳовлию чорбоғлари кўп, даштда ҳам кўрғонлар бор. Ўлканинг рустоқларида (қишлоқ жойлари) парваришланмаган, нообод жойни топиш қийин. Яшил дарахтзорлар, айниқса ғужуми, тути кўп, чунки улар (аҳоли) қурилиш ёғочларига мухтож, тут барги эса ипак куртига емдир. Қишлоқдан ўтиб борган одам билан бозорда юрган одамни сира фарқ қила олмайсиз... Хоразмнинг деярли ҳамма шаҳарларида мол-товар ҳам дўкон расталарга бой бозорлари бор, бозори бўлмаган қишлоқлар камдан камдир»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> МИТТ. Т.І. –С. 187-188.

<sup>2</sup> Ёқут. Му’жам ал-булдан. -Тегеран, 1965. Т.ІІ. –С.482; Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Тошкент, 1993. – Б. 20-21.

Археологик қазилмалар Ёкут ал-Ҳамавийнинг барча маълумотларини тасдиқлайди, саёх Хоразмга келган даврида (XIII асрнинг 20-йиллари) бу ерда ишлаб чиқариш ва маданият чиндан ҳам юқори даражада бўлган<sup>1</sup>.

Мўғиллар босқинчилиги даврида Хоразмда бироз вақт иқтисодий ривожланиш тўхтаган бўлсада, XIV аср бошидан воҳа яна Марказий Осиёдаги йирик иқтисодий ва маданий марказлардан бирига айланган.

Бу ҳақида Ибн Батута Хоразм бозорларга қўйидагича таъриф беради: «Урганч бозори шундай гавжумки, ...одам тиқинчлигидан олдинга ҳам, орқага ҳам юролмай қолади»<sup>2</sup>. Ибн Батута Хоразмга келгунича яқин Шарқнинг Қоҳира ва Дамашқ шаҳарларида бўлган. У Хоразм пойтахти Урганчни тасвирлаганида худди ўша шаҳарларга нисбатан айтилган ибораларини қўллайди; « Бу –туркларнинг энг улуғ, энг гўзал, энг йирик шаҳари бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иншоотлари (бинолар, масжид, мадрасалари) ва хуш манзара жойлари бор. Шаҳарда аҳоли кўплигидан ҳаёт қайнайди, у мавжланиб турган денгизга ўхшайди»<sup>3</sup>.

Демак, Урганч Ибн Батута келган даврда (1338 йил) Қоҳира ва Дамашқ каби Шарқнинг йирик шаҳарларидан қолишмайдиган даражада бўлган. Шунингдек, араб-форс саёхларидан Истахрий, Макдисий ва номаълум муаллиф қаламига мансуб «Худуд ал- Олам» (X аср) асарларида Хоразмнинг сунъий суғориш каналлари, деҳқончилик ишлари тўғрисида маълумотлар берилган. Ушбу асарларда ўрта асрларда Хоразм худудида Говхўра, Керих ёки Киря, Кардаронхуш, Ҳейконик, Мадра, Вадок, Бува, Гиря ва бошқа кўплаб каналлар бўлганлиги таъкидланади<sup>4</sup>. Ҳаттоки, ушбу каналларда кемалар катнови йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Амударёнинг чап қирғоғидаги Хазорасп, Дарғон, Жигарбанд, Садвар ва бошқа аҳоли

<sup>1</sup> Гулямов Я. Г. История орешения Хорезма с древнейших времён до наших дней. –Ташкент, 1957. -С.160.

<sup>2</sup> Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёхати. –Тошкент, 1993. – Б. 47.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асарнинг ўша бетида.

<sup>4</sup> МИТТ. Т.І. –С.178-180; Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. – Тошкент, 1959. -Б.132-137.

яшайдиган худудларда ҳам маҳаллий аҳоли томонидан қазилган каналлар мавжуд бўлган.

Археологик тадқиқотларда воҳадаги Шахсанам қалъа атрофидан 800 га, Замахшар 500 га, Қаватқалъа 40 га, Катта Қирқ-қиз қалъа 20 га ҳажмдаги худудларидан деҳқончилик маконлари излари аниқланган<sup>1</sup>. Шунингдек, Дарёликкўл буйларидаги 708-709 архе-топографик нуқта, Бўрон 1, Қумқалъа, Тузқира каби қишлоқ жойлардан токзорлар ўрни топилган<sup>2</sup>.

Мазкур деҳқончилик излари X-XIII асрлар боши ва XIII-XIV асрларга тааллуқли. Айниқса, ўрта асрларда Хоразмда йирик магистрал каналлар, сув тақсимлаш ва сув чиқариш иншоотларини қуриш ишлари авж олган<sup>3</sup>. Хоразмда илк ўрта асрлар даврига (VII-VIII асрлар) нисбатан XII-XIV асрларда деҳқончилик майдонларининг кенгайиши, янги каналларнинг пайдо бўлиши, эскиларининг янада тармоқланиши ва узайиши (тахминан 50% га), тўғон ва чиғирларнинг кенг ишлатилиши деҳқончилик маданияти тараққий қилганлигидан далолат беради<sup>4</sup>. Масалан, VII-VIII асрларда каналларнинг ўртача узунлиги 60-100 км, энига 5-10 метрни ташкил этган бўлса, XII-XIV асрларда 100-150 км, энига 12-15 метр, чуқурлиги 7-9 метрга тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳаларининг ривожига ва деҳқончилик майдонлари кенгайишида, даставвал темирдан ясалган меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва кенг тарқалиши муҳим аҳамиятга эга бўлган. Масалан, Хоразмнинг антик давр ёдгорликларида омовчилик, бел, кетмон каби деҳқончилик қуроллари деярли кам учрамайди. Бу нафақат темир нархининг қимматлигига, ярқисиз меҳнат қуролларининг қайта

<sup>1</sup> Рапопорт Ю.А. Раскопки городища Шах Санем в 1952 г. // Труды ХАЭЭ. -М.: Наука, 1958. Т.2. -С. 399; Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях левобережного Хорезма. ... -С. 59; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья.-М.: Наука, 1969.- С. 132; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... - С. 69,72, 92.

<sup>2</sup> Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. -С. 141, 167; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... - С. 92-94.

<sup>3</sup> Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1959. -Б.131-140. расм 10-12.

<sup>4</sup> Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. -М., 1969. -С.224-225. -Табл.-9. Рис.65.

ишланишига боғлиқ бўлмасдан, темирчилик хунармандчилигининг етарли даражада ривож ланмаганлигини, темир қурооллар ноёблигини ва камлигини кўрсатади. Ҳаттоки, XIX-XX асрлар бошида Тожикистон ва Афғонистоннинг тоғли деҳқончилик туманларига оид этнографик материалларда ҳам темир қурооллар камлиги ва улар ўрнида омов ва белларнинг ёғоч шаклларида фойдаланилганликлари таъкидланади<sup>1</sup>.

Хоразм археологик материалларида эса ўрта асрлардаёқ, омов тишидан тортиб, бел, кетмон, ўроқ ва бошқа деҳқончилик қуроолларининг турли шакллари ишлатилганлигини кўришимиз мумкин.

Африғийлар даврига оид қишлоқ жойларидан ёғоч омов қолдиқлари<sup>2</sup>, Тупроқ қалъа атрофидан (IV-VI аср), Бургутқалъа (VII-VIII асрлар), Ақча-Гелин маконидан (XIII-XIV аср), Оқ қалъа (XV-XVI аср) ёдгорликларидан эса омовнинг темир тишлари топилган<sup>3</sup>(расм-14,1-3). Ушбу омов тишлари шакли бир хил, юзаси текис ялпоқ, узунчасига бир оз кенг шаклда ясалган. Тупроқ қалъа атрофларидаги омов тишининг баландлиги 17,5см, энига 8,2см, қалинлиги 1 см га тенг. Иккита жойдан омовга мих билан беркитилган, михларнинг баландлиги 2 см, диаметри 1 см га тўғри келади. Ақча-Гелин I қишлоқ маконидан топилган омов тишининг юқорги қисми синган, сақланган қисмининг баландлиги 16 см, энига 11,5 см, қалинлиги 1,5 см га тенг. Омов тишининг фақат битта жойида сақланган мих баландлиги 3 см, диаметри 1,5 см га тенг келади. Бу эса ривожланган ўрта асрларга келгач омов тишлари ҳажмининг катталашганлигини кўрсатади. Оқ қалъа ёдгорлигидан топилган омов тишининг баландлиги 18 см, эни 9 см, қалинлиги 1,5 см ни ташкил этади. Темир тиш омовга михлар билан учта жойидан бириктирилган. Мазкур омов тишлари Хоразм этнографик

<sup>1</sup> Андреев М.С. Таджики долины Хуф. -Сталинабад, 1958. -вып. II. – С. 47.

<sup>2</sup> Неразик Е.Е.Сельские поселения афригидского периода. -М.: Наука, 1966. – С. 94.

<sup>3</sup> ҚРСМ. Тупроқ қалъа. 1966. КП 43034; Ақча-Гелин. Кп.40079/31.инв. 872; Адак. Кп. 40079/1. инв. 842-845; Неразик Е.Е. Хорезм в IV-VIII вв./ Археология. Средняя Азия и дальний Восток в эпоху средневековья. Средняя Азия в раннем средневековье. ... -С.42-43. Табл.6,14.

материалларидаги «ёрма кунда» (омоч) темир тишларига ўхшаш бўлиб, асосан шоликор ерларни юмшатишда, каналлар, ариқларни қозиш ишларида фойдаланишган бўлиши мумкин.

Этнографик материаллардаги омовч Ўрта Осиёда деярли бир хилда бўлса-да, табиий-географик шароитга қараб айрим хусусиятларга эга<sup>1</sup>. У икки қисмдан иборат. Яхлит тут ёки ўрик ёғочидан олинган, пастки текис пойли қисмига темир ёки чўяндан ясалган тиш (позна) ўрнатилган, асосий қисмига тик ҳолда хўкиз ёки от қўшиладиган якка шоти беркитилган. Тошлоқ ерларда катта омовч, енгил тупроқли ерларда кичик омовч ишлатилган. Омовчга қараб якка шотининг узунлиги ҳар хил бўлган: 1,75 м дан 2 м гача, Фарғона водийсида 3 м гача, Самарқандда 2,14 м дан 2,8 м гача. Хоразмда маҳаллий аҳоли омовчни кунда, омовчинг темир тишини поза ёки позна деб аташган. Хоразм кундаси бошқа худудлардаги омовчлардан тишининг бир оз кенг ва ялпоқлиги билан ажралади (расм-13,1). Битта қўш хўкиз билан бир кунда ўртача 1-2 таноб (ярим гектаргача) ер ҳайдалган. Омовч ерни бирданига ағдармасдан, фақат юмшатганлиги ва бегона ўтларни бирдан қирқмаганлиги учун ер 5-6 марта ҳайдалган. XX аср бошларида Н.Н.Александров «Хоразмда икки хил, ёрма кунда ва майда кунда» мавжудлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Улардан биринчиси каттароқ бўлиб, шоликор ерларни юмшатишда, ариқ ўтказишда, иккинчиси эса бошқа барча ер ҳайдаш ишларида қўлланилган. XIX-XX асрлар бошига оид манбаларда Хива, Урганч, Боғат, Гурлан шаҳарларидаги дегрезлик устахоналарида омовчинг темир тиши тайёрланилганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Тошкент, 1994. -100 б.

<sup>2</sup> Александров Н.Н. Земледелие в Сыр-Дарынской области. –Ташкент, 1916. -С.80; Джаббаров И.М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (конец XIX-начало XX вв.). // ИМКУ. –Ташкент: Фан, 1960. -вып. 2. -С.284. –рис.4; Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. ... -100 б.

<sup>3</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX- начале XX. ... - С. 78.

Археологик топилмалар таҳлили Хоразм воҳаси халқлари деҳқончилик ишларида омовлардан кенг фойдаланганлигини ва маҳаллий темирчилар томонидан тайёрланганлигидан далолат беради.

Хоразмнинг VIII-XIV асрларга оид учта шаклдаги кетмонлар хўжалик ва деҳқончилик ишларида кенг фойдаланган (расм-17)<sup>1</sup>. Биринчиси, тўғри бурчакли кетмон (I шакл), ундан деҳқончилик ва бошқа хўжалик ишларида; иккинчиси, тиғ қисми учбурчаксимон, зўғота томони тўртбурчак шаклидаги каттароқ кетмонлар (II шакл), улардан каналларни қазишда; учинчиси трапеция шаклидаги кичик кетмонлар (III шакл) бўлиб, улардан экинларни чопиқ қилишда фойдаланилган. Мазкур кетмонлар этнографик материаллардаги сингари мардона кетмон, зайфона кетмон ва бачкана кетмонларга деярлик ўхшашдир. Кетмонлар нафақат, деҳқончиликда, боғдорчиликда, ерга ишлов беришда, каналлар қазишда ишлатилган, балки қурилишда, йўлларни тузатиш ва бошқа хўжалик ишларида асосий меҳнат қуролларидан бири сифатида хизмат қилган.

VIII-XIV асрлар асрларга оид беллар Хоразмда деҳқончилик ва хўжалик ишларида кенг фойдаланганлигидан далолат беради<sup>2</sup>. Белларнинг фойдаланиши ва ўзгачаликларга кўра 4 та шакли мавжуд (18-расм). Белларнинг ривожланиш динамикаси (I-II- III шакл) ўрта асрларда такомиллашиб борганлигини кўрсатади. Жумладан, VIII асрга оид тўғри бурчак шаклидаги беллари IX-X асрларда траперция шаклига келган ва сўнгги ўрта асрларга қадар ишлатилган. XI асрда тиғи айланасимон, икки қулоқли беллар (III-шакл) ишлатилган, ҳозиргача улардан воҳа халқи

<sup>1</sup> ҚДЎМ. Тўқ қалъа. Кп.8636. инв.335; Миздакхан. Кп. 8952/6. инв.426; ҚРСМ. Жанпикқалъа. Кп.40089/41. инв. 1274; Манылов Ю.П. Железные орудия труда VIII в. с городища Ток кала // Вестник ККФАН УзбССР. -Нукус, 1962. -№ 3. -С. 80-83; Неразик Е.Е. Раскопки в Беркуткалинском оазисе в 1953-1956 гг. // МХЭ. -М.: 1959. -вып.1. -С.113; Доспанов О.Т. Жампық қала-орта эсир естелиги. ... -Б. 55; Манылов Ю.П. Археологические исследования караван-сараев Центрального Устюрта. ... -С.116.- рис. 8,11,38.

<sup>2</sup> ҚДЎМ. Тўқ қалъа. Кп.8631. инв.330; Неразик Е.Е. Раскопки Якка- Парсана. ... -С. 29. -рис. 13,11-13; Манылов Ю.П. Железные орудия труда VIII в. с городища Ток кала ... -С. 80-83; Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента. -М.: Восточная литература РАН, 2001. -С.89. -рис.37,7; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... - С. 134-135. -рис. 82,2; Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. ... -С. 183. -рис.2.

деҳқончиликда кенг фойдаланиб келинмоқда. Бундай белларнинг иккала ён чеккасидаги кулоқлари (оёқ билан тепиш натижасида) ва тиғи айланасимон бўлганлигидан ерга ишлов беришда қулайли ҳисобланган.

Воҳада XIII-XIV асрларда квадрат шаклда, тиғи бир оз айланасимон, юқорги қисмидаги кулоқчалари симметрик ҳолатда жойлашган белнинг янги тури (IV шакл) пайдо бўлган (18,4-расм). Бундай беллар Хоразм этнографик материалларида «капча» деб номланади. Ундан кўпроқ қурилишда, лой деворлар тиклашда ҳозиргача фойдаланилади<sup>1</sup>.

Демак, кетмон, бел каби меҳнат қуролларининг такомиллашиши ерга ишлов беришда тупроқ унумдорлигининг ошишига ва деҳқончилик маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

VIII-XIV асрларда Хоразм темирчилари томонидан кўплаб ўроқлар ишлаб чиқарилган (21-22-расм)<sup>2</sup>. Ўроқлар ўртача узунлиги 13 - 25см, эни 2,3-3,2см га тўғри келади (Иловада 9-10- жадвал). Мазкур ўроқларнинг умумий кўриниши деярли ўхшаш ҳам, катта-кичиклиги ва тиғининг шакли билан бир-биридан фарқ қилади. Айниқса, XII-XIV асрларда баъзи ўроқлар тиғи бир қанча айлана шаклида ишлаб чиқарилган, бу эса ўз навбатида ҳосилни йиғиш ишларида меҳнат самарадорлигини оширган (22,1,4,5- расм ).

Ўрта асрларда Хоразмда кўплаб боғ ва токзорлар майдонларининг мавжудлиги нафақат ёзма манбаларда таъкидланади, балки ёдгорликлардан топилган кўплаб боғбон пичоқлари бунинг яққол тасдиқи ҳисобланади<sup>3</sup>. (илова 9-жадвал, 23-расм). Боғбон пичоқларига ўхшаш шаклдаги меҳнат қуроллари боғдорчиликдан ташқари ҳунармандчиликнинг баъзи соҳаларида

<sup>1</sup> Джаббаров И.М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (конец XIX-начало XX вв.). // ИМКУ. –Ташкент: Фан, 1960. -вып. 2. -С.286. –рис.4,5.

<sup>2</sup> Гудкова А.В. Ток кала. ... –С. 54. –рис. 12, 4-5; Неразик Е.Е.Сельские поселения афригидского периода. ... –С. 94. –рис.48; Неразик Е.Е. Раскопки Якка-Парсана. ... -С. 29. рис. 13,8; Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемаха кала 1948 г. ... -С.181. –рис. 5, 4; Кдырнийзов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. .. –С. 94. –рис. 12-13; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... - С. 110, 112. –рис. 64.

<sup>3</sup> ҚДЎМ. Тўқ-қалъа. Кп. 8630, инв 329; Миздахан. Кп. 6945/1-20, инв 6/4. 6/14. 6/17: Кп. 8951/5. инв. 377; Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма. ... –рис. 48,19; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... -С. 111. –рис. 64, 2-4, 8-10.

ишлатилганлигини кўрсатади. Масалан, этикдўзликда теридан оёқ кийимлар (этик, маҳси, ковш ва б.)ни бичиш, терини кесишда фойдаланган. Ушбу меҳнат қуроли этнографик материалларда «газан» деб номланади. Унинг тиғи тўғри бурчак шаклда эгилган, калта бўлиб, умумий кўриниши махсус боғбон пичоқларига ўхшаш шаклда ясалган (расм-20,2)<sup>1</sup>. Шунингдек, бунга ўхшаш қуроллар ёғоч ўймакорлиги, суякка ишлов беришда ишлатилган.

Таъкидлаш жоизки, ўрта асрларда Хоразм воҳасида деҳқончилик маданиятининг тараққиёти, суғориш иншоотлари ва ҳар хил қурилмалар (тўғон, чиғир, чархпалак)нинг кўплаб қурилишидан ташқари, меҳнат қуролларининг кўплаб ишлаб чиқарилиши ва таккомиллашуви билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ушбу деҳқончилик, дурадгорлик ва бошқа соҳаларга оид меҳнат қуроллари маҳаллий хунармандлар томонидан Катта Қирққиз қалъа, Ҳайвон қалъа, Куюк қалъа, Замахшар, Миздакхон, Жанпик қалъа, Кўҳна –Урганч каби шаҳарлар ва қишлоқларидаги темирчилик устахоналарида ва маҳаллаларида тайёрланганлигини кўрсатади.

Темирчилик маҳсулотларининг иккинчи катта гуруҳини дурадгорлик асбоблари ташкил этади. Дурадгорлик асбобларини тадқиқ қилишнинг аҳамияти шундан иборатки, тадқиқ қилинаётган даврда халқ хўжалигида ва қурилишда ёғоч қурилмалар, буюмлар асосий ўринни эгаллаган. Бу даврда шаҳар деворлари, иморатлар синчли, асосан ёғочдан (дарвоза, устун, тўсин, шифт, эшик, дераза), бундан ташқари ооч, чиғир, арава, эгар, қайиқ, идиш-товоқ, хон-тахта, сўри, сандиқ, бешик ва бошқа кўплаб хўжалик ва рўзгор буюмлари ёғочдан ясалган. Ўрта асрларда уйларнинг ташқи кўриниши оддий бўлсада, кўпгина уйларнинг дарвоза ва эшиклари ўйма нақшлар билан безатилган, даҳлиз ва айвонлари ихчам ва пештоқли бўлган. Ҳовли эшикларига жез ёки темирдан ясалган болғасимон болдоқ осилган. Хоразмда уй ва турар жойларни чиройли қилиб безаш, жиҳозлаш қадимдан одат бўлиб

<sup>1</sup> Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий (конец XIX-начало XX вв.). /Составитель Г.З.Темирғалиева. –Ташкент: Фан, 1974. –С.10. -рис. 13.

келган. Уйларнинг деворлари бўйлаб тўғри бурчакли ёки пештоқ (гумбаз) шаклидаги бир нечта токчалар ясалган бўлиб, уларга ҳар хил уй-рўзғор буюмлари, идиш-товоқ, кўрпа-тўшаклар жойлаштирилган.

Хоразм воҳасидаги уй-жой қурилиши, безатилиши тўғрисида XIII аср бошидаги муаллифлардан Закарийа Ал-Казвини Урганч шаҳридаги уй-жойлар қурилишида ёғочнинг кенг ишлатилиши, иморатларнинг аксарияти ёғочдан қурилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, у шаҳардаги дурадгор ва темирчи усталарни замонасидаги моҳир хунармандлар дея таърифлайди<sup>1</sup>.

Саёх ибн Баттута (1333 й) Урганч шаҳри ҳақида «Бу-туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ва жозибадор, кўркам жойлари бор» дея ифодалайди. Шаҳардаги иморатлардан Урганч қозиси Абу Ҳафс Умар уйнинг безатилиши тўғрисида «Бу-гўзал ва кенг хона бўлиб,... қатор токчаларнинг ҳар бирига олтин суви юритилган кумуш идишлар ва ироқий кўзалар қўйилган эди. Одатда мамлакат фуқоралари ўз уйларини ана шундай тарзда безатадилар». Шунингдек, саёх Хоразм ҳокими Қутлуғ Темур уйи ҳақида: «Биз унинг уйига етиб келиб кенг бир қабулхонага ўтдик, ундаги хоналарнинг аксарияти ёғочдан ишланган эди. Кейин эса гумбази уймакор ёғочдан ишланган кичикроқ хонага кирдик» деб маълумот беради<sup>2</sup>.

Ёзма манбалардаги барча маълумотларни археологик материаллар тасдиқлайди. Жумладан, уймакорлик услубида безатилган ёғоч устун, тўсин бўлаклари XII-XIII асрлар боши Қават-қалъа, XIII-XIV асрлар Кўҳна-Урганч, Жанпиқ-қалъа, Миздакхон ва қишлоқ жойларидаги ёдгорликлар

<sup>1</sup> Ал-Казвини Закарийа. Асар ал-билад ва ахбар алибад. –Бейрут, 1960. -С. 520; Буниятов З.М. Государство Хоразмшахов – Ануштегинидов. .. -С. 102.

<sup>2</sup> Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Ташкент: Шарқ, 1993. –Б.58- 60.

хонадонлардан топилган<sup>1</sup>. Бундай ёғоч устун, тўсинлар ҳозиргача Хива шаҳридаги жума мечит ва бошқада иморатларда сақланган<sup>2</sup>.

Воҳада кемасозлик соҳаси ҳам ривожланган бўлиб, кемалар ихтисослашган дурадгорлар томонидан тайёрланган. Бу тўғрисида X аср саёҳи ал- Муқаддаси «...Хоразмда кемалар қурилади ва жиҳозланади» деб бу маълумотларни тасдиқлайди<sup>3</sup>. Саёҳ ибн Батута (1333 йил) «Хоразм ёнида Жайхун дарёси оқиб ўтади. Ёз кунлари кемаларда дарё бўйлаб Термизгача сузиб бориб, у ердан бугдой ва сули олиб келишади» деб берган маълумотлари кемалардан сув транспорти сифатида кенг фойдаланганлигини кўрсатади<sup>4</sup>. Катта кемалар 500 дан 2000 пудгача, ўртачаси 100 дан 500 пудгача ва кичиклари 100 пудгача юк кўтаришган. XIX аср охирида Амударёда 330 та йирик ва юзлаб ўртача ва кичик кемалар сузиб юрган<sup>5</sup>. Катта-кичик кемаларни тайёрлашда турли хил михларни ишлатилишдан, ташқари дурадгорлик асбобларидан ҳам кенг фойдаланилган.

Мазкур ёғочга ишлов бериш соҳалари тараққиётида темирчилар томонидан дурадгорлик асбоб-ускуналарнинг таккомиллаштирилиши ва кўплаб ишлаб чиқарилиши муҳим аҳамият касб этган.

Дурадгорлик асбобларидан тешалар Тўк-қалъа (VIII аср), Миздакхон маҳаллалари (XIII-XIV асрлар), Жанпикқалъа (XIII-XIV асрлар), Ажигелди ва Қўшбулоқ карвон саройларидан (XIII-XIV асрлар); теша-болталар Тўк-қалъа (VIII аср); болталар Дарёликкўл маконидан (XII-XIII асрлар боши), Жанпикқалъа (XIII-XIV асрлар), Миздакхон (XIII-XIV асрлар); кўл арра Қават-қалъа (XII-XIII асрлар боши); рандалар Дарёликкўл макони (XII-XIII

<sup>1</sup> Вактурская Н.Н и Вишнева О.А. Памятники Хорезма эпохи Великих Хорезмшахов (XII-XIII вв.). ... -С.152, 162; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... - С 143.; Кыдырниязов М.Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. ... -С. 123.

<sup>2</sup> Денике Б.П. Архитектурный орнамент Средней Азии. -М.-Л., 1939. -С. 120; Гулямов Я.Г. Памятники города Хивы // Труды УзФАН ССР. -Ташкент, 1941. сер I, -вып 3 -41 с.; Булатова В.А. Ноткин И.И. Архитектурные памятники Хивы. -Ташкент, 1972. - 73 с;

<sup>3</sup> МИТТ. Т.1. -С. 202

<sup>4</sup> Ибохимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. -Тошкент, 1993. -Б. 58.

<sup>5</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент, 1994. -Б.120.

аср боши), Миздакхон (XIII-XIV асрлар); искана Жанпиқ қалъа (XIII-XIV асрлар) ёдгорликларидан топилган<sup>1</sup>.

Мазкур асбоб-ускуналар тахлили ўша даврларда дурадгорлар арра, болта, болта-теша, теша, қачов, ранда ( ўроқ ранда, тахта ранда), болға ва турли исканалардан кенг фойдаланганлигини кўрсатади.

Айниқса, ривожланган ўрта асрларда дурадгорлик асбоблари нафақат кенг тарқалган, балки бир турдаги асбобларнинг фойдаланишига кўра бири-биридан фарқ қиладиган бир нечта шакллари учрайди. Жумладан, VIII-XIV асрларга оид қўйма болталар 4 та шаклга ажралади. Болта-теша (I шакл ) бир томони болтага, иккинчиси тешага ўхшатиб ясалган, универсал мақсадларда ишлатилган (расм-21,1-2). Бу меҳнат қуролининг болта қисмидан ёғочга дастлабки ишлов беришда, тўнка, ходаларни ёришда ва бошқа мақсадларда фойдаланишган бўлса, этнографик материаллардаги каби иккинчи қисми теша вазифасини бажарган. Шунингдек, мазкур меҳнат қуролидан экин майдонларини очишда ерни тўнка ва дарахт илдизларидан тозалаш мақсадларида фойдалантлган. Албатта бу меҳнат қуролини фақат ёғочга ишлов бериш билан боғлиқ деб тарифлаш қийин. Чунки, ҳажмининг катталигини, йўғонлигини ҳисобга олганимизда тигирмон тошларини тайёрлашда, кончилик ишларида ҳам ишлатилган бўлиши мумкин. Дурадгорлик болтаси (II шакл) трапеция шаклда ҳажми кичик (12x7 см) қулайли бўлганлигидан дурадгорлик ишларида ёғочни йўниш, чопишда ишлатилган (21,4-расм). Ёрғу болта (III шакл ) ўтин ёриш, пона қоқиш каби кўпол ишларда (21,5,8-расм) ва икки тиғли темир дастали болтани (IV шакл) харбий мақсадларда қўлланилган бўлиши мумкин (21,9-расм). Бундай қўйма

<sup>1</sup> ҚДЎМ. Миздакхон-1989. В.К.1. кв.3. Кп 6945/1-20, инв 6/1; Кп 2845/6, инв. 54; ҚРСМ. Жампиққалъа. Кп 40028/5. инв 320; ҚДЎМ. Тўк- қалъа. кп. 8635, инв 334/335; ҚРСМ. кп 40076/11, инв 701; ҚРСМ. Қават-қалъа. Кп 3772/698, инв 1588; Гудкова А.В. Ток кала. ... -С. 54; Маньлов Ю.П. Археологические исследования караван-сараяв Центрального Устюрта. ... -С. 116. -рис. 8,1, 39; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... -С. 110,114. -рис. 66,12,14; 82,1; Доспанов О.Т. Жампық қала-орта эсир естелиги. ... -Б. 70; Кдырнязов М.Ш, Турганов Б.К. Железные изделия из средневекового Миздакхана //Вестник ККОАН РУ. -Нукус, 2007. -№ 4. -С. 82-85. -рис.1-2.

болталарда меҳнат самарадорлиги ясама болталарга нисбатан бир қанча даражада юқори бўлган. Хоразм археологик материалларида ясама болталар топилмаса ҳам, қўшни минтақалар археологик ва этнографик материаллари ўрганилаётган даврда ундан фойдаланганлигини кўрсатади.

Ёғочга дастлабки ишлов беришда теша ва рандалар ҳам кенг қўлланилган. Ўрганилаётган даврга оид тешалар фойдаланишига кўра иккита шаклга ажралади. Биринчиси «қошиқ теша» дан қайиқ, мусиқа асбоблари, ярим айланасимон ёғоч буюмлар ясашда, иккинчиси, трапециясимон «кичик теша» дурадгорлик ва хўжалик ишларида ишлатилган<sup>1</sup> (расм-22-23). Тешаларнинг иккита шакли ҳам хўжаликда чуқурлар ва кудуқлар қазишда қулайли ҳисобланган. Этнографик материалларда тешаларнинг ишлатилиши бўйича қўйидаги турлари мавжуд: уйтеша (рўзғорда ўтин-чўп кесишда фойдаланади); устатеша (дурадгорлар ишлатади, ихчам, нуқул пўлат бўлади); шохтеша (пичоқчилар шох ва суяк чопади); жувозкаштеша (ёғ-жувоз кундаси ўйиладиган қайрилма теша); қошиқчитеша (қошиқ чопилади); пойтеша (дурадгор усталар тикка туриб, ёғоч чопиш учун ясалган, дастаси узун, тешасимон асбоб); кўнчитеша (терини қуруқлик вақтида тозалаш учун ишлатиладиган теша шаклидаги асбоб)<sup>2</sup>.

Мазкур теша шакллариининг кўпчилиги археологик ёдгорликларда топилмаган бўлса ҳам ўрта асрларда ҳунармандчилик ривожланган Хоразм воҳаси халқлари бундай тешаларнинг баъзи турларидан фойдаланган.

Хоразмнинг VIII-XIV асрлардаги дурадгорлик асбобларидан бири рандалар ғўла ва ходаларни пўстлоғидан тозалашда, юзини силлиқлашда ишлатилган. Улар ейсимон шаклда бўлиб, иккала томонидаги учига ёғоч даста ўрнатилган, уни битта киши икки қўли билан ушлаб, ёғочни

<sup>1</sup> Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий (конец XIX-начало XX вв.). / Составитель Г.З.Темиргалиева. –Ташкент: Фан, 1974. –С.19,26. -рис.23,32 .

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. –Тошкент, 1959. Жилд. II-III. –Б.358.

силлиқлашда ишлатган. Этнографик материалларда унинг ўхшаш тури «ўрок ранда» деб номланади.

Археологик топилмалар Хоразмда мил. ав. I минг йиллик ўрталаридан бошлаб темирчилар томонидан темир арралар ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади<sup>1</sup>. Афсуски, ўрганилаётган даврда фақат битта шаклдаги қўл арра XII-XIII асрларга оид Қават қалъа ёдгорлигидан топилган. У шаклан сўнги ўрта асрлар арраларига ўхшаш бўлиб, темир полотнога майда тишчалар чиқарилган ва унга ёғоч даста бекитилган (24,1-расм).

Воҳада ёғочга ишлов бериш соҳаси билан бирга суяк ва шохларга ишлов берувчи хунармандчилик соҳаларида ҳам турли хил буюмлар ишлаб чиқарилган. Масалан, шох ва суяклардан ханжар ва пичоқлар учун даста, мураккаб камон қопламалари, камондан ўқ узувчи махсус суяк узуклар, тўқноғич, тугмалар ва бошқа кўплаб буюмлар тайёрланган.

Ўрта асрларда хунармандлари ёғоч, суяк, шохдан ясаладиган буюмларнинг хилма-хил турларини ишлаб чиқариш жараёнида арранинг бир канча турларидан фойдаланган. Этнографик манбаларда бундай арраларнинг кўйидаги турлари маълум: бекашак шадабур арра, буруш арра, дасарра, дусарра, йирик тишли бурушарра, кашакли шадабурарра, паргор арра, пуштакли арра, пўлат арра, тахтабур арра, шох арра, ғўлабур арра, қўл арра ва ҳар воҳага хос бўлган бошқада турлари учрайди<sup>2</sup>.

Ўрта асрларда иморатларнинг асосий қисми (эшик, дарвоза, устун, пештоқ ва ҳакоза) ўйма нақшларда безатилган. Ўймакорликда турли хилдаги исканалар ва болғалар асосий асбоб сифатида қўлланилган. Этнографик материалларда ўйиладиган нақш турига қараб маҳаллий темирчилар томонидан исканаларнинг 30 дан ортиқ турларини тайёрланганлиги маълум<sup>3</sup>. Жанпиқ қалъанинг XIII-XIV асрларга оид қатламларидан ҳажми 16x1,2x1 см.

<sup>1</sup> Воробьева М.Г. Дингильдже. Усадьба I тысячелетия до н.э. в древнем Хорезме. -М., 1973. -С.156-157. -рис.45/8.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. -Тошкент, 1959. Жилд. II-III. -Б.223.

<sup>3</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент, 1994. -Б.120.

га тенг искана топилган<sup>1</sup>. Учи яполоқ, ўткир темир асбоблар воҳа ёдгорликларида кўплаб учрайди, лекин шакли тўлиқ сақланмаган. Шунингдек, меъморчилик ва дурадгорлик ишларида кенг қўлланиладиган мих, исканжа, бурчак пластиналар, занжир, халқа, эшик зулфлари ёдгорликларда кўплаб топилган<sup>2</sup>. Жумладан, XIII-XIV асрлар Миздакхон маҳалласи хоналари бирида 16 дона михлар аниқланган. Михлар баландлиги 5-12,5 см, кесими 1-1,5 см га тенг (расм-32). Шунингдек, ёдгорликларда михларнинг хилма-хил шакллари мавжуд. Уларга ўхшаш шакллари Хоразм этнографик материалларида «арава мих», «гулмих» деб номланади<sup>3</sup>. Арава мих арава ғилдиракларини, гулмих бўлса дарвоза ва эшик ромларини бириктиришда қўлланилган. Қурилиш ишларида катта ёғочларни бир-бирига бириктириш ва мустаҳкамлаш учун турли хил исканжалар ишлатилган. Бундай исканжалар (скоби) XII-XIII асрлар Дарёликқўл макони, XIII-XIV асрлар Миздакхон маҳалларидан топилган<sup>4</sup>.

Археологик материалларда меъморчилик ва дурадгорлик билан боғлиқ темир асбоб-анжомларнинг кўплаб учрашиши ўрта асрда Хоразмда қурилиш ишлари ва маиший талаблар асосида темирчиликда ихтисослашган гуруҳларнинг вужудга келганлигидан далолат беради.

Демак, ўрта асрларда Хоразм дурадгорлик асбобларининг ихтисослашуви ва кенг тарқалиши шаҳарлар, работлар ва қишлоқ жойларидаги меъморчилик маданиятининг тараққий этишига имкон яратган воситалардан бири бўлган.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда, шунингдек Хоразмда қимматбаҳо металллардан идишлар ясаш аҳамиятли соҳалардан бири бўлган.

<sup>1</sup> Доспанов О.Т. Жампық қала-орта эсир естелиги ... -Б. 70.

<sup>2</sup> ҚДЎМ. Миздакхон. Кп.6945/1-20. инв.6/3,6/7,6/8; Кп.8951/8. инв.380; Кп.1333-1334. инв.14-15; Кп.8951/12. инв.384; Кп.2136/12. инв.15; Кп.8951/44. инв.416; ҚРСМ. Қават-қалъа. Кп.39185. инв.212; Кп.40075/4. инв.643.

<sup>3</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX начале XX вв. (историко-этнографический очерк) // Занятия и быт народов Средней Азии. Среднеазиатский сборник. - Л., 1971. -вып. III. - С. 82-84.

<sup>4</sup> ҚРСМ. Кп.40075/4. инв.643; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... -рис. 66,12;65.

Бу тўғрисида мутахасислар Даркевич В.П., Лещенколар В.Ю. таъкидлашларича, савдо-иқтисодий алоқалар натижасида кўплаб маҳсулотлар қаторида Сўғд ва Хоразм ҳунармандалари томонидан ишлаб чиқарилган кумуш идишлар ҳам VII аср охиридан Шимолий Кавказ ва Кама бўйларига ташқи савдога чиқарилган<sup>1</sup>. Ўрта Осиё вилоятларига тааллуқли кумуш идишлар Азов, Доғистон ҳудудларида ва Уралдаги Кичик Аниково қишлоғидан топилган. Улар Россия Археология комиссияси ҳисоботи<sup>2</sup>, И.А.Орбели, К.В.Тревер<sup>3</sup> тадқиқотларида махсус боҳаланган. Бундан ташқари, С.П.Толстов ва А.И.Тереножкин асарларида баъзи кумуш идишлардаги тасвирлар Хоразм маданий муҳитига алоқадорлиги алоҳида таъкидланади<sup>4</sup>. Ушбу кумуш қадаҳларнинг биттасида камон ушлаган суворий, иккинчисида тўрт қўллик худо тасвирланган ва хоразм тангаларидаги каби ҳарфлар туширилган (41,1-расм). Унга ўхшаш тўрт қўллик худо тасвирланган сопол муҳрлар Тешиққалъанинг VII-VIII асрлардаги қатламларидан ҳам топилган. Тўрт қўллик худо тасвири Хоразмда кушонлар даврида ҳинд-будда тасвирий санъатининг маҳаллий аҳоли орасида ассимиляциялашуви натижасида шаклланган ва бундай тасвирлар билан ҳунармандчилик буюмларини безаш VII-VIII асрларда ҳам давом этган. Кумуш лаганда эса қуролланган зирҳли суворийларнинг қасрни ишғол қилиш манзараси тасвирланган (расм 41,2). Лагандаги тасвирлар Хоразмнинг илк ўрта асрлардаги қурол-аслаҳалари (қилич, найза, камон, ҳарбий болта) ва ҳимоя қуроллари (қалқон, дубулға, совут, ўқдон) ҳақидаги маълумотларни бойитади. Илк ўрта асрларда Сўғд ва Хоразм кумуш

<sup>1</sup> Даркевич В.П. Художественный металл Востока. -М., 1976. -С.146-147; Лещенко В.Ю. Восточные клады на Урале в VII-XIII в.в. (по находкам художественной утвари): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. -М., 1971. - 22 с.

<sup>2</sup> Отчет Археологической комиссии (ОАК) за 1909-1910 гг. -СПб., 1914. - С. 226-228.

<sup>3</sup> Орбели И.А. и Тревер К.В. Сасанидский металл. -М -Л., 1935. -табл 20.

<sup>4</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: МГУ, 1948.- С. 218; Тереножкин А.И. К истории искусства Хорезма // Искусство. -М., 1930. -№ 2.

идишлари ясалиш услуби, шакли ўхшаш бўлиб, фақат палеографияси ва бадиий композицияларидаги ўзгачаликлари билан фарқ қилган<sup>1</sup>.

Африғийлар давридаги (VI-VIII асрлар) Тупроқ-қалъа, Бургут қалъа, Норинжон бобо, XII-XIV асрлар қишлоқ жойларидаги ёдгорликлардан кўплаб камарлар тўплами топилган<sup>2</sup>. Камар тўқалари бу даврдаги эркакларга хос бўлган безак буюмларидан ва кўчманчилар билан маданий алоқаларидан далолат беради (65-расм). Камарларнинг асосий қисми чармдан бўлиб, унга квадрат, айлана шакллардаги ҳар хил металллардан тайёрланган тўқалар ўрнатилган. Камар тўқаларининг қандай металлдан тайёрланиши ва безатилиши унинг эгасининг мартабасига боғлиқ бўлган. Ушбу камарлар тўплами маҳаллий аҳоли ва атрофдаги кўчманчилар талаб ва эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин. Ўхшаш камарлар тўплами Сўғддаги VII-VIII асрларга оид ёдгорликларида кўплаб учрайди<sup>3</sup>.

Ўрта асрларда хунармандчилик соҳаси тараққиёти қўшни минтақалар ва йирик хунармандчилик марказлари билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларга ҳам узвий боғлиқ бўлган. Бундай алоқалар натижасида VIII аср биринчи ярмида мисгарлик хунармандчилигида янги маҳсулот Шарқ хотин-қизларининг пардоз-андоз ишларида қўлланиладиган ўсмадонлар ишлаб чиқарила бошлаган. Хоразмда бронза ўсмадонлар VIII асрга оид Якка-парсон, кейинги даврларда эса XII-XIII асрлар боши Жигарбанд, XIII-XIV асрлар Шахрлик ёдгорликларидан топилган<sup>4</sup>.

XI асрдан марказлашган Хоразм давлатининг Буюк ипак йўлида фаол иштирокчи сифатида савдо-сотик ва маданий олақаларнинг кучайиши, воҳадаги иқтисодий тараққиёт металлсозлик соҳаларининг ҳам ривожланишига туртки бўлган ижобий омилардан бири бўлди. Ўша даврда

<sup>1</sup> Толстов С.П. По следам древне Хорезмской цивилизации. -М-Л., 1948. -С. 200-201.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. ... -рис. 64,73,74.

<sup>3</sup> Распопова В.И. Поясной набор Согда VII-VIII вв // СА. -М., 1965. -№ 4. -С. 78-91.

<sup>4</sup> Неразик.Е.Е. Раскопки Якка- Парсана. -С. 30. -рис. 14, 2; Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. ... -С. 50. -рис.6,2.

соҳа тараққиётини белгиловчи маҳаллий хом-ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган. Султонувайс тоғи тизмаларидаги Оқтоғ (X-XIV аср), Аччиқ тоғ (X-XIII аср), Занги-бобо (XI-XIII аср), Шайхижалил (XII-XIV асрлар) худудларидан аниқланган мис конлари ва руда эритиш марказлари бунинг яққол далилидир.

Тадқиқотнинг хронологик доирасида Хоразм мисгарлари томонидан: уй-рўзғор буюмлари (коса, товоқ, ликобча, кўза, қошиқ); ошхона идишлари (қозон, тоғора, това); пардоз-андоз буюмлари (ўсмадон, тўқноғич, қисқич, кулоқ тозалагич, кўнғироқчалар, бронза ойналар); кундалик ҳаётда махсус аҳамиятга бўлган (чирок, сиёхдон, катта ва кичик тарози паллалари ва оғирлик тошлари, занжир, зооморфли буюмлар, камар тўқалари ва бошқа) буюмлар кўплаб ишлаб чиқарилган<sup>1</sup>. Айниқса, XI- XIII асрлар бошида мис ва бронза буюмларнинг хилма-хил тур ва шакллари кўпайди ва ишлов бериш техникаси такомиллашган. Бу даврга хос буюмлар безатилиши билан ажралиб туради, асосан улар ҳандасий, ислимий ва эпиграфик усулларда нақшланган. Жумладан, XI-XII асрларга оид Қават қалъа, Шохсанам қалъа, Айгелди ва бошқа ёдгорликлардан топилган бронза коса, товоқ ва қозонлар ислимий, ҳандасий, эпиграфик нақшлар билан безатилган (42,4-расм). Бундай металлдан ясалган уй-рўзғор идишларидан бадавлат ойлалар хонадонларини безатишда ва меҳмон кутишда кенг фойдаланган. Миздакхон (VIII-IX; XIII-XIV асрлар), Қават қалъа (XI-XII асрлар) ва бошқа ёдгорликлардан топилган мис, бронза товоқ ва тоғоралар хилма-хил шаклда ясалган (47-расм). Этнографик материалларда мис товоқлар ҳажмига қараб мис тоғора, мис лаган ва мис лаганча каби турлари мавжуд<sup>2</sup>. Мис товоқлар нон, мева-чева солиб қўйиш учун мўлжалланган бўлиши эҳтимол (47,1,2-расм). Тоғоралар

<sup>1</sup> ҚРСМ. Кп 3775. инв. 120; Қават қалъа. Кп. 41095/77-78. инв. 1356-1357; № 707 архео-топографик нукта. Кп. 40074/136. инв. 634-639; ҚДЎМ. Миздакхон. Кп. 7796. инв.105; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). ... - С. 89; Вишневская О.А. Раскопки караван-сараев Ак-Яйла и Талайхан Ата. ... -С. 460. –рис 13,1; Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала XV-XVII вв. на городище Таш-кала. ... –С. 526.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1959. Жилд. II-III. –Б.305-306.

